

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Мусахҳих ва компьютерда саҳифаловчи	Ш.Янгибоев
Навбатчи	Э.Жабборов
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

ҚарДУ ХАБАРЛАРИ

Илмий-назарий, услубий журнал

Муассис: Қарши давлат университети

Журнал Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 17.09.2010 йилда № 14-061 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

Теришга 12.05.2014 йилда берилди. Босишга 18.06.2014 йилда рухсат этилди. 26.06.2014 йилда босилди. Офсет қоғози. Ўлчами 70x108 1\16. Нашриёт ҳисоб табағи 7,3.
Буюртма рақами 38. Адади 100 нусха. Эркин нархда.

Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.

Индекс: 4071

**Журнал 2009 йилда
ташкил этилган**

**Йилига 4 марта
чоп этилади**

2(20). 2014

Қарши – 2014

ТАХРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош мухаррир проф. Ёзиев Л.Х.

Масъул котиб доц. Жабборов Э.Ж.

Тахририят хайъати аъзолари: проф. Жабборов А.М., проф. Тўраев Д.Т., проф. Уватов У.У., проф. Хайриддинов Б.Э., проф. Шодмонов Н.Н., проф. Шукуров О.М., проф. Ташатов А.К., проф. Чориев С.А., проф. Эргашева Ю.О., проф. Курбанов Ш.К., доц. Дилмуродов Н.Э., доц. Эркаев А.П.

Манзилмиз: 180003, Қарши, Кўчабоғ, 17.
Қарши давлат университети, Бош бино.
Тел.: (+91) 945-64-55, факс: 225-57-01;
Veb-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Главный редактор проф. Ёзиев Л.Х.

Ответственный секретарь доц. Джаббаров Э.Ж.

Члены редколлегии: проф. Джаббаров А.М., проф. Тураев Д.Т., проф. Уватов У.У., проф. Хайриддинов Б.Э., проф. Шадманов Н.Н., проф. Шукуров О.М., проф. Ташатов А.К., проф. Чариев С.А., проф. Эргашева Ю.О., проф. Курбанов Ш.К., доц. Дилмуродов Н.Э., доц. Эркаев А.П.

Адрес редакции: 180003, Қарши, Кучабғ, 17.
Қаршинский госуниверситет, Главный корпус.
Тел.: (+91) 945-64-55, факс: 225-57-01;
Veb-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

EDITORIAL BOARD:

Editor-in-chief – professor Yoziyev L.H.

Executive-secretary – assistant professor Jabborov E.J.

Editorial board members: prof. Jabborov A.M., prof. Turayev D.T, prof. Uvatov U.U., prof. Khayriddinov B.E., prof. Shodmonov N.N., prof. Shukurov O.M., prof. Tashatov A.K., prof. Choriyev S.A., prof. Ergasheva Y.O., prof. Khurbonov Sh.Q., assistant prof. Dilmurodov N.E., assistant prof. Erkayev A.P.

Editor address: 180003, Karshi, Kuchabag, 17.
Karshi State University, The main Building.
Tel.: (+91) 945-64-55, faks: 225-57-01;
Veb-sayt: xabarlar.qarshidu.uz
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz

© Қарши давлат университети, 2014

Хуррамов Ж.Қ. Жисмоний тарбия дарсларида харакатлар тезкорлигини ривожлантириш услублари.....82
Раҳматуллаев А.Ю, Ҳамидов Б.А., Норова Г.Р., Мавлонов О.М. Модулли таълим технологиясини қўллаш орқали мактаб зоология дарсида ёмғир чувалчангидан тирик хайвон материали сифатида фойдаланиш.....88
Файзиев З.Х. Ўқувчиларда математик қобилиятни ўстиришнинг психологик қонуниятлари.....91
Суярова З.Қ. Инглиз тилини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.....95

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Жўрақобилова Ҳ. Маънавий-ахлоқий омиллар раҳбар масъулиятини оширишнинг муҳим омили сифатида.....98

МУНДАРИЖА

КИМЁ-БИОЛОГИЯ

Хўжамкулов Б.Э., Рўзиев Б.Х., Чориев Р. Р., Рахимов А.Л. Грегор Менделнинг илмий фаолиятига чизгилар.....3

ФАЛСАФА-ТАРИХ

Сулейманов Р.Х., Ражабова Н. Городская культура Самарканда в раннем средневековье.....13

Тўхтаева Р.Н. Бухоро ва Хоразм Республикаларида молиявий сиёсат ва пул муомаласи.....16

ИҚТИСОДИЁТ

Гулямов С. Ўзбек модели – инсон капиталининг ривожланиш омили.....20

ФИЛОЛОГИЯ

Курасова Н.В. Повтор как принцип организации поэтической речи в стихотворении Д.Самойлова “Разговаривает ветер”.....37

Хўжаев Ғ. Абдулла Орипов ва Данте.....40

Юлдошева Н., Набиева М. Ўзбек тилида бўлақларга ажралмайдиган гаплар43

Холиқова Ҳ. Концепт ва маъно46

Княмова Г.Р. Развитие правиль произношения при чтении текста.....48

Убоженко А.С. Англо-американские заимствования в современном русском языке и литературе.....52

Жумаева Н. Бадиий матни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш усуллари57

Ergashova R. The structure, meaning and functions of syntagma in English speech.....60

ГЕОГРАФИЯ

Файзуллаев М.А. Қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва географик конвейерни шакллантириш масалалари.....63

ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ

Примов Т. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш.....70

Назаров А.А. Туркистон маърифатпарварларининг таълим-тарбияга доир қарашларида халқ педагогикаси анъаналарининг ақс этиши.....72

Бобомуродов Ф.И., Эшматов Ғ.Э. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кураш мусобақасини моделлаштириш.....76

КИМЁ-БИОЛОГИЯ

ГРЕГОР МЕНДЕЛНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

Хўжамкулов Б.Э., Рўзиев Б.Х., Чориев Р. Р., Рахимов А.Л. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: генетика, доминант, ресессив, дурагай, чашиштириш, авлод, ирсият, белги, хусусият.

Фанда шундай кашфиётлар бўладики, жаҳон оммаси кашфиётчини ҳаётдан кўз юмгандан кейин танийди. Ана шундай кашфиётлардан бирининг муаллифи – ирсият қонунларининг асосчиси, буюк генетик олим Иоганн Мендель ҳаётининг айрим чизгилари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Мендель 1822 йил 20 июлда Чехославакиянинг Хейнцендроф (ҳозирги Хинчици)да туғилган. Кўпгина адабиётларда унинг туғилган санаси 1822 йил 22 июль деб кўрсатилади. Аслида бу сана унинг черковда чўқинтирилган кунидир. У даврларда Иоганн туғилган ерлар Австрия империясига қарашли бўлган. Иоганн туғилиб вояга етган оила келиб чиқишига кўра немис ва славян миллатига мансуб бўлган қишлоқ деҳқонининг оиласи бўлган. Онаси Розина Швиртлих немис, отаси Антон Мендель славян миллатига мансуб эди. Улар оиласида 3 та фарзанд бўлиб, ягона ўғил Иоганн оиланинг иккинчи фарзанди эди. Иоганн ёшлигидан бошлаб худди отасидек тиришқок, оғир вазмин, ўта меҳнатқаш бола бўлган.

Оила бошлиғи Антон Менделнинг энг севган касби боғдорчилик ва асаларичилик бўлиш билан бирга доимий равишда овчилик билан ҳам шуғулланиб келган. Ёш Иоганни отаси доим ўзи билан боғ ишларига бирга олиб юрар, унга дарахтларни пайвандлаш ва кўпайтириш, кўчат етиштириш сирларини ўргатиб борар эди. Отасининг бундай тарбияси бекор кетмади. Ёш Иоганн боғдорчилик ишларида тажриба тўплади ва бу касбга меҳр қўйиб катта бўлди.

Йиллар ўтди, энди ёш Иоганни отаси ўқитиш учун мактабга бериши лозим эди. Чунки у вақтда бир йиллик мактабда таълим олиш барча учун мажбурий эди. Агар кимки бу қонунга қарши чиқиб боласини бир йиллик мактабга ўқишга бермаса, катта ҳажмда жарима белгиланар, уни тўлаш қатъий талаб қилинар эди. Унинг етук қобилияти ва истеъдоди шу бошланғич мактабнинг ўзида намоён бўлди. Унинг бошқа фанлар билан бирга бошланғич синфда энг севимли фани табиатшунослик бўлиб қолди.

Бир йиллик мактабни тугатган ёш Иоганда ўқишни яна давом эттириш муаммоси пайдо бўлди. Муаммонинг асосий сабаблари шунда эдики, улар яшаётган қишлоқда ундан юқори билим берадиган бошқа мактаб йўқ эди. Уни узоққа юбориб ўқитиш эса анча қийин эди. Лекин ўқишни давом эттирмаслик унинг кейинги тақдирига салбий таъсир кўрсатишини ўзи ҳам, ота-онаси ҳам яхши тушунар эди. Агар у ўқишни давом эттирмаса, келажакда энг оғир

ишлардан бири, яъни қишлоқда отаси каби деҳқончилик ишлари билан шуғулланиши аниқ бўлган. Унинг ўзи эса ўқишни давом эттиришни жуда хоҳлар, доим кўз олдида турадиган, қишлоқда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган тоғаси каби ҳамма учун ҳурматли одам бўлишни орзу қилар эди.

Келажакда ўқишни давом эттиришни ижобий ҳал этиш жуда оғир муаммо эди. Биринчидан, унинг онаси оиладаги ёлғиз ўғилни қишлоқдан бошқа узоқ жойга ўқишга юборишга қарши бўлди. Иккинчидан, оила бисотида Иоганнинг ўқиши учун тўланадиган ортиқча маблағ йўқ эди. Иогандаги ўта кучли хоҳиш ва ёрқин талантни сезган бир йиллик қишлоқ мактабининг ўқитувчиси унинг ота-онасига ўқишни 4 йиллик мактабда давом эттириш кераклигини таъкидлар эди. У вақтларда 4 йиллик мактабларда санъат, дунёвий ва диний билимлар ўқитилар эди. Узоқ баҳслашувлар ва мулоҳазалардан кейин Иоганнинг ота-онаси уни Липник шаҳридаги 4 йиллик мактабга ўқишга беришди.

Янги 4 йиллик мактабда ҳам интилувчан ва қобилиятли ёш Иоганнинг ўқитувчилари синфдаги энг ёрқин талант деб эътироф этар эдилар. Тўрт йиллик мактабни жуда яхши баҳолар билан тамомлаган Иоганн гимназияда ўқишини давом эттиришни ота-онаси қўллаб-қувватлайди. Натижада 1834 йилда у Опава шаҳридаги гимназияга ўқишга қабул қилинади. Лекин гимназияда ўқишни давом эттириши учун унинг иқтисодий аҳволи танглик қилар эди. Гимназиядаги ўқишининг дастлабки вақтларида уни ота-онаси ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ейиш-ичиши учун озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатиб турди. Оиладаги кўнгилсиз ҳолат, яъни отасининг бахтсиз ҳодисага учраши уни бу имкониятдан маҳрум қилди. Мендель 1850 йил ёзган таржимаи ҳолида “16 ёшимда жуда оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолдим. Гимназияда ўқиш билан бирга мустақил ҳолда ишлашга мажбур бўлдим. Шундан кейин мен Троппа шаҳри мактаблари учун тайёрланадиган “шахсий ўқитувчилар тайёрлаш учун номзодлар тайёрлаш” махсус курсини ўқиб муваффақиятли имтиҳон топширдим. Натижада гуманитар синфларда дарс бериш ҳуқуқини берувчи ҳужжат-илова олдим”, деб эътироф этади [1].

Энди ёш Иоганнинг асосий мақсади ўзига нон ишлаб топиш ва гимназиянинг энг яхши ўқувчиси бўлиб қолиш эди. Бунинг учун у тинмай меҳнат қилди. Бундай оғир меҳнат ва тинимсиз ўқиш соғлигининг йўқолишига олиб келди. Тинимсиз изланиш, кучли толиқиш ва касалликдан азоб чеккан ёш Иоганн 1839 йил баҳорида уйига қайтди. Ярим йил давомида соғлиғини тиклаб, 1840 йили гимназияга қайтган 18 ёшли ўсмир уни муваффақиятли тугатди. Мазкур гимназия тўлиқ ўрта маълумот бермасдан 6-синф маълумотини берар эди. Чунки гимназияда ундан юқори синф йўқ эди. Лекин Иоганн ўқишни давом эттиришни жуда хоҳлар ва келажакда

SUMMARY

The author in this article shows a role and social value of the responsibility as social institute in maintenance of management efficiency during a civil society. Spiritual – ethical factors are considered as one of the important factors of increase of the responsibility of leaders.

ва ҳ.к.); 2) *расмийлаштирилмаган* тарздаги талаблардан (миллий анъаналар, ахлоқий меъёрлар, касб маданияти ва одоби қоидалари кабилар)дан иборат бўлиши мумкин.

Ахлоқий меъёрлар давлат ва ҳуқуқ юзага келишидан анча олдин ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос воситалари сифатида амал қилган ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ахлоқий масъулиятни ҳодиса сифатида ўрганиш тарихи олимлар эътиборини тортгани асрлар билан ўлчанса-да, у ходимлар, хусусан раҳбарлар масъулиятини шакллантиришнинг ўзига хос ва кам ўрганилган тури ҳисобланади. Масъулиятни оширишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатининг муҳим хусусияти шундаки, у ўзи мўлжаллаган раҳбарларнинг мулкӣ, ҳуқуқӣ ва сиёсий ҳолатига ўзгартиришлар киритмайди, ўзининг салбий баҳосини бирон-бир жазо билан амалда мустаҳкамламаса-да, амалий фаолиятда кўпроқ ҳолларда жамоатчилик фикри тарзида амал қилади. Бундай фикрлар одатда мансабдор шахсларга кучли маънавий таъсир кўрсатади. Бу ҳолатни Президентимиз И.А.Каримов шундай изоҳлайди: “Тарозининг бир палласида амалдор ўтирибди, иккинчисида эса – жамият. Адолат тарозини мувозанатга келтириб турувчи куч эса жамоатчиликдир” [3:122].

Шунинг учун ҳам маҳаллий бошқарув тизими самарадорлигини оширишда маънавий-ахлоқий омилларнинг ҳам ўрни юқори эканлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 352 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 322 б.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 384 б.
4. Бегматов А. Давлат хизмати одоби // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. - № 3.
5. Эргашев И. Бошқарув фалсафаси ва маҳорати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. -№ 3.

РЕЗЮМЕ

Мақолада фуқаролик жамияти қуриш жараёнида бошқарув самарадорлигини таъминлашда масъулиятнинг ижтимоий институт сифатидаги роли ва ижтимоий аҳамияти очиб берилган. Маънавий-ахлоқий омиллар раҳбар масъулиятини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралган.

РЕЗЮМЕ

Автор в своей статье раскрывает роль и социальное значение ответственности как социального института в обеспечении эффективности управления в процессе гражданского общества. Духовно-этические факторы рассматриваются как один из важных факторов повышения ответственности руководителей.

яхши мактабларда ўқитувчи бўлиш истаги кучли эди. Бунинг учун унга тўлиқ ўрта маълумот керак эди.

Шундан сўнг Мендель Оломоуц шахридаги университетнинг фалсафа синфига ўқишга кирди. Мақсади мактабда гуманитар фанлар бўйича гимназия маълумоти асосида ўқитувчи бўлиш эди. Фалсафа синфида анча қизиқ дастур асосида дарс ўтилар, унинг ярим машғулоти черков тартиб-қоидаларини ўргатар, назарий ва амалий фалсафа эса католик черковининг дунёвий ахлоқи ҳақида билим берар эди. Иоганн, асосан, математика, физика, фалсафага кўпроқ қизиқар эди.

Фалсафа синфида дарс берувчи ўқитувчиларнинг кўпчилиги такводор-роҳиб кишилар бўлиб, улар Иоганнинг кейинги тақдирида муҳим роль ўйнади. Фалсафа синфини тугатган Иоганн тушундики, ўқишни яна давом эттириш учун унинг олдида қаттиқ иқтисодий қийинчилик кўндаланг турар эди. У ўз эсдаликларида бу ҳақда шундай ёзади: “Ўша даврларда менинг ўз олдимга қўйган биринчи мақсадим ўқиш учун керакли энг оддий нарсаларни топиш ва моддий маблағ ишлаш бўлди” [1]. Шу мақсад йўлида бир неча марта Ольмюце шахридаги шахсий мактабларда ишлаш учун ўзининг хоҳиши борлигини билдирди. Негадир унинг истак ва хоҳиши, интишининг амалга ошиши жуда қийин кечар эди ва бу истаги ҳам амалга ошмади. Унинг аҳволи кундан кун ёмонлашиб борди. Кучли толиқиш, оғир меҳнат ўз таъсирини кўрсатди, касаллик туфайли Иоганн яна бир йил ота-онаси ёнига қайтиб келди.

Иоганн одамови бўлиб қолганди. Отаси бунинг сабаби ўқиш учун иқтисодий етишмасликдан деб билди ва қандай қилиб бўлса-да, ўғлини етук билимдон қилиб ўқитишни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Аммо ўғлининг ўқишни яна давом эттириши учун оиланинг моддий имконияти йўқ эди. Унинг ўқишини давом эттириш учун бўлган навбатдаги уриниш оилага катта моддий ва маънавий қийинчилик олиб келди. Барча қийинчиликларга рози бўлган ота куёви билан шартнома тузиб, шахсий хўжалигини куёвиге сотди. Тузилган шартноманинг жуда кўп бандлари мавжуд бўлиб, хусусан, сотиб олувчи ҳар йили Иоганнинг ўқиши учун юз флорина тўлаши керак бўлар эди. Агар Иоганн ўз хоҳиши билан роҳибликка ўтса ёки у ўзини ўзи иқтисодий таъминлаб кетса, унинг отасига ҳар йили ўн флорина тўлаши керак эди. Шунингдек, Иоганнинг ҳаётида бирор бир бахтсиз ҳодиса рўй берса ёки роҳиблик қилиб, ўзини иқтисодий томондан таъминлаб кетса, отаси вафотидан кейин умри давомида отасининг уй-жойидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт эди. Бу ҳолат, яъни тузилган шартнома ҳам унинг иқтисодий аҳволини яхшилаб, ўқишини давом эттиришига имкон бермади. Иоганнинг бирдан бир мақсади фалсафа синфида қолиб ўқишни давом эттириш бўлди. Уни мактабда қолдириш учун кичик синглиси Терезия ёрдам қўлини чўзди. Бунинг эвазига кейинчалик черковга жойлашгач

Мендель синглизининг болаларини ўқитишни бўйнига олди. Унинг қўллаб-қувватлаши билан кейинчалик жиянлари Алоиса ва Фердинанд университетни тугатиб, врач бўлиб етишдилар.

1843 йилда мактаб-гимназияни тугатган Иоганни илмий тадқиқот иши ўзига тортган эди. Шундай бўлса-да, у ҳатто университетга киришни ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Чунки бунга етарли имкони ҳам, маблағи ҳам йўқлигини билар эди. Имкони бўлса, ўқитувчи ёки диний мансабдор бўлишни орзу қила бошлади. Шунинг учун у таквадор-роҳиб бўлиш тўғрисида ўйлаб қолди. Сабаби фалсафа синфида ўқиш кўпроқ таквадорлик амалларини ҳам ўргатар эди.

Иоганнинг кейинги ҳаётини белгилаб олишида онаси катта роль ўйнади. У жияни Алоиса Шиндлер билан бирга ўғли таквадор-роҳиб бўлса, ҳаёти изга тушиб кетишини, иқтисодий ҳаёти ўнглашини тушунтирди. Натижада Иоганнинг олдида бир йўл – черковга бориб таквадорлик қилиш қолди. Натижада 1843 йили Августинский черковига роҳиб бўлиб ўтди. Ана шу кундан бошлаб унинг номи Грегор деб атала бошлади. Маълумки, католик черковида роҳиблик қилувчиларга фан билан шуғулланишга рухсат берилган, бу тақиқланмаган, ҳатто бундай иш қилувчилар рағбатлантирилар эди. Масалан, Брюно шахри черковида таквадорлардан бўлган Франц Напп шарқ лингвистикаси бўйича йирик мутахассис эди; таквадор Братранк эса табиатшунос, адабиётшунос, файласуф; Крижковский эса композитор ва мусикашунос бўлган. Теллер ботаник-фенолог бўлиб, флорадан кўплаб гербарийлар тўплаган, ҳатто черков олдида унча катта бўлмаган ботаника боғи барпо этган эди. Кейинчалик шу боғ Грегор Мендель меҳнати эвазига табиатшунослик тарихига оид манбалар билан бойитилди.

Шунинг учун ҳам монастрдаги таквадорлар мактаб ва гимназияларда нафақат диний таълимот, балки физика, химия, мусиқа, дунё тарихи, ботаника, зоология, филология каби фанлардан ҳам дарс ўтишар эди. Бундай имконият Менделнинг ўзи қизикқан соҳасини давом эттиришга имконият очиб берди. Черков атрофида катта боғ бўлиб, боғда мевали ўсимликлар кўчатхонаси, иссиқхона ташкил этилган эди.

Мендель 1845-1848 йилларда черков қошидаги мактабда бошқа тиллар қатори грек ва араб тилларини ўрганди. Бундан ташқари, 1848 йилда профессор Фридрих Дибелдан кишлоқ хўжалигига оид маърузалар тинглади [1].

Менделнинг роҳиблик йўналишида олиб борган ишлари унинг ёрқин келажагини белгилаб берди. Черковда роҳиб бўлиб ишлаш ва ўқиш унинг келажақда амалга оширадиган ишлари учун имтиҳон топширишда муҳим аҳамият касб этди. Натижада у аъло баҳоларга имтиҳон топшириб, диний таълимот доктори унвонини олди ва шу мактабда энг яхши дарс берувчи ўқитувчи бўлиб қолди.

атини кўзлаб, тинимсиз қилган меҳнатини, фидойилигини кадрлаши ва ҳурмат қилишини” англаши миллий-ахлоқий кадриятлар билан узвий равишда боғлиқдир.

Бошқарув ходими фаолиятини тартибга солишнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини тавсифлаш мураккаб жараёндан иборат бўлиб, бу жиҳатлар ходимнинг шахси, унинг касбий вазифалари ва манфаатларига нисбатан юксак кадриятлардан иборатдир. Аслида ҳам Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани”дир [2:57].

Шунингдек, профессор А.Бегматовнинг фикрича, “ҳар қандай давлатнинг фуқаролар олдидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг касб маҳорати ва ахлоқий қиёфасига боғлиқ”дир [4:8]. Ҳолбуки, аҳоли онгида бошқарув ходимларининг айнан ахлоқий фазилатлари бошқарув органи ишини баҳолашга нисбатан мезон сифатида намоён бўлади. Касбий фазилатлар ва ишбилармонлик хусусиятлари эса фақат аҳолининг мазкур органлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти билан боғлиқ бўлган қисми томонидан баҳоланади, холос. Шу тариқа, маҳаллий бошқарув ходими “касбий қиёфаси”нинг шаклланишига миллий, маънавий-ахлоқий меъёрлар унинг мансабдор шахс сифатидаги хатти-ҳаракатларига қараганда кучлироқ таъсир кўрсатади. Бу жараён бутун маҳаллий бошқарув тизими учун жиддий салбий оқибатларнинг рўй беришига сабаб бўлиши мумкин. Чунки ходимлар фаолиятида амал қилувчи хулқ-атвор ва маънавий-ахлоқий омиллар воситасида тартибга солишнинг расмийлаштирилмаган тамойилларининг таъсири камроқ самара бериши билан характерланади. Бошқарувдаги ҳар бир салбий ҳолат, албатта, кутилган натижаларни олишга салбий таъсир этади. Бошқарув маҳорати нафақат раҳбар бошқарувчининг кадр сифатида мутахассислик билими, кўникмаларига, балки унинг ички маънавий дунёси, маслағи ва эътиқодининг юксаклиги билан ҳам боғлиқдир [5:7]. Шунинг учун ҳам бошқарув ходимлари масъулиятини оширишда уларнинг хулқ-атворларини меъёрий жиҳатдан тартибга солишнинг алоҳида қоидаларига риоя этиш мажбуриятини ўз ичига олган концептуал дастурлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув ходимлари касбий маҳоратини ошириш нафақат уларнинг касб-малакавий омилларига, балки уларнинг маънавий-ахлоқий омилларига ҳам бевосита боғлиқ бўлиши ҳозирги давр талабидир. Бу талаблар асосан: 1) *расмийлаштирилган* тарздаги талаблар (йўриқномалар, низомлар, лавозим вазифалари, ходимлар хулқ-атворини тартибга солувчи турли меъёрий ҳужжатлар, кодекслар

ятида масъулиятни ошириш масаласини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув ходимлари масъулиятининг ҳозирги ҳолати ўтиш давридаги модернизациялаш ислохотларининг таркибий қисми сифатида янги мазмун ва шаклларда такомиллашиш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда ва уларга нафақат касб-малака нуқтаи назаридан, балки ижтимоий-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам юксак талаблар қўйилишини белгилайди. Бу жараёнда улар масъулиятини ошириш билан боғлиқ асосий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида хорижий илғор тажрибалар ва бу соҳадаги миллий анъаналар ўзаро уйғунлик асосида илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш объектига айланди.

Президентимиз И.А.Каримов бугунги кунда давлат олдида турган мақсад ва вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлашда иккита муҳим талабни илгари сурмоқда. Улардан биринчиси, ҳар бир раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, унинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўл-са, иккинчиси, раҳбарнинг тегишли билим, тажриба, юқори малакага эга бўлишидир. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари И.А.Каримов куйидаги фикрларни билдиради: “Бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди” [1:229-230]. Шу сабабли бошқарув ходимлари масъулиятини ошириш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ходимлар масъулияти муаммосини янгича англаш жараёни юз бермоқда. Аксарият муаллифларнинг таъкидлашича, инсон масъулиятини оширишнинг жамият ҳаётидаги тангликлар ва бошқариладиган муҳитнинг зиддиятлилиги билан белгиланувчи субъектив омил сифатидаги ўрнига асосий эътибор қаратилмоқда. Баъзи олимлар *масъулиятга* “ўзаро боғланган тарафларнинг манфаатлари ва эркинлигини таъминловчи, давлат ва жамият томонидан қафолатланган муносабат” сифатида қарамоқдалар. Уларнинг фикрича, бошқарувда масъулиятни ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва ахлоқий хусусиятга эга бўлган чоратадбирлар мажмуини амалга ошириш зарур бўлади. Яна бошқа муаллифлар эса *масъулият* деганда, шахснинг жамиятга нисбатан хизматга доир ҳамда ахлоқий жоизликни амалга ошириш даражаси билан тавсифланувчи алоҳида ижтимоий ва маънавий-ахлоқий муносабати инъикосини тушунадилар.

Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда ҳам ахлоқий қадриятлар масъулиятни англаш ва уни янада оширишнинг асосий омили даражасига кўтарилиши лозим. Чунки “...одамлар раҳбарларнинг лавозим курсисини эмас, балки унинг эл-юрт манфа-

Ўша вақтларда бундай унвонга ва эътирофга эга бўлиш ҳар қандай кишининг бир умрлик орзуси эди. У 1849 йилдан бошлаб Знойма шаҳридаги гимназияда 3-4-синфларга математика ва грек тилларидан дарс бера бошлади. Ўзининг тиришқоклиги ва меҳнаткашлиги эвазига Мендель бу мактабда барча ўқитувчилар жамоаси ҳамда ўқувчилар орасида катта ҳурматга сазовор бўлди. Натижада у сеvimли фанлари физика, минерология, ботаника, табиатшунослик тарихи фанларидан дарс бера бошлади. Афсуски, бу фанлардан дарс бериш учун университет маълумоти керак эди. Мендель эса бу курсни ўтамаган эди. Менделдаги қобилиятни сезган гимназия раҳбарлари унга Вена шаҳридаги университетнинг махсус комиссиясига бориб ўзи ўқитадиган фанлардан имтиҳон топшириши лозимлигини маслаҳат берди. Мендель 28 ёшида 1850 йил 10 майда шу соҳалар бўйича имтиҳон топширди. Тартиб-қоидага кўра имтиҳон уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичи сиртдан ўтказилди. Бунинг учун Мендель икки йўналишда иккита фандан реферат ёзиш учун мавзу олди. Мавзунинг биттаси “Атмосфера ҳавосининг механик ва химиявий таркиби ҳамда табиатда шамолнинг ўрни”га бағишланган бўлиб, Менделнинг реферати ўша даврнинг етук профессорлари Баумгартнер ва Доплер томонидан ижобий баҳоланди. Иккинчи реферати “Минералларнинг ҳосил бўлишида вулконлар ва неפטуник жараёнларнинг роли” деб номланиб, бу иш Менделнинг келгуси ҳаёти барбод бўлишига бир баҳя қолди. Сабаби профессор Кнеранинг тақризи салбий характерга эга эди. Бундан қоникмаган Мендель профессор Кнеранинг уйига бориб Кант-Лаплас назарияларини тушунтириб беради ва ҳолатни ўнглайди. Имтиҳоннинг иккинчи босқичига профессор Баумгартнернинг ижобий тақризи асосида рухсат этилади.

Иккинчи босқичда Менделдан имтиҳонларга ёзма жавоб бериш кераклиги талаб қилинди. Берилган саволлар физика ва табиат тарихига (зоология) тааллуқли эди. Физикага оид бўлган саволга жавоб ёзиш Мендель учун жуда оғир бўлди. Бу соҳада унинг шахсий қузатишлари ва тажрибалари камлик қилди. Бу саволга ёзилган жавоб учун имтиҳон олувчилар уни учинчи босқичга имтиҳон топширишга рухсат этмади. Кейинчалик унинг фикрларини оғзаки эшитиб шартли равишда учинчи босқичга рухсат этишди. Аммо иккинчи саволи “Сутэмизувчилар классификацияси ва муҳим тур сифатида халқ хўжалигидаги аҳамияти”га бағишланган бўлиб, бу саволнинг жавоби ҳам кўнгилсизликларни кутиб турар эди. Ёзилган жавобга профессор Кнера анча салбий фикр билдирган эди. Ёзма ишнинг бундай салбий баҳоланишига асосий сабаб, Мендель эски китоблардаги фикрларни танқидий таҳлил этиб ўз фикрларини баён қилган эди. Узоқ тортишувлардан кейин Мендель учинчи босқичга қайта рухсат этилмади. Сабаби улар Мендель фикрини тушунмади. Бундан таъсирланган Мендель ўз касбдошларининг

ишончини оқламагани учун гимназияга қайтиб бора олмайдиган бўлди. У энди монастрга борди. Жамоаси эса уни кўп марталаб гимназияга таклиф этди. Жамоасининг таклифини қабул қилмагач, монастр бошлиғи И.С.Наппа буюк талант ва билим соҳибини Вена университетига маълумот олиш учун ўқишга юборишни тавсия қилди. Мендель бунга рози бўлди. Сабаби ўқиш учун маблағ монастр ҳисобидан тўланар эди. Натижада 1851 йил 27 октябрда Мендель йўлланма хат билан Вена университетига эркин тингловчилар курсига қабул қилинди. 1851-1853 йилларда 4 семестр давомида фалсафа факультетида экспериментал физика, олий математика, химия, зоология, ботаника, физиология, фитопотология, умумий полеонтология, энтомология фанларидан дарс тинглайди [2].

Эркин тингловчилик даврида экспериментал физикадан профессор Доплер дарс ўтиб, у Менделни яхши билар эди. Уни ҳатто ўз дарсларига ассистент сифатида иштирок эттирди. Ботаникадан профессор Франс Унгер дарс ўтди. Энтомологиядан дарс ўтган профессор В.Коллар Менделнинг қобилиятини сезгач, уни 1853 йилда Вена зоологлар ва ботаниклар жамиятида “*Boty margaritalis*нинг зараркунандалари” номли маърузасини тинглашга қўйди. Мендель 1854 йилда профессор С.В.Коларга “*Brychus pisi* нўхатининг зараркунандалари” тўғрисида олиб борган кузатишлари ва унинг натижалари тўғрисидаги мақоласини ва хатини юборди. Менделнинг хати ва илмий ишини В.Коллар машҳур “Вена зоологлар ва ботаниклар жамияти”да эълон қилди. 1853 йилда университетнинг эркин тингловчилар курсини тугатган Мендель Брюно шаҳар монастрига қайтди. 1854 йил май ойида маҳаллий билим юртига ёрдамчи ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Билим юртида унга хоҳлаган фандан дарс ўтишга рухсат этилди ҳамда билим юртидаги табиий тарихий коллекцияни юритиш бўйича вазифа юклатилди.

Брюно билим юртидаги ўқитувчилик йиллари Менделнинг ҳаёти ва илмий ижодида муҳим босқич бўлди. У ўз ишини жуда севар эди ва унинг эркин ўқитувчилик таланти ўқувчиларга дарс бериш жараёнида намоён бўлди. У нафақат ўқувчига табиат ҳақида тушунча берар, балки уни жонли кўргазмалар асосида ўтказар эди. Унинг хонасида доимий равишда оқ ва қўнғир сичқон, типратикон, олмахон сақланар эди. У асаларичилик билан ҳам мунтазам шуғулланиб, ариларнинг кўпайиши ва тарқалиши билан қизиқарди. У ўзининг вақт ва кучини монастрнинг боғи ва полизида ўтказар, ўзи тинимсиз меҳнат қилар эди. Ўқувчиларга Брюно шаҳри атрофини кўрсатиш, сайр эттириш унга жуда ёқар эди. У ёввойи табиат билан доимий танишишни, уни кузатишни севар эди. Кўплаб ўсимликларни монастр боғида экар, парваришлар эди. Уни ўсимликлар гулининг турли-туманлиги, рангларидаги ўзига хослик, тузилишининг бетакрорлиги қизиқтирар эди. Бунинг сабабларини билиш унга тинчлик бермас эди. У ўз кузатишлари, ўсимликлар устида олиб

СИЁСАТШУНОСЛИК

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ОМИЛЛАР РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Жўрақобилова Ҳ. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: фуқаролик жамияти, маҳаллий бошқарув, бошқарув ходимлари, масъулият, ижтимоий масъулият, раҳбар масъулияти, маънавий-ахлоқий омиллар, маънавий-ахлоқий меъёрлар, жамоатчилик фикри, раҳбар масъулиятини ошириш омиллари.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти куриш билан боғлиқ ислохотларнинг чуқурлашиб боришига мутаносиб равишда маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари ва вазифалари демократик кадриятлар асосида эркинлаштирилмоқда. Албатта, бу жараён маҳаллий бошқарувда ходимларнинг янги шароитларга мослашувига, айниқса уларнинг бошқарувдаги масъулиятини оширишга заруриятни кучайтирмоқда.

Фуқаролик жамияти куриш шароитидаги ижтимоий ўзгаришлар, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи шарт-шароитлар яратиш ва омилларни ишга солиш кўп жиҳатдан бошқарув, хусусан, маҳаллий бошқарув даражасини муттасил равишда ошириб боришга боғлиқдир. Шу сабабли, бошқарув органлари ходимлари фаоли-

тайёрлангани ҳам ўқитувчиларга энгиллик яратади.

Электрон ресурслардаги ҳаракатли ўйинлар, санаш, алифбо ва грамматикани ўргатувчи шеър-қўшиқлардан фойдаланувчилар учун жуда қулай. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган инглиз тилидаги электрон дарсликларнинг “CourseLab” дастурий воситасида ишлангани, видео, аудио ва интерактив элементлар билан тўлдирилгани дарс самарадорлигини янада оширади. Жумладан, “Таёқчалар” ўйинини кўрайлик. 8 рақами ёнида саккизта таёқча ва “eight” сўзи келтирилган. Болажонлар санок сонларни аудио воситасида тинглаб, рақам ва унга мос келадиган таёқчаларни видеолавҳада кўриб, ўрганиб олишади. Таъкидлаш жоизки, электрон манбалар асосан амалий мақсадга йўналтирилгани боис ўқувчи назарий қоидаларни ёдлашга мажбур бўлмайди. Аксинча, қоидалар асосида бажариладиган амалий машқлар ёрдамида мавзу моҳиятини чуқур тушуниб, чет тили борасидаги билимларини пухта эгаллаб боришади.

Бинобарин, ёш авлодга чет тилларни ўргатишдан мақсад ҳам бир неча хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан тўғридан тўғри фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир.

Адабиётлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Олий таълим. – Тошкент: Шарк, 2001. – Б. 25-26.
2. Мухамедов Ғ., Аширбоев С. Олий педагогик таълим мазмуни уйғунлиги // Педагогик таълим. – Тошкент, 2005. - № 2. – Б. 4.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инглиз тилини ўқитишда ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш йўллари ва уни амалда қўллаш усуллари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны способы продуктивного использования информационно коммуникационных технологий в преподавании английского языка и методы использования его в практике.

SUMMARY

The article based on using efficient methods and practical ways of information communication technologies in teaching English.

борган тажрибалари асосида “Ўсимлик дурагайлари устида тажрибалар” номли машхур ишини ёзди. Брюно мактабида дарс берган 14 йиллик (1854-1868) даври унинг энг сермахсул ижод даври бўлди. 1856 йилда Вена университетига иккинчи марта имтиҳон топшириб, яна ўқишга киролмади. Имтиҳон олувчилар ва Мендель ўртасида имтиҳон жараёнида катта баҳс-мунозара бўлиб ўтди. У ўз қарашлари ва фикрларини уларга ўтказишга уринди. Баҳс ва мунозаралар унинг фойдасига ҳал бўлмади. Натижада у уйга яна касал ҳолда қайтди.

Унинг шахсий архивини кўздан кечирган врач Б.Володин ва Ярослав Киржежинскийлар қуйидагича ёзади: “У имтиҳон вақтида тўсатдан касал бўлиб қолади, яъни ёзиш қобилиятини йўқотади. Бунинг сабаби психологик ҳолат бўлиб, ўта асабийлашиш ва кучли толиқиш, ҳолсизлик туфайли эди. У доимий суратда дарс бериш, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, имтиҳонларга тайёрланиш учун ўзига эътибор бермайди, ўз вақтида яхши овқатланмайди, дам олмайди. Натижада психологик шокка тушиб қолади”.

Шуниси эътиборга молики, Мендель 14 йиллик педагогик фаолияти давомида битта ҳам ўқувчини имтиҳонлардан йикитмайди. У монастрда дарс бериш билан бирга бўш вақтини илмий ишга бағишлади. Ўсимлик ва ҳайвонлар устида тажрибалар, тадқиқотлар ўтказиш билан бирга, доимий равишда метеорологик кузатишлар ҳам олиб борди. Ўзининг энг содда астрономик асбоби ёрдамида қуёш юзидаги доғларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришини кузатди. У ономастика билан ҳам шуғулланди. Биринчи бўлиб эҳтимоллик-статистик методининг лингвистик жараёнда қўлланишини ўрганди.

Унинг фандаги буюк кашфиётларидан бири ўз номи билан аталадиган ирсият қонунларини ишлаб чиққанидир. Бу қонуният узок йиллар давомидаги изланишларининг маҳсули сифатида яратилди. У иккинчи марта Вена университетига ўқишга кира олмагач, 1856 йилда ҳар хил навли нўхатларни чатиштириш ишларини давом эттира бошлади. Чунки бу иш билан у 1834 йилда ҳам шуғулланган эди. У ўз тажрибаларини монастрнинг орқа томонидаги эни 7, бўйи 35 м ли майдонда олиб борди. Ишни олиб боришда қуйидаги энг муҳим 7 та белгига: 1) пишиб етилган нўхат уруғининг шаклига; 2) уруғ палланнинг рангига; 3) уруғ пўстининг рангига; 4) уруғ палланнинг шаклига; 5) нўхат дуккагининг рангига; 6) гулларининг пояларда жойлашишига; 7) нўхат пояларининг узунлигига эътибор қаратди [3].

Мендель тажрибани олиб бориш ва олинган натижаларни қайд этиш учун ўзига хос белгиларни ишлаб чиқди. Тажрибадаги доминант, яъни кўзга кўринадиган белгиларни лотин алфавитининг катта ҳарфлари билан (А, В, С, D ва ҳ.к.) ресессив, яъни кўзга дастлаб кўринмайдиган белгиларни алфавитнинг кичик ҳарфи билан

(a, b, c, d ва ҳ.к.) белгилади. Чатиштиришдан олинган авлодларни F ҳарфи билан, чатиштиришни эса X (икс) билан белгилади [3].

Мендель ўз тажрибалари асосида фанда узоқ вақт қизгин тортишувлар ва баҳсларга сабабчи бўлган, генетиканинг олтин қонуни бўлган қуйидаги 3 та ирсият қонунларини ишлаб чиқди: 1.Белгиларнинг бир хиллиги. 2.Белгиларнинг ажралиши. 3.Белгиларнинг мустақил ҳолда ирсийланиши ёки берилиши [2].

Бу қонунларни очиш ва унинг моҳиятини тушунтириб бериш учун Мендель 10 минг марта тажриба ўтказди. Мендель 1862 йилда Брюно табиатшунослар жамиятига аъзо бўлгач, ўз тажрибаларини қайта синчиклаб ўрганиб 1865 йил 8 февраль ва 8 март йиғилишларида маъруза қилди. Менделнинг ҳар икки маърузаси моҳиятини жамият аъзоларидан ҳеч ким тушунмади. Шунинг учун унинг маърузасини ҳатто муҳокама ҳам қилмадилар. Шундай бўлса-да, жамият аъзолари маърузани 1865 йил жамият тўпламида нашр эттирди. Бу маъруза Менделнинг машҳур классик асари “Ўсимлик дурагайлари устида тажрибалар” номли иши эди. Маъруза унчалик катта бўлмаган ҳажмда – 45 бетдан иборат эди. Бу маъруза XIX асрнинг фандаги буюк кашфиётлардан бири – ирсият қонунлари эди. Мендель нашр этилган мақолани машҳур олимларга, дўстларига юборди. Натижада мақолага бағишланган 40 дан ортиқ тақризлар олди. Бу тақризлар Менделнинг келгуси илмий ишларини давом эттиришига муҳим роль ўйнади. Бу тақризлар ичида йирик немис ботаниги Карл Негелининг ҳам тақризи бор эди. Мендель билдики, Карл Негелининг 1856 йилда нашр этилган “Ўсимликлар дунёсида алоҳидаланишнинг табиатдаги ўрни” асаридаги баъзи фикрларига мос келган эди. Жумладан, бу асарда биологик тадқиқотларда математик усулни қўллаш ва унинг афзалликлари бўлиб, унда табиатда тирик организмларнинг ўсиш ва ривожланишида ҳужайра динамикасидаги жараёнларни ҳисоб-китоб қилиш назарияси берилган эди. Мендель ишларидаги айрим фикрларни инобатга олган, хусусан, нўхатларни ўзаро чатиштириб дурагай олиш, турлар орасидаги чатиштириш масалаларини ўқиган Карл Негели ўзининг ижобий фикрларини ёзиб юборган эди. Лекин шундай бўлса-да, Менделнинг ирсият ҳақидаги таълимотини тўғри баҳолай олмади. Унинг моҳиятини тушунмади. Жумладан, Негелининг тақризида қуйидаги фикрлар бор эди: “Менимча, нўхат устида олиб борилган дурагайлаш ишлари – тажрибалар тугаланмаган. Қатъий айтганда, бу тажрибани қайтадан ўтказиш керак. Шундагина сизнинг ишингиз ўтмишдошларингиз Кельтрейт ва Гетнер ишлари каби натижасиз бўлиб қолмайди. Сиз бу йўлда тинимсиз равишда олдинга қадам ташлашингиз керак. Сиз таъкидлаб ўтган натижаларни ўз кўзим билан кўришим учун сиз менга олинган уруғлардан бериб юборсангиз, мен ўз ер майдонимда ўзим тажриба қилиб кўрар эдим ва сизнинг тажриба хулосаларингизни аниқлаштирар эдим. Сизнинг хулосаларингизни

кенг қўлланилмоқда. Мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида uzedu.uz, eduportal.uz таълим тармоқларида шу кунгача 33 та масофавий таълим, 88 та интерактив тест ва машқ, 13 та интерактив ўйин, 40 дан ошiq виртуал лаборатория иши, 30 дан зиёд мультимедиа таълим ресурслари яратилган.

“Moodle” дастури (moodle, uzedu.uz) – масофавий таълим тизимига барча синфлар (инглиз, рус, немис, француз) тили бўйича курслар, ҳар бир курс бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва мавзулари жойлаштирилган. Методик материаллар ҳамда мавзули тестлар ҳам ўрин олган. Moodle – Web муҳитида ўқитиш ва online режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work, Student trackingлар мавжуд.

Улар LMS лар сингари IMS, SCORM ва бошқа стандартларни қўллаб-қувватлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқа LMS тизимларга қараганда, энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа айнан, Moodle дастурий мажмуаси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатлари ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёни айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.

Шунингдек, чет тилини ўрганувчилар ва ўргатувчилар “E-learning” масофавий таълим хизматидан кенг фойдаланмоқда. “E-learning” масофавий таълим тизимида ўқитувчилар интернет орқали сайтга кириб, ўз устида ишлаши ва маълумотларни юклаб олиши мумкин. Дастурдан ўрин олган “Sammer” тизимида эса республикамиздаги барча педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида химоя қилинган битирув-малакавий ишлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Ўқитувчилар ўзаро мулоқот форуми ёрдамида соҳа янгиликлари, тадқиқотчи ва таржимонларнинг ижодий иш ва тавсияларидан бохабар бўлишяпти.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан “Умумий ўрта таълим мактабларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш усуллари” бўйича электрон қўлланма яратилган. Қўлланмада интернет ва ахборот билан ишлаш тартиблари, электрон дарсликларни ўрнатишдаги минимал талаблар ва охириги дастурий воситалар бўйича тўлиқ маълумот берилган бўлиб, педагогларнинг дарсда компьютер билан ишлашига кўмак берувчи дастурий манба ҳисобланади. Дарсликларнинг DjVu форматидаги электрон версияси

В статье исследованы психологические факторы развития математических способностей учеников. Автор излагает, что проведенные эксперименты доказывают об актуальности изучения данной проблемы на сегодняшний день.

SUMMARY

The psychological factors of developing mathematic ability of students are studied in the article. Investigations what researched by author are proved that it is necessary to investigate current problem more deeply than all done till today.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Суярова З.К. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ахборот технологиялари, компьютерлаштириш, moodle дастури, масофавий таълим, интерактив ўйин, модуль, электрон ресурс.

Компьютер ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, давлатимиз томонидан, қолаверса, Президентимиз И.А.Каримовнинг сазй-харакатлари туфайли таълим жараёнини ахборотлаштириш ҳамда ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа қарорлар бунга яққол мисолдир.

Бугунги кунда ахборот технологиялари таълим тизимида

муҳокама қилишга унчалик қодир эмасман. Лекин нўхат ўсимлигини сунъий равишда чанглантриш амалий жиҳатдан мумкин эмас, деб ҳисоблайман”.

Негелининг ҳар қандай совуқ муносабатидан қаътий назар Мендель ундан умидини узмади ва доим нажот кутиб яшади. Амалда ирсият қонунларини тўлиқ очиб берган Мендель Негелининг фикрига асосланиб бир неча марта такрорий тажрибалар ўтказди. Тажриба нафақат нўхат ўсимлиги устида, балки ловиянинг уч тури, маккажўхори, тунги гўзал ўсимликлар устида ҳам қатор тажрибалар ўтказди. У олиб борган тажрибаларнинг натижаларини доимий равишда Негелига жўнатиб турди. Кейинчалик Мендель ўз тажрибаларига доимий равишда ўта танқидий қарашда бўлганлиги учун унинг Негелига ишончи йўқолди. У билан алоқасини узди. Негели эса 1874-1877 йилларда кўплаб хат ёзди. Мендель бу хатларга жавоб бермади. Сабаби Мендель энди ўзини фаннинг бошқа соҳасига йўналтирган эди. Биринчи навбатда метеорология соҳасида кузатишлар олиб борди. Бу соҳада “Брюно табиатшунослар жамияти” журналларида учта йирик мақола эълон қилди. Бу соҳада умрининг охиригача тадқиқотлар олиб борди. Бўш вақтларида монастр боғида дарахтзорлар барпо қилиш, полизчилик ва асаларичилик билан шуғулланди. Хусусан, ариларда дурагайлаш ишлари бўйича кўплаб тажрибалар олиб борди. Лекин бу ҳақда бирорта ҳам илмий мақола қолдирмади. Фақатгина унинг кундаликларида бу соҳадаги олиб борган ишлари қайд этилган [2].

Н.И.Вавилов таъбири билан айтганда, генетика фанининг даҳоси Мендель 1862 йилгача бирорта ҳам чет элда бўлмаган. 1862 йил август ойида Париж, Лондон шаҳарларида бўлиб ўтган Бутун дунё ишлаб чиқариш кўргазмаларига қатнашди. 1863 йилда эса Рим, Флоренция, Венеция шаҳарларига борди. У умрининг жуда кўп қисмини жамоатчилик ташкилотлари ишларида фаол қатнашиш билан ўтказди. Унинг хизматлари Моровия ҳукуматида депутатлик, Ипотека банкига директорлик лавозимлари билан сийланди. 1868 йилда Старбрнен монастрига аббат лавозимига сайлангач биологик тадқиқотлар билан шуғулланишни деярли тўхтатди. Қолган умрини жамоат ишларига бағишлаган Мендель 1884 йил январь ойида 62 ёшида буйрак хасталигидан вафот этди. Унинг асарлари, жумладан, “Ўсимлик дурагайлари устида тажрибалар” асари 35 йил давомида эсланмаса ҳам дунёнинг 120 кутубхонасида, жумладан, Прага, Берлин, Вена, Мюнхен, Нью-Йорк, Париж, Петербург, Лондон шаҳарларида сақланди ва сақланмоқда. Бугунги кунда генетика фани Мендель назариялари асосида ривожланмоқда. Лекин Мендель таълимотини узоқ вақт тушунмаслик генетика фанининг тараққиётини анча орқага сурди. Бу ҳолатни ички бир изтироб билан тушунган Мендель маънавий жиҳатдан жуда эзилди. Шунинг учун бўлса керак Менделнинг қабр тошига “Менинг даврим яна келади”деган

ёзув ўрнатилган [3].

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, илм-фанда амалга оширилган буюк кашфиётлар бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқиши жуда қийин. Ҳар қандай янгилик ўзининг бўй-бастини тўлиқ кўрсатиш ва амалда рўёбга чиқиши, унинг илмий моҳиятини тушуниш учун шу соҳанинг етук билимдонлари етишиб чиқиши керак. Мендель ишлари ҳам шундай буюк кашфиётлардан бири бўлиб, уни одамлар тўлиқ тушуниб етишлари учун 35 йил керак бўлди. Шундан кўришиб турибдики, ҳар қандай эзгу иш қачон бўлмасин ёруғликни кўради ва ўз исботини топади.

Адабиётлар

1. Фролов И.Т., Пастушный С.А. Мендель, менделизм и диалектика. - М.: Мысль, 1972. – С. 6-83.
2. Дубинин Н.П. Общая генетика. – М.: Наука, 1970. – С. 52-58.
3. Лобашев М.Е. Генетика. - Л.: Наука, 1967. – С. 157-215.

Электрон ресурслар

www.wikipedia.org
www.slovari.yandex.ru

РЕЗЮМЕ

Мақолада Грегор Мендель томонидан ирсият қонунларининг яратилиш тарихи, бу йўлдаги машаққатли меҳнати ва интилишлари тўғрисида кизиқарли фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится об истории возникновения законов наследства со стороны Грегора Менделя и изложены интересные идеи и факты о его трудном жизненном пути.

SUMMARY

In the article the history of creating of inheritance law, interesting ideas about intenticus and hard works in this direction was given by Gregor Mendel.

хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туриши таъкидланган: а) тез ва кенг умумлаштириш билан; б) тугал хулоса чиқаришлар тенденцияси билан; в) масалани ечишга ёндашишнинг хилма-хиллиги, бир ақлий фаолиятдан иккинчисига осон ва эркин ўтиш билан; г) масалани ечишда аниқликка, оддийликка, рационалликка интилиш в. б. [4:127].

Шубҳасиз, математик қобилиятларга эга бўлган ўқувчиларнинг хотираси ҳам бошқа тенгдошлари хотирасидан муайян хусусиятлари билан фарқ қилади. Жумладан, математикага қобилияти бор бўлган ўқувчиларнинг хотираси умумлашган характерга эга бўлиб, бунда масалаларнинг типлари ва уларни ечиш усуллари, фикрларнинг аниқ эканлиги тез эсда олиб қолиш ва мустақкам хотирада сақлаш воситаси ҳисобланади. Қобилиятли ўқувчилар яхши ривожланган фазовий тасаввурлари билан ҳам ўз тенгдошларидан фарқ қилади. Яна шу нарсани таъкидлаш ўринлики, қобилият муайян табиий заминга боғлиқ бўлса-да, лекин улар фақат табиатнинг инъоми эмас, балки инсонлар тарихий тараққиётининг бебаҳо маҳсули ҳисобланади. Худди шу боис қобилиятларнинг намоён бўлиши шахслар томонидан ижтимоий эҳтиёжларини қондириш давомида ижтимоий шартланган билимлар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг яққол усулларига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун қобилиятлар шаклланишининг узлуксиз таълим тизимида боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистонда истиқлол туфайли ҳар томонлама қобилиятли, ақлан зукко ва истеъдодли ёшларни тарбиялаш масаласига бўлган эътибор янада кучайди. Чунки маънавий камол топган ва зўр истеъдодли инсонларгина кучли жамият қуришлари ва унинг иқтисодий тараққиётини бошқаришлари мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, маънавий соғлом, истеъдодли ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзаб масалаларидан биридир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 64 б.
2. Давлетшин М. Г. Умумий психология. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – 149 б.
3. Каримова В. Психология. – Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2002. – 205 б.
4. Ғозиев Э.Ф. Умумий психология. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 149 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларда математик қобилиятни ўстиришнинг психологик омиллари ўрганилган. Мазкур муаммони бугунги кунда ҳам чуқур ўрганиш долзарблиги кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

рига жавоб берса, унда мазкур фаолиятга нисбатан қобилияти мавжуддир; б) инсон шундай ҳолатларда фаолият талабига жавоб бера олмаса, психологик сифатлар, яъни қобилиятлар мавжуд эмас (жуда заиф) [4:113].

Бизга маълумки, шахснинг махсус қобилиятлари орасида унинг математик қобилиятлари муҳим аҳамият касб этади. Математик қобилият деганда, шахснинг математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қискартириш, математик иш-амалларни камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижа ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тесқари фикр юритишдан энгил ўтишлик, масала ечишда фикр юритишнинг эпчиллигидан иборат бўлган қобилият тури тушунилади.

Психолог олим В.А.Крутецкий тадқиқот натижаларига таянган ҳолда математик қобилиятлар муаммосига кўп қиррали ёндашишга интилади ва бу борада муайян муваффақиятларни қўлга киритади. Жумладан, у “Математик қобилиятлар психологияси” номи монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган. Муаллиф идрок, тафаккур, хотира ва ҳаёлни индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларнинг математик фаолиятда намоён бўлиш хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилган [2:142].

В.А.Крутецкий фикрича, шахсда математик қобилиятларнинг мавжудлиги қуйидаги компонентларда намоён бўлади:

- математикага фаол ва ижобий муносабат, у билан шуғулланишга лаёқат, юқори даражадаги ҳиссий қизиқиш;

- бир қатор характер-хусусиятлари, энг аввало меҳнатсеварлик, ташкилотчилик, мустақиллик, мақсадга йўналганлик, тиришқоқлик ҳамда барқарор интеллектуал ҳисларнинг бўлиши;

- фаолиятни бажариш вақтида уни муваффақиятли бажаришга ёрдам берувчи психологик ҳолатлар, масалан, қизиқувчанлик, диққатни тўплаш, ўзини психологик яхши ҳис эта олиш;

- белгиланган соҳага оид маълум билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш (Агар кишида математикага бўлган лаёқат, билим, кўникма ва малакалар бўлмаса, шахс юқори математик қобилиятга эга бўла олмайди);

- математик фаолият талабларига жавоб бера оладиган ҳам сенсор, ҳам ақлий жиҳатдан маълум индивидуал-психологик хусусиятларга эга бўлиш в. б. [4:127-128].

В.А.Крутецкий фикрича, математикага қобилияти бор ўқувчилар тафаккури бошқалардан маълум хусусиятлари билан ажралиб туради. Математикага алоҳида истеъдоди бўлган ўқувчилар ўзига хос “математик ақл” ёрдамида борлиқдаги мантиқий ва математик мазмунни топа оладилар, улардаги мантиқий ва математик категорияларни аниқлайдилар, кўпинча ходисаларни математик муносабатлар нуктаи назари орқали қабул қиладилар. Муаллиф томонидан математик қобилиятга эга ўқувчилар тафаккури қуйидаги муҳим

ТАРИХ-ФАЛСАФА

ГОРОДСКАЯ КУЛЬТУРА САМАРКАНДА В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

Сулейманов Р.Х. (Ташкент), Ражабова Н. (КарГУ)

Ключевые слова: городская культура, раннесакской культура, великой шёлковой путь, международного центра торговли, согдийское письмо, согдийский язык.

Самарканд современник древнего Рима, возраст нижних слоев Афросиаба восходит к I тысячелетию до нашей эры, в них то и таятся остатки главного области Согд – Мараканды.

Начало обживания холмистой пересеченной территории города маркируют редкие находки черепков керамики раннесакской культуры, известной по царским курганам могильника северного Тагискена в низовьях Сырдарьи, относящимся к IX–VII вв. до н.э. Эти материалы подводят некоторую почву под легендарные предания о том, что Самарканд был столицей Турана, где царствовал легендарный Афрасиаб.

С конца V века Самарканд развивался как центр раннефеодального Согда, сначала под эгидой эфталитов, а затем тюркского каганата. Город и область возглавлял правитель, который как владетель страны носил титул “ихшида”, а как владетель города – “афшина”. Он являлся представителем феодальной аристократии и купцов. Согдийские купцы в то время занимали ключевые позиции на великом шелковом пути, свои торговые сделки они заключали во многих странах. Самарканд начинал играть роль крупного международного центра торговли. Путешественник VII в. сообщает о Самарканде: “В этом царстве собраны в значительном количестве ценнейшие товары чужеземных стран. Жители выделяются от жителей других стран большой способностью в искусствах и ремеслах. Нравы проникнуты энергией и мужеством”. О внешности самаркандцев говорится, что они отличаются высоким ростом, носят узкую одежду, голову обвязывают шелковой повязкой, волосы на голове иногда бреют. Женщины складывают волосы на голове (делают прическу) и покрывают лицо черным покрывалом с золотыми цветами. Отмечается, что жители пристрастны к вину и любят песни и пляску на улицах. Нравы и правила приличия, царящие в Самарканде, считались образцом для соседей.

Китайские источники сообщают, что в последней четверти VI – перво й четверти VII в. Самаркандом управляли Шифуби, Тайше-би, Кюемучжи (600-620), Тонга (645). В 650-х годах полководец Фухумань (Авархуман) захватил престол в Самарканде [1].

Это произошло после неудачной попытки Юкук Дулухана установить свою власть в Согде. После бегства его в Тохаристан

бывший его сторонник из рода Дулу Вархуман (Авархуман) захватил власть в Согде. Предполагается, что сначала он был военным администратором тутуком (кит – дуду) Согда, а затем совет старейшин назначил его ихшидом [2]. Власть Вархумана наследовали Урк Вартрамук (675-695), Тукаспадак (695-698), Мастич Он-ок (Унаш), Ниней-ше (698-700), Тархун (700-710), Гурек (710-738).

Гурек, побежденный Кутейбой, согласно договора 712 г., был назначен наследным афшином Самарканда, Кеша и Насафа. Сыновья Гурека Тургар и Баничур (Язид) правили Согдом с конца VII в. – начала IX в. [3]

Считается, что возможно, уже до вхождения Согда в состав каганата или во второй половине VI – начала VII в. могли отливаться первые раннесредневековые монеты Самарканда. О.И.Смирнова отмечает, что на аверсе этих монет дано лицо божества анфас, а на реверсе – У-образная тамга правителей Самарканда. Древнейшие из них анэпиграфны. Затем появляются и легенды согдийским письмом [4:20-24].

В VII в., согласно О.И.Смирновой, Согд начинает отливать монеты по образцу танских монет с квадратным отверстием в центре периода кай-юань, запущенных в оборот в 621 г. Затем на них появляются согдийские легенды, а вскоре и имя правителя Кеша Шишпира. Но поскольку монеты Шишпира в основном представлены в Самарканде, О.И.Смирнова допускает, что он перенес свою резиденцию из Кеша в Самарканд.

Выделена и небольшая серия анонимных монет этого типа, следующая за монетами Шишпира. И, наконец, в Самарканде начинается выпуск большой серии монет этого типа с именем Вархумана, который был утвержден танским правительством после победы над тюрками в 657 г в должности вана [4:35-38].

Выпуск литых бронзовых монет китайского образца продолжается в Самарканде вплоть до его включения в состав арабского халифата. Эти монеты ходили на местном рынке. Международной валютой продолжало служить серебро и золото.

Х.Г.Ахунбабаев по результатам находок монет на раскопках дворцового комплекса VII-VIII вв. в Самарканде дает свою последовательность и хронологию правителей этой поры: Вархуман, Урк Вартрамук, Тукаспадак (696-698), Мастич (Нинийе-шиши – 698-700, Тархун (700-710), Африг (он же Деваштич) [6, 7].

Практически на большей части территории Самарканда на городище Афрасиаб есть следы обживания города в VII-VIII вв. в виде культурных слоев улиц и фундаментов сооружений, но более или менее цельное представление об архитектурных памятниках раннесредневекового Согда дают лишь отдельные руины монументальных сооружений, стены которых сохранились на высоту 2-3 м и были использованы в более позднее время. К ним относятся двор-

Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларга бериладиган таълим-тарбия сифатини янада ошириш, ўқитишнинг психологик-педагогик ҳамда ташкилий шароитларини яхшилаш, ёшларнинг ўз имконият ва истеъдодларини тўла намоён этишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Қобилиятлар муаммоси психология фанида қизиқарли ва маълум даражада тадқиқ қилинган муаммолардан биридир. Бу муаммо юзасидан қадимдан шу кунга қадар олимлар изланишлар олиб борганлар. Жумладан, қобилият муаммоси рус психологиясида Б.М.Теплов, В.А Крутецкий, Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузмина, С.Л.Рубинштейн, А.Г.Ковалёв, В.Н.Мясишев; ғарб психологиясида А.Бине, Т.Симон, Ф.Гальтон, В.Штерн, У.Олпорт, К.Роджерс; Ўзбекистон психологиясида Э.Ғ.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, В.А.Токарева, Р.Гайнутдинов ва бошқаларнинг назарий методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ва махсус экспериментал тадқиқотларида ривожлантирилган.

Психологияда қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида тавсифланади ва бунинг асосида бир инсоннинг бошқа инсондан тафовутланадиган хислатлари, фазилатлари ётади. Шунинг учун ҳар бир шахсдан бир хил натижа, бир хил сифат кутиш мумкин эмас, чунки инсонлар ўз қобилиятлари бўйича бир-бирларидан муайян даражада фарқ қиладилар, бинобарин, улар ўртасида фарқлар сифат ва миқдор жиҳатидан бир талай бўлиши мумкин. Қобилиятларнинг сифат тавсифи шахснинг қайси индивидуал-психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятининг мажбурий шarti тарикасида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдори тавсифи эса фаолиятга қўйиладиган талабларга шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдиради, яъни мазкур инсон бошқа одамларга қараганда малака, билимлардан нечоғлик тез, енгил, пухта фойдалана олишини намоён қилади.

Қобилиятлар билим, қўникма ва малакаларда акс этмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади. Фаолият учун зарур бўлган билим ва қўникмаларни ўзлаштириш жараёнида юзага чиқадиган фарқлар, қобилиятлар мулоҳаза юритиш имконини беради. Э.Ғозиевнинг фикрича, қобилият деганда, шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шarti ҳисобланган, билим, қўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятлар тушунилади. Ушбу хусусиятни аниқлаш учун баъзи бир омилларни тахлил қилиш мақсадга мувофиқ: а) шахснинг муайян сифатлари йиғиндиси белгиланган вақт оралиғида эгаллаган фаолияти талабла-

этилган модуль технологияси асосида дарс ўтиш услубини тавсия этамиз.

Адабиётлар

1. Раҳматуллаев А., Ҳамраев А., Холматов Б. Ўзбекистон ёмғир чувалчанглари. – Тошкент: ЎзР ФА ишлар бошқармасининг кичик босмахонаси, 2010. – 47 б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 132 б.
3. Zoologiya darslari . 7-sinf o'qituvchi kitobi. – Toshkent: Tafakkur, 2012. – В. 117-124.
4. Zoologiya. 7-sinf darsligi. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashr., 2013. – В. 41-46.
5. Толипова Ж.О., Фафуров А.Т. Биология таълими технологиялари. Методик қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 128 б.
6. Толипова Ж.О., Фафуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси. Биология бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2012. – 238 б.
7. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. – Тошкент: Чўлпон, 2011. – 84 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада зоология дарсларида ёмғир чувалчангини тирик ҳайвон материали сифатида модулли таълим технологиясини қўллаш орқали ўрганиш тавсия этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведена методика проведения уроков зоологии по модульной технологии в средних школах, где можно использовать дождевых червей в качестве живых материалов.

SUMMARY

In this article is described the model technological education and using them in school namely zoology lessons and how to learn rain earthworms as vividly materials.

ЎҚУВЧИЛАРДА МАТЕМАТИК ҚОБИЛИЯТНИ ЎСТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАРИ

Файзиев З.Х. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: ўқувчи, шахс, мактаб, таълим-тарбия, фаолият, билим, лаёқат, математик қобилият, иқтидор, истеъдод, индивидуал хусусият.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва имкониятларини тўлақонли юзага чиқариш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Жорий йилнинг 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон

цовый комплекс ихшида Согда VIII в. Вархумана, раннехалифатский дворец на цитадели Самарканда и еще некоторое число сооружений этой поры, погребенные под культурными наслоениями и архитектурными сооружениями средневековья.

Наиболее важным и достаточно изученным объектом позднесогдийского Самарканда является упомянутый дворец Вархумана. Это был дворцовый комплекс, возведенный в один прием в VII в. его окружала специальная оборонительная стена. Здесь располагалась заповедная зона – корук ихшида Согда и царя Самарканда Вархумана. Этот объект раскапывался с 60-х годов XX в., а подытожены исследования в 1978-1985 гг. Х.Г. Ахунбабаевым.

В эпоху раннего средневековья наряду с развитием многих других сфер культуры получает широкое распространение грамотность. Существовали в Согде школы писцов, готовившие квалифицированных каллиграфов согдийского письма. К VI-VII вв. сложился самаркандский стиль письма – курсивное согдийское письмо. В последние годы археологи все чаще сталкиваются с письменными памятниками давно забытого согдийского языка. Как установлено, согдийское письмо берет начало от древнеарамейского письма и возникло в III-II вв. до н. э. Оно засвидетельствовано на монетах данного периода, а также в форме, близкой к арамейскому алфавиту – в письменных памятниках начала III-IV в. н. э.

Таким образом, археологическое изучение городов и поселений Самарканда, его оазиса и самого столичного города имеют более чем вековую историографию. Среди памятников раннесредневековой культуры самаркандского Согда особое место принадлежит Пенджикенту, расположенному выше Самарканда вдоль р. Зарафшан. Археологические раскопки его были начаты в 1946 г. и продолжаются по сей день. Город состоит из цитадели, шахристана (сам город) и городского предместья, а также некрополя. Город застраивался и обживался с конца V по вторую половину VIII в. Он был разрушен арабами.

Литература

1. Бабаяров Г.Б. Этно-политические процессы в Центральной Азии в VI-VIII вв.: Автореф. дис... канд. истор. наук. – Ташкент, 2003. – 23 с.
2. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент, 1975. – С. 38.
3. Атаходжаев А.М. Тюрко-согдийские отношения в политических, социально-экономических и этно-культурных процессах в раннем средневековье: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. – Ташкент, 2011. – 35 с.
4. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – 48 с.
6. Ахунбабаев Х.Г. Социально-планиграфическая структура квартала знати на Афрасиабе и проблема изучения раннесредневекового Самарканда: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Самарканд, 1990. – 27 с.
7. Ахунбабаев Х.Г. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе. – Самарканд, 1999. – С. 58–63.

РЕЗИЮМЕ

Мақолада Самарқанднинг илк ўрта асрларга оид шаҳар маданиятининг асосий хусусиятлари таҳлил қилинган.

РЕЗИЮМЕ

В статье рассматриваются особенности городской культуры Самарканда раннего средневековья.

SUMMARY

This article is about particularities of the town culture of Samarkand in early middle ages.

БУХОРО ВА ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

Тўхтаева Р.Н. (ҚарДУ)

Таянч нушунчалар: молия, молиявий сиёсат, пул, металл пуллар, кумуш тангалар, тилла, туркбонлар, керенке, николай, червонец, фулус, солиқ.

Тарихда ўтган барча давлатлар сиёсий ҳаётининг барқарорлиги ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши унинг молиявий сиёсати ва пул муомаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ҳар бир давлатда муайян молиявий сиёсат ишлаб чиқилган. Хусусан, Бухоро ва Хоразм Республикалари молиявий сиёсати ва пул муомаласининг ўзига хос тарихи мавжуд.

Бухорода совет ҳукмронлиги ўрнатилганига қадар пул бирликларининг 14 тури қўлланилса-да, муомалада, асосан, икки хил металл пуллар ишлатилган [1]. Биринчиси, олий пробали тилла, иккинчиси кумуш тангалар эди. Халқ оммаси орасида айниқса тангалар кўп ишлатилган. 1 танга 15 копейка тенг эди. Туркистон Давлат банкнинг Бухоро бўлими бошлиғи 1918 йил ноябрда Туркистон ХКС номига йўллаган билдиришномасида Бухоро ҳукумати томонидан Туркистон бонларини бозорларда ишлатилишида тақиқлар бўлаётганлиги, шунга мувофиқ Бухоро банки ўзининг қушбеги тасдиқлаган бонларини чиқариш лойиҳасини тақдим этади.

Бухоро худудида Туркистон Давлат банкнинг еттита бўлими фаолият олиб бориб, улар амирликдаги барча савдо ва саноат ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатган эди. Бу бўлимлар туркбонларни Бухоро бозорларида эркин муомаласини ташкил этишга қодир эди. Аммо банк бўлимлари Давлат банкига бўйсунганини истамай, ўз бонларини чиқаришга уриндилар. Бу уринишлар нафақат Бухоро ва Чоржўйда, балки Термиз ва Керки каби шаҳар банк бўлимларида ҳам бўлди. Бухоро бозорларида туркбонлар керенке ва Николай пулларига нисбатан ўн марта арзон эди. 100 рубль керенкелар 1200 рубль туркбонга тенг бўлди. 1920 йилларда туркбонлар

2	<p><i>Мақсад:</i> Ёмғир чувалчанги ҳаракатланишини аниқланг? <i>Топириқларни бажаринг:</i> 1. Чувалчанглари бир парча картон устига қўйинг, у ҳаракатланганида чиқадиган товушни эшитинг. 2. Чувалчангни шиша ойна устига қўйиб ҳаракатини кузатинг. 3. Қалам учини чувалчанг танасининг турли қисмига тек-изиб, унинг хатти-ҳаракатини кузатинг. 4. Чувалчангни тупроқ устига қўйинг, уни тупроқ зарралари ўртасига сукилиб киришини кузатинг. <i>Саволларга жавоб беринг:</i> 1) Чувалчанг ҳаракатланганда товуш қандай чиқади? 2) Нима сабабдан чувалчанг ойна устида ҳаракатлана олмайди? 3) Туклар қандай вазифани бажаради? 4) Чувалчанг қалам учи текканини қандай сезади? 5) Нима учун чувалчанг тупроқ ичига тезроқ кириб олишга интилади? 6) Чувалчанг тупроққа киришда бош томони қандай аҳамиятга эга?</p>	<p>10 дақиқа. 3 киши бўлиб бажаринг. Товушни жим ўтириб эшитинг. Қалам учи ўткир бўлсин. Тананинг кискаришини кузатинг. Жавобларингизни 6 балл билан баҳоланг.</p>
3	<p><i>Мақсад:</i> билимни баҳолаш ва дастурни яқунлаш. 1. Тест топириқларига жавоб беринг. 2. Жавобларингизни текширинг. 3. Жавобларингизни баҳо-ланг. 4. 3-ўқув элементида берган жавобингизни текширинг. 5. Барча ўқув топириқлари бўйича лозим бўлган максимал баллни топинг. 6. Ўқув топириқлар бўйича олган балларингизни жамланг. 7. Билимингизни 5 балл ҳисобидан баҳоланг: 46-68 балл “3”; 68-92 балл “4”; 91-114 балл “5”.</p>	<p>15 дақиқа. Топириқларни олинг. Тўғри жавобларни ўқитувчи доскага ёзиб беради. Максимал -115 балл. Тўплаган балл</p>

Мустақил ишлаш учун топириқлар.

1. Чувалчанг танасининг қисмлари ва мос келадиган жавобларни жуфтлаб ёзинг: А - бош. Б - дум. Д - қорин томони. С - орқа томони. Г - белбоғи. Е - оғиз. 1. Қорамтир-қизғиш. 2. Оқиш-қизғиш. 3. Олдинги учининг остки томонида. 4. Конуссимон. 5. Тўмтоқ. 6. Танасининг олдинги ярмида.

2. Чувалчанг танасидаги туклар: А - ҳар бир бўғинида 2 тадан. Б - ҳар бир бўғинида 4 тадан. В - қорин томони икки ёнида. Д - икки ёнида. Е - 4 жуфт бўлиб жойлашган. Ж - 2 жуфт бўлиб жойлашган. Ҳ - олдинга эгилган. И - орқага эгилган.

3. Чувалчанг танасининг органлари ва улар вазифасини жуфтлаб ёзинг: А - бош. Б - туклар. С - тери. Д - тери усти шиллик қавати. Е - белбоғи; 1 - ҳаракатланганида таянч; 2 - пилла ҳосил қилиш; 3 - тупроқ зарраларини суриш; 4 - нафас олиш ва сезиш; 5 - ҳимоя.

Ўқитувчилик маҳорати таълим-тарбия бериш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи дарс бериш жараёнида амалий имконият бўлган барча материаллардан фойдаланиши лозим.

Мактабда ҳалқали чувалчанглар типи мавзусидаги дарсни ўтиш учун жами 3 соат берилган. Албатта бу вақт жараёнида ҳалқали чувалчанглардан ёмғир чувалчанглари тўғрисида тўлиқ маълумот беришга имконият етарли эмас. Бу эса ўз навбатида ёмғир чувалчанглари мавзусида дарс ўтишнинг янги ўқув технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шуларни эътиборга олган ҳолда умумий ўрта мактаб биология ўқитувчилари учун юқорида қайд

рининг самарали шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш қайд этилган.

Зоология дарсларида ҳайвонлар ва уларнинг ҳаёт фаолияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилишда тирик объектлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Тирик ҳайвонлар дарса кўпинча демонстрация материали бўлиши билан чекланиб қолади. Аммо улардан лаборатория машғулоти учун тарқатма материал сифатида фойдаланиш ўқувчиларда билим олишга бўлган эҳтиёжини янада мустаҳкамлашга асосий таянч бўлади.

Жумладан, ҳалқали чувалчанглар типини ўрганишда тирик ёмғир чувалчанги ғоят муҳим тарқатма материал ҳисобланади. У намойиш қилиш учун ҳам, лаборатория машғулоти учун ҳам материал бўлиб қолади. Тирик ҳайвон ва тарқатма материални кўргазмаликнинг тасвирий воситалари билан уйғунлаштириб ўрганиш мавзуларни чуқур ўзлаштиришга кўмак беради.

Кўйида тирик ҳайвон ва тарқатма материални кўргазмаликнинг тасвирий воситалари билан уйғунлаштириб ўрганишга мўлжаллаган лаборатория машғулотида намуна келтирамиз.

Мавзу: “Ёмғир чувалчангининг ташқи тузилиши ва ҳаракатланиши”.

Мақсад: ёмғир чувалчангининг ташқи тузилиши ва ҳаракатланиши тупроқ муҳитида яшашга мослашганлиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш, ўқувчиларда ҳайвонларни мустақил ўрганиш ва кузатиш кўникмаларини ривожлантириш.

Жиҳозлар: дарснинг технологик харитаси (ҳар бир ўқувчига биттадан), тирик чувалчанг солинган нам тупроқли идиш, лупа, ойна, картон қоғоз, чизгич.

Машғулотнинг технологик харитаси (модул дастури)

Ўқув элементи	Ўқув материаллари, топшириқлар	Вақт, тавсиялар, баҳо
0	<i>Умумий мақсад:</i> Модул дастури бажарилганда, камтуклилар ташқи тузилиши ва ҳаракатланишининг тупроқ муҳитига мослашганлиги тўғрисида умумий тушунчага эга бўламиз.	5 дақиқа. Машғулот мақсадини ёзиб олинг.
1	<i>Мақсад:</i> Ёмғир чувалчангининг ташқи тузилишини ўрганиш. <i>Топшириқларни бажаринг:</i> 1. Чувалчангнинг олдинги, кейинги, орқа ва қорин томонлари, оғзи ва орқа чиқарув тешикларини аниқланг. 2. Чувалчангнинг белбоғи, орқа ва қорин томонларини аниқланг. 3. Бармоғингизни чувалчанг қорин томони бўйлаб орқадан олдинги ва олдиндан орқага юритинг. 4. Лупа ёрдамида чувалчанг танасининг қорин томонида жойлашган тукларни топинг. 5. Чувалчанг танасидаги ҳалқаларни сананг. <i>Саволларга жавоб беринг:</i> 1) Чувалчангларнинг бош томони қандай шаклда? 2) Кейинги томони қандай шаклда? 3) Оғиз тешиги қаерда жойлашган? 4) Туклари ҳар бир ҳалқада нечтадан ва нечанчи бўғинда жойлашган? 5) “Белбоғ” нечанчи ҳалқада жойлашган? 6) Чувалчанг чиқарув тешиги қаерда жойлашган?	15 дақиқа. 2-3 киши бўлиб бажаринг. Дарсликдан ўқинг. Белбоғ бўғимларини аниқланг. Кўлингиз тукларни қайси йўналишда сезади? Ўзингиз жавоб беринг. Жавобларингизни муҳокамага кўйинг

курси кўтарилиб, 1000 рубль керенке 7300 рубль бонга тенг бўлди.

Бухоро амирлиги ҳудудида туркбонлар етарли даражада кадр топмади. Чунки совзнак ва туркбонлар Бухоро амирлиги бозорларида эркин муомалага чиқарилиш юзасидан расмий рухсат олинмаган эди. Ҳатто Бухоро амири Туркистон ўлкаси вақтинчалик кредит билетларини бозорларда қўллашни тақиқлаш тўғрисида фармон чиқарди. Туркистон Автоном Республикасининг марказ билан ҳар қандай алоқалар узилиб турган бир пайтда Бухоро билан иқтисодий алоқа ўрнатишдан манфаатдор эди.

Бухоро амирлиги ағдарилиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан сўнг БХСРнинг Марказий инқилобий кўмитаси (МИК) томонидан қоғоз пуллар ва уларнинг республика ҳудудида амал қилиниши билан боғлиқ бир нечта қонунлар қабул қилинди [3]. Ушбу қонун ҳужжатларида Бухоро Республикаси ҳудудида Бухоро амири томонидан 1918 йилда зарб этилган қоғоз ақчалар, танга деб аталган қоғоз пуллар, Туркистон қоғоз пуллари ва 1919 йилда зарб этилган совет пуллари муомалада бўлиши белгилаб қўйилди. Бухорода пул муомаласи молия бўлимлари томонидан назорат қилиниб борилди. Молия назорат бўлими қоғоз пуллар ҳақида махсус буйруқ чиқариб, унда таъкидланишича, Бухоро амирлиги давридаги муҳрсиз қоғоз ақчаларни тезда молия назоратига келтирилиши ҳамда муҳри ўзгартирилмаган бу сохта пулларни савдо-сотик учун қўллаган киши жазога тортилиши айтилади. Бундай тадбирнинг қўлланилишига сабаб, янги Бухоро Республикаси ҳукуматининг зарбхона ташкил этиш ва пул зарб этиш имконияти йўқ эди. Шунинг учун Бухоро амирининг қоғоз ақчаларидаги амир муҳри ўчирилиб, янги ҳукуматнинг муҳри босилган.

Бухоро Республикаси ҳукумати 1922 йилнинг 1 январидан матбаа усулида қоғоз пул чиқарди ва улар ҳам танга деб юритилди. Уларнинг нархи 270.000 червонецга тенглаштирилган бўлса-да, пул қадрсизланиш жараёнининг кучайиши туфайли шу йилнинг апрелига келиб танга курси 500.000 червонец, ноябрда 850.000 червонецга кўтарилди. 1922 йил декабрдан Бухорода 1000, 2500, 5000 сўмлик қоғоз ақчалар муомалага чиқарилиб, улар сўм деб аталди.

Россия Туркистонда бўлганидек, Бухоро ва Хоразм Республикаларининг ички ишларига аралашиб, иқтисодий соҳасини, хусусан, бозорларини ўз таъсир доирасига олишга ҳаракат қилди. Масалан, Бухоро Республикасининг Афғонистон билан бўлаётган савдо алоқаларига РСФСР доимий аралаштиришга ҳаракат қилди. Россиянинг ташқи савдо алоқалар бўйича вакили И.Лавров Ўрта Осиё Республикаларининг иқтисодий масалаларга бағишланган биринчи конференциясида шундай дейди: “Бухоро-афғон чегарасида РСФСРнинг манфаатлари БХСР манфаатларига нисбатан кўпроқ. Бухоро-афғон чегарасида амалга оширилган 9.940.000 олтин рубллик товар алмашинувда БХСРнинг ҳиссаси 1 млндан ҳам кам”.

И.Лавров Бухоро-афғон чегарасида Ўрта Осиёда товар чиқариш ва киритиш бўйича РСФСР Ташқи савдо алоқалари халқ комиссарлигининг вакили иштирокида бўлим ташкил этиш лозимлигини уқтиради [4]. Бухоро Республикаси иқтисодий ҳаётига Россиянинг аралашуви молиявий соҳа фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, Бухоро ташқи савдо айланмаси ҳам пасайиб борди. Масалан, 1914 йил Бухоро четга 900 минг дона қоракўл тери чиқарган бўлса, 1919 йил 30.000 дона, 1920 йил 50.000 дона қоракўл тери чиқарди. Четга чиқарилган қоракўл териларининг 50 фоизи Афғонистон ва Эронга юборилди. Четга чиқарилган пахта хомашёсининг миқдори йиллар бўйича таҳлил этилганда ҳам ушбу ҳолат кузатилади [5]. Масалан, Бухоро 1914 йил 2 млн пуд пахтани четга чиқарган бўлса, 1918 йил 200.000 пуд, 1922 йили 800.000 пуд пахта четга сотилди.

Марказ Ўрта Осиё Республикалари, айниқса Бухоро ва Хоразм олтин пулларининг Афғонистон ва Эронга оқиб кетишига жим қараб тура олмади. Бу масала Ўрта Осиё Республикаларининг биринчи конференциясида очикдан очик эълон қилиниб, тезда ягона пул тизимига ўтиш ҳамда муомалада асосан совет қоғоз пул ишлатилиши лозимлиги таъкидланди [6].

Хоразмда совет ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ҳам Хива хони зарбхонасида зарб этилган тилла, пухта тилла, кумуш танга, пул, фулус деб номланган мис чақалар ҳамда Россия кредит билетлари ва кумуш муомалада бўлди. Шунингдек, Россия муваққат ҳукуматининг керенке пуллари ҳам кенг тарқалди. 1919 йилдан Хивада янги мис тангалар, ипак ва қоғоз пуллар чиқарилиб, ипак пуллари қиймати жорий йилда 250 рубль, 1920 йил 1000 рубль, 1921 йил 2000 рублда чиқарилди [2].

1920 йилда Хоразмга Бухоро тангалари, Туркистон бонлари ва совет совзнаклари кириб келди. 1922 йилдан эътиборан Хивада фақат қоғоз пуллар чиқарилди. Аммо Хоразм пул эмиссияси асосан давлат харажатларини қоплаш учун амалга оширилди. Чиқарилган пулларнинг 95 фоизи давлат харажатлари учун сарфланиб, давлат даромади фақат 5 фоизни ташкил этди ва давлат харажатлари асосан совет аппарати органлари таъминоти учун сарфланди. Бу даврда Хоразмда 100 мингга яқин деҳқон хўжаликлари кредитга муҳтож бўлса-да, кредит тизими ишлаб чиқилмаган эди. Солиқ тизими умуман издан чиққан бўлиб, тушаётган солиқлар асосан деҳқонлар ҳисобидан бўлди [5].

Муайян давлатда пул тизими сиёсатини йўлга қўйишда давлат бюджети муҳим роль ўйнайди. Хусусан, Бухоро Республикаси бюджет жамғармаси 1921 йилдан эътиборан тўпланиб, асосан амир хазинаси ва хусусий мулк эгалари ҳисобига шакллантирила бошланди [5]. Аммо Бухоро ва Хивада бу даврда иқтисодий ҳаёт издан чиқиб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида орқага кетиш кузатилади. Масалан, 1921 йил Бухорода пахта етиштириш 1914 йилга

РЕЗЮМЕ

В статье описана методика, которая позволяет развивать быстроту движений в младшем школьном возрасте быстрыми темпами связи с использованием сенситивных периодов. Разработанную методику можно использовать на уроках физической культуры и спортивных секциях для развития быстроты движений у детей 9-10 летнего возраста.

SUMMARY

Methods are described in article of the development of the speed of the motion in juniors the school age, which allows to develop the speed of the motion in juniors the school age quick rate in connection with use sensitive period. The designed methods possible are used on lesson of the physical culture and athletic section for development of the speed of the motion beside children 9-10 year ages.

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ МАКТАБ ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА ЁМҒИР ЧУВАЛЧАНГИДАН ТИРИК ҲАЙВОН МАТЕРИАЛИ СИФАТИДА ФЙДАЛАНИШ

Раҳматуллаев А.Ю., Ҳамидов Б.А., Норова Г.Р. (ҚарДУ),
Мавлонов О.М. (ТДПУ)

Таянч нушунчалар: ёмғир чувалчанги, тирик материал, модулли таълим технологияси, демонстрация, тирик ҳайвон, тарқатма материал, кўргазмали тасвирий воситалар, дарсинг технологик харитаси, тупроқ, луна, ойна, картон қоғоз, чизгич.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да мактаб, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқувчилари муайян билимларни эгаллашлари баробарида, уларда махсус касб-ҳунар кўникмаларини шакллантириш, билим олишга бўлган эҳтиёжи, мустақил ва ижодий фикрлаши, амалий тажриба ва меҳнат кўникмалари, ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, атроф-муҳитга онгли муносабатни таркиб топтириш кўзда тутилган. Шунингдек, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълим-тарбия ишла-

имкониятлар мавжудлиги ҳақидаги фаразларимизни тасдиқлади.

Хулосалар. Синалган гуруҳларда педагогик тажрибага қатнашувчилар натижаларини тасдиқлаш таклиф қилинган услубиятнинг мактаб амалиётида қўлланилган дастурга нисбатан самарадорлигини кўрсатди ва кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун унинг қўлланилиш самарадорлигини тўла тасдиқлади. Тажиба услубияти назорат нормативларининг натижалари бўйича тажиба гуруҳидаги юқори самарадорлик ўғил болаларда қандай бўлса, қиз болаларда ҳам худди шундайлиги тасдиқланди. Тажиба мабойнида барча кўрсаткичларнинг ўсиши, оддий мактаб дастури бўйича шуғулланган гуруҳга нисбатан тажиба услубияти бўйича шуғулланган гуруҳда ишонарли тарзда юқори бўлди. Булар кичик мактаб ёшида сенситив даврлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатлар тезкорлигини жадал суръатлар билан ривожлантиришга имкон бериш учун таклиф қилинган услубиятнинг фойдасига асосли далил ҳисобланади. Ишлаб чиқилган услубиятни 9-10 ёшли болалар жисмоний маданият дарслари ва спорт секцияларида ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун қўллаш мумкин.

Адабиётлар

1. Бальсевич В.К., Лубышева Л.И. Новые технологии формирования физической культуры школьников // Проблемы совершенствования физического воспитания учащихся общеобразовательных школ // Сб. работ участников Международ. семинара / Под общ. ред. В.И. Ляха и Л.Б. Кофмана. - М., 1993. - С. 42-50.
2. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2005. - 172 б.
3. Гужаловский А.А. Этапность развития физических (двигательных) качеств и проблема оптимизации физической подготовки детей школьного возраста: Автореф. дис... докт. пед. наук. - М., 1979. - 46 с.
4. Лях В.И. Тесты в физическом воспитании школьников: Пособие для учителя. - М.: ООО Фирма "Издательство АСТ", 1998. - 272 с.
5. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы спортивной подготовки. - Киев: Олимпийская литература, 1999. - 318 с.
6. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. - Киев: Олимпийская литература, 1997. - 583 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада кичик мактаб ёшида сенситив даврлардан фойдаланган ҳолда ҳаракатлар тезкорлигини жадал суръатларда ривожлантиришга имкон берувчи услубият баён қилинган. Ишлаб чиқилган услубият 9-10 ёшли болалар жисмоний тарбия дарслари ва спорт тўғрққларида ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантиришда қўллаш мумкин.

нисбатан фақат 5 фоизни, қоракўл 11,7 фоизни, жун 18 фоизни ташкил этди. Туркистонда ҳам аҳвол шу тарзда эди. Шу йилларга тааллуқли равишда Туркистонда чорвачилик 40 фоизга, пахта 218.000 десятина ер майдонидан 75.000 десятинага, жун ишлаб чиқариш 4 мартага, ипакчилик 6 мартага қисқарди [4].

Хуллас, таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўрта Осиё Республикалари орасида Хоразмда молиявий муаммолар кескинлашиш, давлат бюджетининг мавжуд эмаслиги, иқтисодий инқироз туфайли пул муомаласи бутунлай издан чиқди ва соҳалар фаолиятини йўлга қўйишда ҳеч бир ҳисоб-китобларга амал қилинмай, эҳтиёжга қараб хоҳлаганча пул ишлаб чиқарилган. Чиқарилган пуллар асосан совет аппарати эҳтиёжлари учун сарфланиб, халқ манфаатлари инобатга олинмаган. Аксинча, Бухоро Республикаси иқтисодий ҳаётидаги барқарорлик пул муомаласининг мустақамланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бухоронинг кумуш ва олтин пуллари нафақат Ўрта Осиё Республикалари бозорларида, балки қўшни Эрон, Афғонистон каби давлатларнинг бозорларида ҳам қадри баланд бўлди.

Адабиётлар

1. ЎзР МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 233-йиғма жилд, 1-7 варақлар.
2. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 10- варақ.
3. Бухоро ахбори, 1920, 21 ноябрь. №8.
4. Бюллетень. Первой экономической конференции Средне-Азиатских Республик. (Туркестанской, Бухарской и Хоразмской). - Ташкент, 1923. - № 3-4. - С. 19-20.
5. Бюллетень. Первой экономической конференции Средне-Азиатских Республик. (Туркестанской, Бухарской и Хоразмской). - Ташкент, 1923. - № 2. - С. 2-3; 5-6.
6. Бюллетень. Первой экономической конференции Средне-Азиатских Республик. (Туркестанской, Бухарской и Хоразмской). - Ташкент, 1923. - № 5. - С. 15.
7. ЎзР МДА, 9-фонд, 1-рўйхат, 3219-йиғма жилд, 11- варақ.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Бухоро ва Хоразм Халқ Республикасида молиявий сиёсат, хусусан, солиқ тушумлари, пул муомаласига доир маълумотлар умумлаштирилади. БХСР ва ХХСРда муомалада бўлган пул бирликлари, уларнинг ташқи савдо алоқалари хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар баён этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье обобщаются сведения, касающиеся денежных отношений, экономической политики, в частности налогового дохода в Бухарской и Хоразмской Народных Республиках. Рассуждается о внешних торговых связях, в частности о БНСР и ХНСР денежных отношениях.

SUMMARY

In this article, the tax policy, especially tax incomes as well as currency informations of Bukhara and Khorezm are generalized. Also it shows currency denominations and its use of International trades of NSRB (National soviet republic of Bukhara) and NSRK (National Soviet republic of Khorezm).

ИҚТИСОДИЁТ

ЎЗБЕК МОДЕЛИ – ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Гулямов С., академик (Тошкент)

Таянч тушунчалар: ўзбек модели, интеллект, интеллект коэф-фициенти, интеллектуал салоҳият, интеллектуал капитал, интенсив модел, экстенсив модел, модернизация, инновация, хомашё иқтисодиёти, индустриал иқтисодиёт, постиндустриал иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, инсон капитали.

“Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши мукаррар” (И.А.Каримов) [1].

“Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” (И.А.Каримов) [2].

Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримовнинг юқорида кўрсатилган доно фикрларини келтиришимиз бежиз эмас. 2013 йил – Обод турмуш йили деб эълон қилинган экан, уни амалга оширишда муҳим бўлган интеллектуал салоҳият омилига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Обод турмуш – интеллектуал салоҳият, инновация ва маънавиятга пропорционал равишда ривожланиб боради. Маънавият – интеллектуал салоҳиятнинг асосий бўлаги ва пойдеворидир, лекин интеллектуал қобилиятсиз билимга ва инновацияларга асосланган обод жамиятни куриб бўлмайди.

Аввало, интеллект сўзининг маъносига эътибор берадиган бўлсак, у лотин тилидаги intellectus сўзидан олинган бўлиб, ақл, идрок, ақлий жиҳатдан етуклик ёки таълим қобилиятини билдиради. Буни яна бошқача, символлар билан иш кўриш, бизни ўраб турган борлиқнинг қонуниятларини фаол эгаллаш қобилияти деб тушунса бўлади.

Интеллект коэффициенти, яъни билим қабул қилиш, янги билим яратиш ва уни ишлата билиш қобилияти, одатда IQ орқали, эмоционаллик, яъни ҳис-туйғу билан тўлалик коэффициенти эса EQ билан белгиланади.

Ушбу коэффицентлар бирлиги билан инсоннинг интеллект даражасини аниқласа бўлар экан, яъни IQ 0 дан 19 бирликкача бўлса, анқовлик, ақли калталиқни; 20-68 бирликкача бўлса, фаҳм, ид-

ларни ўтказиш усулларига таққослаганда ўз устунлигини кўрсатди.

Ўтказилган педагогик тажриба натижасида таклиф қилинган кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш услубиятининг таъсир қилиш даражасини аниқлашга имкон берувчи маълумотлар олинди. 9-10 ёшли кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ва анъанавий услубиятларнинг самарадорлиги ўзаро таққослаб кўрилганда, таъкидлаб ўтиш керакки, ҳаракатчанлик тестлари натижалари бўйича тажрибавий услубият кичик ёшдаги ўқувчиларга кўпроқ машғулотли таъсир кўрсатди.

1-жадвал

Тадқиқот якунида синалувчи гуруҳ ўғил болаларидаги кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили

Т/р	Назорат нормативлари	НГ	ТГ	Фарқлилик даражаси
1.	Югуриш 30 м/сек	5,8±0,31	5,7±0,12	p<0,05
2.	Югуриш 60 м/сек	10,1±0,26	9,7±0,21	p<0,05
3.	Юқорига сакраш (Абалаков бўйича), см	29,7±1,36	35,6±1,87	p<0,05
4.	Жойдан узунликка сакраш, см	140,3±3,17	151,6±6,42	p<0,05
5.	Арконда сакраш (15 сек. да), неча марта	16±1,6	19±1,3	p<0,05
6.	Моқисимон югуриш 3x10 м/сек	10,9±0,36	10,6±0,28	p<0,05

2-жадвал

Тадқиқот якунида синалувчи гуруҳ қиз болаларидаги кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили

Т/р	Назорат нормативлари	НГ	ТГ	Фарқлилик даражаси
1.	Югуриш 30 м/сек	5,9±0,24	5,8±0,20	p<0,05
2.	Югуриш 60 м/сек	10,3±0,28	9,8±0,17	p<0,05
3.	Юқорига сакраш (Абалаков бўйича), см	28,3±1,96	33,6±1,76	p<0,05
4.	Жойдан узунликка сакраш, см	138,1±4,25	148,6±8,92	p<0,05
5.	Арконда сакраш (15 сек. да), неча марта	19,7±1,4	20,1±1,6	p>0,05
6.	Моқисимон югуриш 3x10 м/сек	11,2±0,34	10,8±0,28	p<0,05

Назорат гуруҳида ҳаракатлар тезкорлиги натижаларининг ўсиши барча назорат нормативларида ўғил болаларда ишончли эмас (p>0,05), қизларда натижаларнинг ўсиши фақат “арконда сакраш (икки оёқда)” (p<0,05), нормативида ишончли, бошқа нормативларда эса ўсиш кузатилмади (p>0,05). Педагогик тажриба қатнашчи-

2-бекаат. Арғамчи билан сакраш (тажриба қилинувчи сигналдан сўнг икки оёқда иложи борича кўпроқ сакрашга ҳаракат қилади).

3-бекаат. Чалқанча ётган ҳолда гавдани кўтариб тушириш (дастлабки ҳолат оёқлар тиззалардан букилган ҳолда, сигналдан сўнг синалувчи иложи борича кўпроқ ҳаракат қилишга интилади).

4-бекаат. Оёқларни орқага силтаб югуриш (сигналдан сўнг синалувчи иложи борича кўпроқ навбатма-навбат оёқ қафтларининг ташқи товон қисмини думба мушаклари устида жойлашган қўл қафтларига текказишга интилади).

5-бекаат. Мокисимон югуриш 3x10 (юқори старт дастлабки ҳолатдан олдинга қараб).

6-бекаат. Юқорига сакраш (ўтириш дастлабки ҳолатдан, юқорига сакраб гавдани тўлиқ ростлаш).

7-бекаат. Ётган ҳолда қўлларни букиб ёзиш (дастлабки ҳолат – айланиб ўтиш, ўтириш ҳолати – ётиб қўлларга таяниш ҳолати).

8-бекаат. 10 м.га тезланиш олишлар (юқори стартдан).

Тажриба бошлангунига қадар ўқувчилар текширувдан ўтказилди ва ҳаракатлар тезкорлигининг ривожланиш даражаси аниқланиб, баҳолаш учун қуйидаги тестлар қўлланилди: 1) 30 м.га югуриш (пастки стартдан, тезлик сифатлари, реактивлик қобилятини баҳолаш; уч мартадан бажарилди, энг яхши натижа ҳисобга олинди); 2) 60 метрга югуриш (юқори стартдан тезлик сифатлари, реактивлик қобилятини баҳолаш; уч мартадан бажарилди, энг яхши натижа баҳоланди); 3) турган жойдан узунликка сакраш (тезлик – куч сифатларини баҳолаш; уч мартадан бажарилди, энг яхши натижа ҳисобга олинди); 4) 3x10 м га мокисимон югуриш (ўқувчиларнинг тезлик имкониятларини баҳолаш); 5) арғамчи билан сакраш (икки оёқда, тезлик сифатларини баҳолаш); 6) турган жойдан баландликка сакраш (тезлик – куч сифатларини баҳолаш; уч мартадан бажарилди, энг яхши натижа ҳисобга олинди).

Тестларни ўтказиш олдидан ўқувчиларга тажриба синов ўтказишнинг мақсадлари ҳақида маълумот берилди, уларга тестларнинг тўғри бажарилиши батафсил тушунтирилди ва кўрсатиб берилди.

Олинган натижалар статистик қайта ишлангандан сўнг, кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлиги ҳақида гувоҳлик берди. Аниқланишича, тажриба бошида назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчилар жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг фарқи кузатилмади ($p > 0,05$). Кичик мактаб ёшидаги болалар жисмоний тайёргарлигининг назорати, бутун педагогик тажриба жараёнида ўтказилган, ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган машқлардан (айланма машғулот услубида) фойдаланиб, машғулотларни, кўпроқ анъанавий машғулот-

рокнинг етишмаслигини; 69-85 бирлик бўлса, меъёрга яқин; 86-114 бирлик бўлса, меъёрда; 115-124 бирлик меъёрдан юқори; 125-134 бирлик интеллект даражаси баланд ва 135 бирликдан ошса, генийликни билдирар экан.

Ўтмишдаги улуғ инсонларнинг интеллект коэффициенти мутахассислар томонидан ҳисобланганда Гётеда – 200 бирлик, Ньютон ва Вольтерда – 190 бирлик, Галилейда – 185 бирлик, Леонардо да Винчида – 150 бирлик, Бах ва Дарвинда – 140 бирлик, Коперникда – 130 бирлик ва алломаларимиз Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Синода бу кўрсаткич 250 бирликка яқин.

Интеллект ва эмоционаллик коэффицентлари паст даражада бўлган минтақаларда урушлар, қашшоқлик ва очарчилик, носоғлом болалар туғилиши, ишсизлик ва гастербайтерлар кўпайиши, киши бошига ЯИМ ва даромадларнинг пастлиги, экологиянинг бузилиши ҳамда СПИД ва бошқа касалликларнинг кўпайиш ҳолатлари каби фожиалар содир бўлиши кузатилган.

Мухтарам Юртбошимизнинг 2012 йил 18 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “...XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётгани шароитида инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин” [3], деган фикрларида билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш масаласининг нақадар долзарблиги кўрсатилган.

Бу борада мамлакатимизда 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб номланган таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури, “Ўзбек модели” деб ном қозонган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг 5 та тамойилларидан бири бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш принципига асослангандир. Мазкур дастурнинг асосий янгиллиги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг жорий қилиниши бўлди. Агар 1998 йилда 15 та академик лицей, 20 та касб-ҳунар коллежлари бўлган бўлса, 2013 йилда лицейлар ва коллежлар сони 1500 тадан ошди.

Олий таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмакда.

Ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар йўналтирилди. Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 % дан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 % дан ошмайди. Буларнинг барчаси интеллект ва эмоционаллик коэффициентларини оширишга қаратилган. Бу кўрсаткичларни оширишга, ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган яна бир қатор омиллар бор.

Интеллектуал салоҳиятли соғлом бола омиллари (инновация ва янги билим яратиш қобилияти, IQ, EQ) буюк файласуф Суқротнинг айтишича, 70% оила ва шифокорларга боғлиқ экан (1-жадвал).

1-жадвал.

Интеллектуал салоҳиятли соғлом боланинг омиллари (инновация ва янги билим яратиш қобилияти, IQ, EQ)

№	Фоиз	Омиллар	Қобилият
1	30-35 %	Насл	- 7 авлоди; - ота-оналарнинг интеллектуал салоҳияти ва тарбияси.
2	30-35 %	Ҳар кунги овқатланиш тартиби	- интеллектуал салоҳиятни ўстирадиган овқатлар; - етарли миқдорда сув, йод, балиқ мойи; - витамин ва минераллар.
3	30-35 %	Ўқитувчи, устоз ва устознинг устози маҳорати	- тарбиялаш ва тиббий маданиятни ошириш; - янги билим ва инновация яратишга ўқитиш.

Шунингдек, 30-35% наслга, унинг 7 авлодига, ота-оналарининг интеллектуал салоҳияти ва тарбиясига, 30-35% ҳар кунги овқатланиш тартибига, интеллектуал салоҳиятни ўстирадиган таомларга, етарли миқдорда сув, йод, балиқ мойига, витамин ва минералларга, 30-35% ўқитувчига, устоз ва устознинг устози маҳоратига боғлиқдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг “Соғлом бола йили”да ҳам жуда муҳим кўрсаткич эканлиги янада долзарб ва диққатга сазовордир. Соғлом бола интеллект ва эмоционаллик коэффициентларини оширишда тарбия ва тиббий маданиятни ошириш, янги билим ва инновация яратишга ўқитиш ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда, 2012 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбир-

юзга келиши деярли барча машқ турлари учун тавсифлидир, бундан тезлик – куч тайёргарлигини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Тезлик – куч сифатларининг ривожланишида қулай давр 9-10 ёшли кичик мактаб даври саналади [5].

Айни пайтда мавжуд мактаб дастури сенситив даврлардан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳаракат функцияларини жадал ривожлантиришда фойдаланишга мақсадли йўналтиришни кўзда тутмайди ва бу муаммони педагогик ҳал этишнинг илмий асосланган технологияларини таклиф этмайди [2].

Башарти, аксар кўпчилик спорт турларида ихтисослашувнинг бошланиши кичик мактаб даври билан бир вақтга тўғри келишини назарда тутсак, юқоридаги ҳолат алоҳида аҳамият талаб этади. Шу сабабли, бу муаммонинг ечилиши ўқув жараёнини такомиллаштиришда ниҳоятда долзарб саналади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантириш учун айланма машғулот услубидаги машқлардан аниқ мақсадга йўналтириб фойдаланишнинг таъсирини ўрганиш ишимизнинг асосий мақсади саналади.

Дарснинг асосий қисмида сенситив даврларни ҳисобга олиб, ҳаракатлар тезкорлигини ривожлантиришга йўналтирилган айланма машғулот услубидаги машқлардан фойдаланган ҳолда ушбу сифатни ривожлантириш кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳаракатлар тезкорлигининг ривожланиш даражасини жиддий равишда оширишга имкон беради.

Ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида кичик мактаб ёшидаги болалар билан (9-10 ёшли сингалувчи болалар 60 кишидан иборат – учинчи синф ўқувчилари) педагогик тажриба Қарши шаҳридаги 29-ўрта умумий таълим мактабининг ўқув жараёни шароитида ўтказилди. Назорат гуруҳидаги машғулотлар жисмоний маданият ўқитувчиси билан бирга анъанавий жисмоний тарбия дастури асосида ўтказилди. Тажриба гуруҳидаги ўқувчилар дарснинг асосий қисмида 8-10 минут давомида маълум юклаган маҳсул машқларни бажардилар.

Ишлаб чиқилган услубият тўрт серияли машқларни айланма машғулот услуби бўйича бажаришни (ҳар бири 15 секунд давомида) ўз ичига олади, улар орасидаги танаффус 30 секундни, машқлар серияси орасидаги танаффус эса 1 минутни ташкил қилди. Ушбу услубият ҳафтасига 2 та дарс соатидан 8 ҳафта давомида қўлланилди.

Айланма машғулот мажмуаси қуйидаги машқларни ўз ичига олди:

1-бекат. Турган жойда югуриш (сигналдан сўнг тажриба ўтказилувчи иложи борича тезроқ навбатма-навбат тиззаларини сонига тўғри бурчак остида горизонтал ҳолатда тортилган резина чилвирга текказишга ҳаракат қилади).

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛАР ТЕЗКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

Хуррамов Ж.Қ. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: жисмоний сифатлар, ҳаракатлар тезкорлиги, айланма машғулот, сенситив (сезувчан) даврлар, кичик мактаб ёши, жисмоний тарбия дарслари.

Ижтимоий жамият қуришнинг замонавий босқичида жисмоний маданият ва спорт тизимида мактаб ўқувчиларининг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ва уларнинг ҳаракат қобилиятларини ривожлантириш асосий долзарблик касб этмоқ-да. Умумий таълим мактабларидаги ўқув жараёни жисмоний қобилиятларнинг таянч асосларини ҳосил қилиш, ҳаракат кўникма ва малакаларининг зарурий фондини шакллантириш, бола организмни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга эришишни назарда тутати. Бироқ, мактаб ўқувчиларининг асосий ҳаракат сифатларининг намоён бўлиш даражаси бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди.

Бир қатор маҳаллий ва хорижлик олимлар – А.Абдуллаев, Ш.Х.Хонкелдиев, М.С.Ахматов, О.У.Утепов, Э.А.Сейтхалилов, А.М.Ачилов, Р.С.Саломов, Т.С.Усмонхўжаев, В.И.Лях, В.К.Бальсевич, Ж.К.Холодов, В.К.Кузнецов каби олимларнинг таъкидлашларича, мактаб жисмоний тарбиясида ҳосил бўлган “анъанавий” тизим ўсувчи организмнинг ҳаракат фаоллиги талабларини тўлалигича қопламайди. Жисмоний тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш ва юзага келган мураккаб қарама-қарши фикрларни бир тўхташга келтириш учун бир қатор олимлар (А.А.Гужаловский, В.К.Бальсевич; В.И.Лях) танлаб йўналтирилган юкламалардан сенситив (сезувчан) даврларда ҳаракат қобилиятлари ва жисмоний сифатларни ривожлантириш учун фойдаланишни таклиф қилмоқдалар.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир қилувчи мақсадга йўналтирилган тадбирлар учун энг қулай давр ҳисобланади [1, 3, 5]. Маълумки, юқори натижа берадиган сенситив даврлардан фойдаланмаслик оқибатида организмнинг кўп сонли имкониятлари тўлиғича амалга ошмай қолади ва муайян бир сифатларни ривожлантиришда, уларни юзага чиқаришда анча кўп вақт ва куч талаб қилинади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, жисмоний тарбия жараёнининг ҳозирги кун талаблари даражасидаги самарадорлиги жисмоний сифатларни мажмуавий тарбиялаш восита ва услубларини қўллаш билан шартланган [2, 4, 6].

Мактаб ёшида тезлик – куч сифатларини биринчи ўринда ривожлантиришнинг лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар мавжуд. Модомики, тезкорлик ва кучнинг мажмуавий ривожланиши ва

корликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “...кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда” [4], деган фикрлари бозор иқтисодиёти шароитида бу янги фаолият турининг интеллектуал қобилиятни оширишга таъсирининг яққол исботидир. Муҳтарам Юртбошимиз бу борада фикрларини давом эттириб, “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга... Илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш керак”, деб таъкидладилар [4].

Демак, янги фаолият турлари ҳам интеллектни ривожлантириш омиллари ҳисобланади.

Биринчидан, ҳар бир муассаса (объект) энг кам моддий, табиий, молиявий ресурсларни харажати билан, айниқса энергиянинг тежамкорлиги билан олдига қўйган вазифа ва мақсадларга эришиши керак. Агар энергия сақлаш ва сарфлаш қонунига риоя қилмаса, шу тузилма ёки жонивор ўзининг сифатини, ягоналигини ва функциясини бажариш қобилиятини йўқотади. Масалан, яратилаётган автомобиллар ҳам шунақа: ички структураси олдига қўйилган ташқи функциясига, вазифаларига боғлиқ; энгил автомашина (Тiкo, Matiz, Nexia) кам юкка, арзон, энгил, яхши йўлларга мўлжалланган; Жип, УАЗлар ёмон йўлларга; автобуслар кўпроқ одам ташишга; самосваллар юк ташишга; тракторлар оғир ишларга мўлжалланган. Функциясига қараб буларнинг ички структураси ўзгаради: кузови, гилдиракларининг катта-кичиклиги, баланд-пастлиги, юришининг тезлиги, тракторда эса ковш, сўрувчиси ва қўшимча опоралар ўрна-тилади.

Ўзбек моделининг 5 та тамойили (иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчилигини тан олиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш) дунё ҳамжамиятида ном қозонди. Булар ўзбек моделини ташқи функциялари, мақсад ва вазифалари, лекин буларни бажариш учун Ўзбек моделининг ички структураси тўғри тузилиб, оптимал ва тежамкор (молиявий, моддий ва табиий ресурсларни, энергияни ихчам сарфлаб) бўлиб, қисқа вақт ичида қўзланган ташқи мақсадларга эришиши керак.

АҚШ 80-85 % инвестицияларни интеллектуал салоҳиятга сарфлаб, дунёга ва Европа Иттифоқида (27 давлат) ҳам лидер бўлиб олди.

“Тананг билан жисмоний ишлаб 1 бойлик топсанг, миянинг интеллектуал салоҳиятини, қобилиятини фаол ишлатиб 100 бойлик топсанг бўлади” деган шиорни АҚШда ишлатиб Бил Гейтс, Стив Жобс в.б. шунга ўхшаган миллиардер тадбиркорларни етиштирмоқда.

Ресурсларни (табiiй, моддий, молиявий ва энергия) ихчам, тежамкор ёки кўп исрофгарчилик билан сарфлашга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига қараб моделлар интенсив ва экстенсивга бўлинади. Ўзбек моделининг ички структурасида молия ресурсларининг ҳажми ва тартибида нимадан бошлаб ва қайси бирига қанча миқдорда ва нима учун сарфласа, унинг самарадорлиги ошади деган масалаларни жиддий ўйлаб ва ҳисоблаб (моделлаштириш усуллари билан) чиқмаса самарадорлик ошмайди.

Ривожланган Европа давлатларида интеллектуал капиталга жуда катта инвестициялар қилиниб, ҳар йил 1 млн. га яқин янги билим ва инновациялар яратилиб турмуши обод қилинмоқда. Шунинг учун Юртбошимиз И.А.Каримов интеллектуал салоҳият, қобилият ва уни ишлатиб модернизация ва техника, технологияни янгилаш тўғрисида ҳар бир маърузаларида такрорлаб ўтадилар. Бу 1 млн. инновацияларни қайси давлат охириги 5 йилда неча фоизини ишлатганлигига қараб бугун давлатларнинг барқарор ривожланиши ва турмуши ободлиги белгиланади.

Юртбошимизнинг маърузалари ва улар бошчилигида ўтказилаётган халқаро конференциялардаги концепциялар ва ғоялар асосида биз ўзбек тараққиёт моделининг ички структураси 5 та комплекс моделдан иборат деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, “Ўзбек модели”даги мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш принципига асосланган ҳамда устувор вазифалардан ҳисобланган интеллект ва эмоционаллик коэффициентларини ривожлантириш 5 та мақсадли йўналтирилган моделлардан иборатдир.

Қуйида кўрсатилган ушбу моделлар бугунги Ўзбекистоннинг барқарор (8-8,5 %) ўсишини ва шаклланаётган обод турмуш заминини яратмоқда.

1. Ўзбек иқтисод модели (кичик бизнес ва хусусий, оилавий тадбиркорлик – одамларни ижодий ва интеллектуал қобилиятини руёбга чиқариш, билимга таянган инновацион иқтисодни шакллантириш).

2. Ўзбек илм-фан ва таълим модели (янги билимлар яратиш, уларни инновацияларга айлантириб обод турмуш қуришга ўқитиш).

3. Ўзбек соғлиқни сақлаш модели (она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга

мусобақа фаолиятига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда иш олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Курашчи рақибларининг жисмоний, техник-тактик борасида қандай даражага эга эканлигини билиши учун вазн тоифалари бўйича мусобақа беллашувлари акс эттирилган, илмий таҳлил қилинган ахборотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кураш мусобақаси фаолиятини моделлаштиришнинг самараси шундан иборатки, курашчиларнинг фаолият жараёнини моделлаштириш дастурларини қўллашга назарий ва услубий ёндашиш масалалари таҳлил қилинади. Курашчиларнинг мусобақа фаолиятини моделлаштиришда мусобақа фаолиятининг таҳлили ва баҳоланиши йўллари кўрсатилади, уларнинг мусобақа қонун-қоидаларини, кураш ҳаракатлари механизмини муваффақиятли бажаришидаги асосий жиҳатлар – самарали ҳужум ва мустаҳкам ҳимоя, курашчилар тайёрлашнинг самарали йўналишларини аниқлаш ва холис баҳолаш асослари тавсия қилинади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони: Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида // Фан – спортга. – Тошкент, 2009. - № 2. – Б. 5-10.
2. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. – Тошкент: Зарқалам, 2004. – 120 б.
3. Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Прогнозирование и моделирование в спорте. – Тошкент: ЎЗДЖТИ, 2005. – 113 с.
4. Керимов Ф.А. Кураш тушаман. – Тошкент: Ибн Сино, 1990. – 78 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада курашчиларнинг мусобақа фаолиятини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда техник-тактик ҳаракатларни хатосиз ва самарали баҳолаш муаммолари тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В работе рассматривается вопрос о совершенствовании соревновательной деятельности борцов. Предложены объективные критерии, характеризующие технико-тактическую подготовителенность борцов.

SUMMARY

Effective assessing problems of wrestler's technic-tactic activities during the competitions were discussed in this article. The activite of the athletes are modulated by the author using the theory and methods of physical culture.

ва стратегик йўллари танлаб амалга ошира олишга боғлиқ бўлади. Бунда мураббий педагог ҳамда кураш сирларини ўрганаётган курашчи олдида техник-тактик тайёргарликни самарали режалаштириш ҳамда спорт маҳоратининг ўсиш динамикасини назорат қилиш ва таҳлил этиш, шунингдек, кураш машғулотларига унумли ўзгартиришлар киритиш мақсадида техник-тактик тайёргарлик хусусиятларига тизимли асосда баҳо бериш зарурияти пайдо бўлади.

Мусобақа жараёнида содир бўладиган ҳар хил шароитдаги кураш ҳаракатларини тўғри баҳолаш мусобақа фаолиятини тўлиқ, хатосиз баҳолаш йўллари билан бирдир. Замоनावий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кураш мусобақасини моделлаштириш курашчилар техник-тактик тайёргарлик даражасини баҳолашда, бир курашчининг кўп миқдордаги кўрсаткичларини бошқаришнинг худди шундай кўрсаткичлар билан солиштиришга катта имкон беради. Мусобақада курашчиларнинг техник-тактик, жисмоний ҳамда психологик тайёргарликларини оқилона баҳолаш юқори даражада самара беради. Мусобақа фаолиятида курашчилар техникасининг айрим ютуқларини, масалан, яқунланмаган, натижасиз ҳаракатларни баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун замоनावий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кураш бўйича мусобақа фаолиятини моделлаштириш жараёнида фаол курашчининг техник ҳаракатлари балл ёрдамида баҳоланади. Мазкур тадқиқотда курашчиларнинг вазн тоифаси бўйича барча техник ҳаракатларини қайд қилиш, база яратиш, курашчиларга асосий рақибларининг техник маҳоратини ўрганишга ҳамда беллашув асосида энг оммавийлашган кураш ҳаракатларини ўрганишга имкон яратади [2, 4].

Кураш мусобақаси фаолиятини моделлаштириш куйидаги жараёнларни самарали баҳолашга ва хулоса чиқаришга ижобий ёрдам беради:

а) курашчиларнинг ҳужум даражасини таққослаш;

б) курашчиларнинг натижаларини кўтаришга имкон берадиган техник ҳаракат усулларини қўллашни ўзлаштиришлари;

в) курашчиларнинг рақибини издан чиқариш учун максимал даражада “шоҳ” усулини бажариши ва ҳужум ҳаракатлари ишончлилигининг ошириши;

г) курашчиларнинг спорт тайёргарлигини сақлаб қолиши, тайёргарликни янада такомиллаштириши, муваффақиятсиз техник ҳаракатларини биомеханик таҳлил этиш, жисмоний қобилиятларини оқилона ишлатиши;

д) юқори малакали курашчиларнинг фойдаланиши учун вазн тоифаси бўйича вилоятлараро ва республика биринчилигига қадар тизимлаштирилган интернет тизимида уланган база яратиш.

Юқорида қайд этилган сабабларга кўра спортнинг кураш тури бўйича маҳоратли спортчилар тайёрлаш жараёнининг самарали услубини ишлаб чиқиш ва спортчининг тайёргарлик тизимида,

ва овқатланиш масалаларига катта эътибор қаратилган).

4. Ўзбек оила модели (соғлом ва интеллектуал салоҳиятли болаларни яратади).

5. Ўзбек маҳалла модели (обод турмуш қуришда, интеллектуал салоҳиятли тадбиркор оила ва болаларни кам таъминланган оилаларга намуна қилиш ва қўллаб-қувватлаш).

Буларнинг ҳар бири бўйича (ишлаб чиқиш механизмлари, ўзига хос хусусиятлари ва натижалари тўғрисида) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов (халқаро ташкилотлар талабларига биноан) халқаро конференцияларни ташкил этиб, Ўзбекистоннинг инкирозга қарши тажрибасини бутун дунёга намуна қилиб бердилар.

Бу моделлар узок (ҳар бири 30-50 йил) индустриал, пост-индустриал, инновацион иқтисодий даврларни кетма-кет босиб ўтмай, тўғридан тўғри билим ишлаб чиқариб, билим экспорт қиладиган, яъни билимга таянган иқтисодий жамият шаклланган, ривожланган давлатга айланишга ўз самарасини ўтказади. Яъни хомашё иқтисодиётидан инновацион иқтисодиётга (билимлар иқтисодиётига) ўтилмоқда. Аслида хомашё иқтисодиёти – индустриал иқтисодиёт – постиндустриал иқтисодиёт ва инновацион (билимлар) иқтисодиётга кетма-кет ўтилиши керак.

Энг нуфузли халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти, БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича комиссияси (ЮНКТАД) ҳамда унинг 5 та минтақавий комиссияси иштирокида тайёрланган “Жаҳондаги иқтисодий аҳвол ва 2014 йилги истиқболлар” маърузасида Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича 2014 ва 2015 йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида етакчилик қилиши кўрсатилган.

Ўзбек моделининг 5 тамойили унинг мақсадлари, вазифалари ва иқтисодий-ижтимоий функцияларини белгилайди. Бу функцияларни амалга ошириш учун ўзбек модели оптимал, самарадор, тежамкор ички тузилмага эга бўлиши керак. Меҳнат унумдорлиги ва сифатини кўтариб, товарлар таннархини тушириш керак. Юқори технологик товарлар экспортини ошириш лозим.

Соғлиқни сақлаш моделида кўпроқ илмий изланишларни озик-овқат, сув ва минераллар – витаминларнинг турларини ҳар бир боланинг қобилиятига, ҳар куни қандай таъсир қилаётганига қаратилса, таълимда ва бизнесда сифат янада ошади.

Илм-фан ва таълим модели ҳақида тўхталадиган бўлсак, таълимни илм-фандан ажратиб бўлмайди. Таълимнинг вазифаси охирги илм-фан натижаларини талабаларга етказиш, янги билим яратиш ва уларни жорий этиб, обод турмуш қуриш механизмларига ўргатишдир.

Таълим самарадорлиги вақт тежамкорлиги қонунига асосла-

нади. Яъни ўқитишга вақт қанча кам кетса ва қанча болани кўпроқ вақти янги билим, инновация яратишга қолса, таълимнинг самарадорлиги шунча кўтарилди. Ўқиш ўқиш учун мақсад бўлмайди. Ўқишнинг мақсади тезкор (умр қисқа) инновациялар яратиш обод турмуш куриш ва ўзининг шахсий турмушини обод қилишдир.

Оила олдинги вақтлар ишчи кучи яратар эди. Ер, сув, табиий ресурслар кўп эди, одам нисбатан кам эди. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиганлар етишмас эди. Бугунги кунда ер юзидаги одамлар сони 7 млрд. дан ортиб кетди, бунга тескари равишда ер, сув ва бошқа ресурслар камайиб бормоқда. Эндиликда оилалар, интеллектуал салоҳияти юқори, қобилиятли болаларни яратишлари керак. Юртбошимиз айтганларидек, кичик бизнесни илғор илм-фан асосида ривожлантириш учун интеллектуал салоҳиятни ҳар бир тадбиркорда тезроқ ўсиши ва ишлаб чиқаришда инновацияларга айланиши зарур.

Инноватор тадбиркорлар танловини ўтказиб, уларни аниқлаш етарли эмас. Уларни оилада, ота-боболари билан биргаликда ёшлигидан илмий асосда яратиш муҳимдир. Шунда Билл Гейтс, Генри Форд, Сорс, Стиф Жобсга ўхшаган тадбиркорлар пайдо бўлиб, Ўзбекистонни АҚШга ўхшаган буюк давлат бўлишида ўз ҳиссаларини қўшишади.

Синтия Гринн (АҚШ) деган олима “Сила мозга супертренинг за 4 недели” китобида 4 ҳафталик комплекс дастур ишлаб чиққан. Бу дастур ҳар бир тадбиркорни ўзига хос овқатланиши, жисмоний тарбияси, нуқтали массажи ва интеллектуал ўйинлар ҳисобига уларнинг интеллектуал қобилияти ва даромадларини 28% - 78% га оширган. Бу интенсив йўл.

Турмушнинг обод бўлиши жамиятдаги интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг ўсишига пропорционалдир. Мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал бойлик ярата оладиган қилиб тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтириш жуда ўринлидир. Яъни: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”.

Бизнинг фикримизча, инсон капитални ривожлантиришда қуйидаги тушунчалар ҳар бир инсон ва таълим ходимлари учун устувор бўлиши муҳим. Булар қуйидагилар:

- жисмоний ишлаб битта бойлик топсанг, интеллектуал салоҳиятни ишлатиб, минг бойлик топишинг мумкин (мардикордан – Бил Гейтснинг фарқи);

- 7 марта ўйлаб 1 марта гапирсанг, турмушинг обод бўлади,

Техник маҳорат даражаси спортчининг заҳирадаги ҳаракат имкониятларини юзага чиқариш даражаси билан белгиланади. Техник маҳорат даражаси билан жисмоний “ҳаракат”лар миқдори орасида спорт натижаси кўрсаткич бирлигига тескари нисбатдаги алоқадорлик мавжуд.

Кураш техникасининг ташқи тизими ҳаракатларнинг маконий, замонавий ҳамда динамик ўлчамлари орасидаги нисбатлар билан тавсифланади. Ҳаракатнинг таркибий қисмларини бир-биридан фарқлайдиган хусусиятлар унинг тавсифи деб аталади. Ҳаракат тавсифлари маконий, замоний, маконий-замоний (кинематик), динамик ва ритмик бўлади.

Кўриш орқали кузатиш воситасида фақат ҳаракатнинг шакли, хусусиятлари, ташқи кўриниши ва кинематикасини ўрганиш мумкин. Мусобақада курашчининг техник-тактик тайёргарлигини тадқиқ этиш йўллари курашчи қайси усулларни бажаришни ўрганганлиги ҳамда ўрганган усулларни рақибга қандай қўллай олаётганлигини баҳолашга имкон беради. Курашчининг мусобақа фаолияти техник даражасини тадқиқ қилиш жараёнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [3].

Чизгилар – мусобақада кураш техникасини қайд этишнинг энг оддий, лекин аниқлиги жиҳатидан сўнгги ўринда турадиган усули, чизгилар ёрдамида ҳаракатларнинг ташқи манзарасини кўрсатиш, курашчи техник ҳаракатларининг бажарилиши чизмасини компьютерга жойлаштириш лозим. Курашда техник-тактик ҳаракатларини қайд этиш учун қўлланиладиган рамзлар тизими ишлаб чиқилган. Мазкур тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) усул қўлланиладиган ҳар галги уриниш рақиб курашчи шаклчаси орқали ифодаланади: вертикал ҳолатдаги – тик турган ҳолатни ифодалаш учун; горизонтал ҳолати – партер учун;

2) ҳар бир шаклча чизгилар билан тасвирланади: икки оёқ, гавда ва қўллар. Айни пайтда шаклча амалдаги усуллар таснифига мувофиқ равишда рақибга қарши ишлатиладиган усуллар гуруҳини ҳам кўрсатади;

3) рақиб гавдасидаги ушлаб олинган жойлар кичкина доирача билан белгиланади;

4) оёқлар ҳаракати турли белгилар билан ифодаланади;

5) ўнг ва чап қўл-оёқлар курашчи рўпарасидаги рақиб гавдасида қандай ҳолатда турган бўлса, шундай (яъни чап қўл-оёқлар ўнг томонга, ўнг қўл-оёқлар чап томонга) тасвирланади;

6) шаклчалар ва ҳаракатларни ифодалаш, уларга қўшимча изоҳ бериш учун яна ҳаракат белгиларидан ҳам фойдаланилади.

Кураш спорт фаолиятининг шундай турлари сирасига кирадик, бунда муваффақият доимий бўлмаса ҳам, кўпроқ техник ҳаракатларга, хилма-хил техник ҳаракатларни ўзлаштириб, қўйилган спорт мақсадларини самарали ҳал этишнинг энг мақбул тактик

1. Усулларни ишлатишдаги барча тўсиқларни енгиб, ахборотлардан фойдаланиш натижасида мусобақада иштирок этиш жараёнидаги техник-тактик ҳамда жисмоний имкониятларни шакллантириш учун бирдек ахборот излаш канали бўлиб хизмат қилади.

2. Мусобақаларда иштирок этиш йўлидаги барча тўсиқларни йўқотади. Интернетга уланиш, курашчиларга мураббийларнинг мусобақа фаолияти ҳақидаги хулосалари, мулоҳазалари, таклифларини тарқатишга ёрдам беради. Мусобақага қайта тайёргарлик кўриш учун замин яратади.

3. Жаҳон мусобақаларида иштирок этиш имкониятини кенгайтиради. Замоनावий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мусобақа фаолиятини моделлаштириш, электрон почта, Web саҳифалар, курашчиларга мусобақа беллашувларини ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиш имконини беради [2, 3, 4].

Кураш бўйича машғулот жараёнининг самараси, натижаси мусобақа жараёни ҳисобланади, шунинг учун мусобақа жараёнини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда моделлаштириш машғулот жараёнининг маълумотлар билан бойитишни таъминлайди.

Кураш техникаси усуллари (ҳужум, ҳимоя, қарши ҳужум) ҳаракат унсурларини (босқичлар, бўғимлар ҳаракати) таҳлили орқали алоҳида айириб кўрсатишга имкон берадиган кинематик ва динамик хусусиятли ҳаракатлар тавсифини қайд этишнинг хилма-хил йўллари ўз ичига олади. Кураш техникаси унсурларини зарур ҳолларда қўлланиладиган бошқа усуллар (электромиография, тонометрия, пневмография в. б.) билан ўзаро алоқада текшириш ҳаракатлар тизимини синтетик жиҳатдан қайта тиклаш, яхлит ҳаракатда техника унсурларининг тутган ўрни ва ўзаро боғланишларини очиб бериш, ҳаракатлар бажарилаётган шарт-шароитлар аҳамиятини аниқлаш учун имконият яратади. Курашда мусобақа фаолияти техникасини ўрганишнинг муҳим йўлларида бири қиёсий усул бўлиб, у спортчи техник маҳоратининг таркибий қисмларини (спорт устаси ва бошловчи спортчининг техникаси), спорт такомиллашуви динамикасини (техник маҳоратнинг такомиллаштириш босқичлари бўйича даражаси), алоҳида хусусиятларни жисмоний ривожланиш даражаси ва жисмоний тайёргарликнинг модель кўрсаткичлари билан таққослаш техникасининг таркибий қисмларини аниқлашга имкон беради [4].

Курашчи техник тайёргарлигининг асосий кўрсаткичлари ҳаракатнинг максимал режимида техник ҳаракатлар самарадорлиги ҳамда техник ҳаракат барқарорлиги (турғунлиги) саналади. Ушбу омиллар спортчи техник маҳоратининг модель хусусиятлари асосини ташкил этади. Техник ҳаракат самарадорлигини баҳолашда спортчининг жисмоний сифатлари ҳамда заҳирадаги имконият даражалари орасидаги миқдорий боғланишларни ҳисобга олиш зарур.

тескарисини қилсанг барбод бўлади;

- донишманд мия ўз танасига шифокор;

- соғлом, чиройли тана яхши, ақлли мия ундан юз марта яхши;

- мияни ривожлантирсанг ва ишлата билсанг – тананг соғлом, турмушинг обод бўлади.

Амалий фаолиятимизни самарали амалга ошириш инсон тараққиётида, инсон капиталининг ривожланишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Мазкур мақсадда:

- таълимда, соғлиқни сақлашда ва оилада сифатли тузилмавий ўзгаришлар бўлиши керак;

- ҳаражатлар оптималлашиб, асосан, интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга қаратилиши керак;

- соғлиқни сақлаш давлат бюджети (15 %) ва шахсларнинг маблағларини кўпроқ мияни ривожлантиришга (ақлли болалар туғилишига) йўналтирилиши;

- оила давлат дастуридаги маблағларни ва ўз даромадларини мияни кучайтиришга қаратилиши;

- таълим, билим бериш моделидан – янги билим ишлаб чиқариш моделига ва уни ишлата билиб, обод турмуш қуриш механизмларига ўқитиш;

- жамият ва ишлаб чиқариш, билимли одамларни кадрлаш (моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш) ва улар билимини инновацияларга айлантириб, обод турмуш қуриш моделига ўтиш (билимга таянган инновацион иқтисод ташкил этиш);

- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик (И.А.Каримов айтганларидек) одамларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва рақобатдошлиқда уни ривожлантириш модели;

- маҳалла ўзини-ўзи бошқаришда ақлли, интеллектуал салоҳиятли болаларни ўстираётган оилаларни кўпроқ қўллаб-қувватлаш ва реклама қилиш моделига ўтиш (кам таъминланган оилаларнинг аҳволи интеллектуал салоҳияти пастлигидан деб тушунтириш ва кўтаришга ёрдам бериш).

Энди инсон капитали тушунчасига тўхталиб ўтайлик.

Теодор Шульс, камбағал инсоннинг фаровонлигини ошириш, ерга, техника воситаларига эмас, балки билимга боғлиқ деган. Буни “инсон капитали” деб атаган ва бу янгилиги учун 1979 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган. Шунингдек, инсон капитали концепцияси америкалик иқтисодчи Г.Беккер томонидан 1960 йилда илгари сурилган ва 1992 йилда бу кашфиёти учун Нобель мукофоти совриндори бўлган.

Инсон капитали – бу даромад келтирадиган инсон қобилиятларидир. Инсон капиталининг таянч асосини инсон қобилияти ташкил этади. У ишчининг махсус таълим, касб-ҳунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўпланган билимлари, уларни

амалга ошириши ва маҳоратини ифодалайди.

Агар бугун дунёда инсон капитали омиллари соғлиқни сақлаш ва таълимдан иборат бўлса, ўзбек тараққиёт моделида юқорида таъкидлаганимиздек, *соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, оила, маҳалла ва иқтисод* моделларидан иборат десак адашмаймиз. Буларнинг самарадорлигига тўхталиб ўтайлик.

Соғлиқни сақлаш моделида (15 % бюджетдан молиялаштирилади) инсоннинг соғлиқ резервини кўпайтириш ва иммунитетини оширишга, ўз-ўзини парҳез ва табиий усуллар билан даволашни ўргатишга (валиологияни қўллаш), асосан мия қобилятини аниқлаш ва уни ривожлантиришга сарфланиб, актив харажат ҳисобланади. Бу ақлли ва иқтидорли болаларнинг туғилишига ёрдам беради (интенсив).

Маблағни фақат дори-дармон билан одам танасини даволашга сарф қилиш, одамларнинг кўп вақтини поликлиника ва шифоналарда ўтказишига олиб келиш пассив харажат ҳисобланади (экстенсив).

Таълим, илм-фан моделида (35% бюджетдан молиялаштирилади) илм-фан ва инновацияларга таянади. Янги билимларни шакллантириб, обод турмуш қуришга ўргатади. Харажатлар, асосан, лаборатория ускуналарига, педагог ва илмий кадрлар малакасининг сифатига, ўқув жараёнларини компьютерлаштирилганлик даражасига ва бошқаларга сарфланади, чет тилларида ўқитиш, интернетдан фойдаланиш ва маънавийни юксалтиришга йўналтирилиб, актив харажат ҳисобланади (интенсив).

Фақат информация (аксарият ҳолларда эскирган) беришга кўп вақт сарф қилиб, маблағни, асосан пассив моддий базага сарфлаш (ҳашаматли бинолар, йирик инфраструктура, билимга дахли йўқ тадбирларга) пассив харажат ҳисобланади. Бунда болалар қобилятига тескари кўп фанлар ва хўжалик ишлари билан зарар етказилади (экстенсив).

Оила моделида (1998 йилдан бошлаб ҳар йили янги дастурлар молиялаштирилади, оила даромадлари ва имтиёзлари назарда тутилади) оила харажатларининг соғлиқни сақлашга, айниқса мияни ривожлантиришга, ундан унумли фойдаланиш, турмушни обод қилишга, оилада ижодий, тадбиркорлик, инноваторлик ва тежамкорлик муҳитини яратишга йўналтирилган харажатлар фаол ҳисобланади. Бунда рақобатбардошлик, нотиклик қобилятини ривожлантириш, чет тилларини ўзлаштириш, вақтни тежаш ва ундан унумли фойдаланишга ўргатиш, товарлар ва хизматларнинг сифатини текшириш (айниқса таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида), болаларни етти ўйлаб гапириш ва бир иш қилишга ўргатилади (интенсив).

Мустақил фикрлай олмайдиган, интеллектуал салоҳияти ва тадбиркорлик қобиляти паст болалар ва ишчи кучи яратилишига олиб келадиган харажатлар пассив ҳисобланади. Оила харажатлари-

технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги **ПФ № 3080** Фармони, “Ахборот - коммуникацияси технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ № 117** (08.07.2005) қарорларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бу фармон ва қарорларда кўзда тутилган мақсадли йўналишлар ва дастурий тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланмасини қўллаш, интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни муттасил янгилаб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларни назорат қилиш учун компьютерлаштириш ва ахборот коммуникацияси технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга киритиши, вазирлик ва идоралар билан биргаликда интернет тармоғида миллий ахборот-қидирув тизимини яратиш ва ундан кенг фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурсларини жойлаштириш ушбу тизимни янада глобаллаштириш ва унинг жаҳон ахборот майдони билан интеграциялашуви тадбирларининг амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қабул қилинган қарорлар, фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида бир қанча ишлар бажарилмоқда, бунинг исботи сифатида интернет тармоғида миллий ахборот-қидирув тизими, бир қанча ахборот ресурслари ва ўзбекона миллий Web саҳифаларимиз ишлаётганини айтиб ўтишимиз жоиз. Ахборот технологиялари, компьютерлар жамиятимизнинг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб келаётган экан, жумладан, спорт турларида ҳам ахборот технологиялари, компьютерлардан фойдаланилмоқда.

Энди кураш спорт тури бўйича мусобақа жараёнини ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Бугунги кунда Web саҳифалар маълумот базасига кураш спорт тури мусобақа фаолиятининг барча босқичларини жойлаштириш имконияти пайдо бўлди [1].

Мусобақа фаолиятида қўлланадиган санъат даражасидаги усулларнинг интернет тармоғида тарқалиши барча курашчиларнинг уларни ўрганишига янада катта имкониятлар яратиб беради, бу жараён машғулотда ҳужум, ҳимоя, қарши ҳужум ҳаракатларини самарали ўргатиш йўлларини топишга имкон беради.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кураш мусобақа фаолиятини моделлаштириш янги техникали курашчилар, чемпионларни кашф қилиш билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, мусобақа фаолиятини ишлаб чиқиш, сақлаш ва коммуникацион тармоқлар орқали тез тарқатиш учун шароитлар яратади. Курашчиларнинг ҳар бир беллашуви – вилоят, республика, жаҳон миқёсидаги мусобақа жамланиб, сақлаб борилади ва бу курашчиларнинг мусобақа олди тайёргарлиги учун замин ҳозирлайди.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мусобақа фаолиятини ривожлантиришда жуда катта самара беради.

ҳамда таржима қилиш ишлари амалга оширилган. Нодиранинг шахсан ўзи хаттотларнинг ишлашини, китобларнинг аниқ, саводли кўчирилиши ва таржима қилинишини кузатиб борган.

Хуллас, ўзбек маърифатпарварлари фаолиятида халқ педагогикасининг илғор ғоялари ўз аксини топган. Маҳаллий халқ болаларига аниқ фанларни ҳам ўқитиш ташаббуси билан чиққанлар.

Адабиётлар

1. Бехбудий М. Саёҳат хотиралари // Ойна, 1914. - № 48. 20 сентябрь.
2. Бехбудий М. Китобат-ул-атфол. – Самарқанд, 1914. – Б. 42-47.
3. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. – Тошкент: Фан, 1977. – 184 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон маърифатпарварларининг таълим-тарбияга доир қарашларида халқ педагогикаси аъналарининг акс этиши ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о том, что основной идеей, объединявшей творчество наиболее выдающихся просветителей-демократов Туркестана, было возвышение достоинства человека, его духовное раскрепощение. Просветители не стремились противопоставить один социальный слой общества другому, они были убеждены, что все люди равны независимо от социального происхождения, веры и т.д.

SUMMARY

This article throws light upon the history of the national-progressive movement of the late XIXth and early XXth century, which is called powerful political movement of enlighteners. The Enlighteners criticized religious fanaticism, required the substitution of obsolete religious schools for national secular ones, advocated the development of science and culture, and supported the publishing of newspapers in the native language, the opening of cultural and educational establishments, which favored the consolidation of the democratic forces of the society.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА КУРАШ МУСОБАҚАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Бобомуродов Ф.И., Эшматов Ғ.Э. (ҚарДУ)

Таянч нушунчалар: кураш техникаси, мусобақа беллашуви, ҳаракат тавсифлари, мусобақа фаолияти, спорт такомиллашуви, ахборот коммуникацияси.

Ҳозирги даврда, жадал ривожланиш асрида, республикамизда ахборот технологияларини ривожлантириш ва компьютерлаштиришга Президентимиз жуда катта эътибор бермоқда. Бунинг яққол исботи сифатида Президентимизнинг 2002 йилдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникацияси

нинг кўпи пассивдир: ҳашаматли уй-жойлар, тўй-ҳашамлар, қимматбаҳо буюмлар ва ш.к. (экстенсив).

Маҳалла модели (кўшимча молиялаштириш). Маҳаллада тежамкорлик, инноваторлик, тадбиркорлик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришда рақобатбардошлик муҳитини яратиш, интеллектуал салоҳиятли соғлом болаларни яратиш, тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш, маҳалла худудидаги барча муассасалар сифатини текшириш фаол ҳаракатдир (интенсив).

Асосан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллада исрофгарчиликларга йўл қўйиш, маҳалла аҳлининг вақтини бекор ўтказиш пассивдир (экстенсив).

Иқтисод модели (имтиёз ва кредитлар)да кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик ижодий ва интеллектуал қобилиятни рўёбга чиқаришда, илғор илм-фан ғояларига асосланиб ер, сув ва бошқа моддий ресурсларни тежашга ҳисса қўшади. Малакали кадрларни тайёрлашда таълимга қўмаклашади ва актив ҳисобланади (интенсив иқтисод).

Оддий ишчи кучига таяниб, табиий ва моддий ресурсларни исроф қилиш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини пасайтириш (экологиянинг бузилиши, интеллектуал қобилиятнинг қўллаб-қувватланмаслиги, экспортда хомашё улушининг катта бўлиши) пассив ҳисобланади. Мазкур ўзбек моделларидаги харажатлар самарадорлигига назар ташлайлик (экстенсив иқтисод).

Ўзбек таракқиётининг ушбу 5 та модели ўзаро чамбарчас боғлиқдир ва уларнинг бир-бирига таъсирида келиб чиқадиган самараларга эътибор қаратайлик.

Дастлаб, ушбу боғлиқликдаги соғлиқни сақлашнинг таълим ва илм-фанга таъсирини кўрадиган бўлсак, бунда илм-фан ва инновациялар кўпаяди; таълимнинг сифати ҳамда IQ – билим қабул қилиш, янги билим яратиш ва инновация яратиш коэффициентлари ошади; организм резервининг кўпайиши вақти даволанишга эмас, балки ўқиш ва инновациялар яратишга сарфлаш имконини беради; Синтия Грини супер тренинги орқали (тўғри овқатланиш, махсус физкультура, массаж ва ўйинлар) мия қобилиятини 28-78 % га оширилади; болалар қобилиятини қайси соҳадалигини аниқлаш ва ривожлантириш тавсиялари ишлаб чиқилади; Сингапур давлатидагидек интеллектуал оилаларни ташкил этиш ва иқтидорли, ақлли болаларни ўстириш концепцияси қўлланилади; оила харажатларини мия қобилиятини ўстириш мақсадларига йўналтириш бўйича тавсиялар берилди; асаб бузилишлар ва психологик муҳит таълимда яхшиланади; соғлом мия соғлом танани бошқаради нақлига амал қилинади; одамларнинг биоритмини, илҳом келадиган вақтлари ҳар бир бола учун аниқланади ва кун тартиби тузилади.

Соғлиқни сақлашнинг оила ва маҳаллага таъсирини кўради-

ган бўлсак, одам организмнинг тежамкорлиги оила тежам-корлигига олиб келади; ортган даромадларни мияга, оила интеллектуал қобилиятига сарфлашга имконият яратилади; ҳар фарзанд кўришдан олдин 10 дан ортиқ тиббий кўрикдан ўтилса, миллатни ва оиланинг зурриёти ва генофонди, насли яхшиланади, тадбиркорлик ўсади; оилада касалманд болалар камайса, асаб бузилишлар камайиб, саломатлик резерви ошади; обод турмушни шифокорлар ҳар бир одамга ўзига хос ва ўзига мос қилишлари керак бўлади; организм резерви кўпайтирилса, дори-дармон учун харажатлар камайиб, соғлиқни сақлаш харажатлари тежалиб, структуравий ўзгаришлар юз беради; оилада соғлом турмуш тарзи, маҳаллада санитар-экологик ҳолат яхшиланади.

Шунингдек, соғлиқни сақлашнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсирида кичик бизнесда меҳнат унумдорлиги ошади; сифатли товар ва хизматлар ишлаб чиқарилади; экспорт салоҳияти ошади; қобилиятли болалар эртароқ тадбиркорликни бошлаб, ўзини-ўзи боқади, шу билан бирга ота-онасига ғамхўрлик қилади; жисмоний ногирон болалар камаяди ва улар миясини ривожлантиришга куч берилса, улар ҳам (Билл Гейтс ва Рузвельтга ўхшаб) жамиятда фойдали одамлар бўлишади; истеъмолни олдин илмий асосда врачлар билан шакллантириб, кейин кичик бизнес (КБ)ни унга мослаштириш зарур бўлади; озиқ-овқат ва дори-дармондаги КБга илмий тиббий асосда талаб ишлаб чиқилади (мазали озиқ-овқатни эмас, балки организмга етишмаган микро-организмларни ўзида мужассамлаштирган маҳсулотлар етиштиришга КБни мослаштириш); экологик тоза озиқ-овқат КБни ривожлантиради; мия ривожланишига алоҳида КБ (озиқ-овқат, дори-дармон, сув, физкультура, ишбилармонлик ўйинлари, тиббий марказлар) йўналтирилади; ноёб медицина асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади; одам организмнинг тежамкорлиги – калориялар тежамкорлиги (камчиқимлилиги) туфайли моддий ресурслар тежалади (1-чизма).



1-чизма. Соғлиқни сақлашнинг таълим ва илм-фан, кичик бизнес, оила ва маҳаллага таъсири (бевосита ва билвосита).

Унинг қаҳрамонлари тўғри фикри, пок муҳаббати, одоб-ахлоқи билан ажралиб туради. Шоир асосий аҳамиятни ўзбек халқ педагогикасининг ёшлар тарбиясида ватанпарварлик, тинчлик, дўстлик, садоқатлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатларни ривожлантиришга қаратади.

Биз таҳлил қилаётган даврнинг таниқли маърифатпарвари Ислом шоир Назар ўғли халқ оғзаки ижодида шу халқнинг ҳаёти, руҳи, орзу-умидлари, инсоний фазилатлари, тарбиялаш услублари, халқ таълим-тарбиясига таянган талабларига асосий эътиборни қаратади.

Ислом шоир Назар ўғли ўзбек халқ шоирларининг йирик вакиллари билан бирдир. У Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан, Абдулла шоир Нурали ўғли каби бахши-шоирларнинг халқ ижодиётини тараннум этувчи энг йирик асарларини бизгача сақлаб, куйлаб келди. Ислом шоир замон меҳнаткашлари, халқ болалар, келажак авлод ҳақида, уларнинг меҳнати, интилиши ҳамда фазилатлари тўғрисида ажойиб қўшиқлар, дostonлар, шеърлар яратди.

Маърифатпарвар аёлларнинг педагогик ғояларида ҳам ўзбек халқ педагогикасининг дурдоналари катта ўрин тутган. Оналарнинг аллалари, болалар тарбиясидаги топишмоқлар, ашулалар, ўйинлар шоиралар ижодида кенг ёритилган. Масалан, шоира Нодира бахтли она бўлган, тақдир унга икки ўғил ато этган. Унинг саройда – шеърят ва санъат кадрланган шароитда тарбияланган ўғиллари ихтиёрсиз равишда адабиётга қизиққан. Шоиранинг катта ўғли Муҳаммадалихон ёшлик йилларидан бошлаб шеърят билан шуғулланган, саройдаги шеърхонлик анжуманларида қатнашган. Кичик ўғли Султон Маҳмудхон маълумотли давлат арбоби бўлиб етишган. Нодира эзгулик ва ёвузлик оламини қарама-қарши қўйган, хонлар ва сарой аъёнлари кифёсида ёвузликнинг ифодасини кўрса, оддий халқ вакилларида эзгуликнинг асосларини кўрган. У ҳаммани иноқликка, тинч-осойишталикка чақирган ва ўзининг ақллилиги, мулоҳаза юритиши, эзгу ишлари билан секин-аста ўша даврда кам учрайдиган оқила – Нодираи даврон сифатида танилган ва халқнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган.

Фозилбекнинг “Мукамал тарихи Фарғона” номли асарида Моҳларойим катта қабристон ёнига “Чолпоя” ва темирчилик растаси қаторига “Моҳларойим” мадрасаларини қурдиргани ёзилган, шунингдек, етимхона ва мусофирхона барпо этгани, мадрасада талабалар бепул ўқитилгани, уларнинг кийимлар билан таъминлангани, мадраса тоқчаларида китоблар ва қўлёзмалар тўплангани айtilган.

Мутрибнинг ёзишича, Нодиранинг ташаббуси билан энг машҳур тарихий асарларни ҳамда Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Абдуқодир Бедил, Заҳириддин Бобур ва уларнинг замондошларидан қолган абадий ёдгорликларни, яъни девонларни кўчириш

нинг тутилиши ва ҳоказоларни илмий нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилган. Маҳмудхўжа Бехбудий халқни маърифатли қилишдек хайрли ишга бутун вужуди билан берилган. Натижада у 1919 йилда Туркистон бўйлаб сафарга чиққанида уни Шаҳрисабзда Бухоро амирининг амалдорлари қамокқа оладилар ва жаҳидликда айблаб, большевикларнинг жосуси деб қаттиқ азоблайдилар.

Маҳмудхўжа Бехбудий амирнинг буйруғи билан қатл қилинади. У ўлими олдидан ёзган васиятномасида шундай деган: “Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шунини қилганимизни ҳис этиш билан фахрланганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз. Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади”.

Маърифатпарвар-педагог Абдулла Авлоний меҳнаткаш халққа ёрдамлашиш мақсадида 1908 йилда камбағалларнинг болалари учун мактаб очади ва унда она тилини таълимнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда ўқитади. Унинг халқ маорифи соҳасидаги ишлари ёзувчи ва шоир, режиссёр-сахналаштирувчи ҳамда театрдаги истеъдодли ёшларнинг тарбиячиси сифатидаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Авлонийнинг 1913 йилда ўз уйида ташкил этган халқ театри катта муваффақиятларга эришган. Маърифатпарвар театр ишларида, педагогик ижодида ўзбек халқ эртаклари, достонлари, мақол ва маталларидан кенг фойдаланган.

Авлоний 1917 йилда “Турон” газетасини чиқара бошлаган, унинг саҳифаларида халқ мактаблари очиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва дарсликлар нашр этиш масалаларига бағишланган мақолалар эълон қилган. Айниқса, ўзбек қизларини ўқитиш ва тарбиялаш, улар учун мактаблар очиш масалаларига алоҳида эътибор берган. Ўша йилларда Авлоний “Адабиёт” дарслигининг 1-17-китобларини, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони”, “Мардикорлар ашуласи” каби асарларини ўзбек халқ педагогикаси тажрибасига суянган ҳолда ёзган ҳамда нашр эттирган.

Аҳмаджон Табибий Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Соний маслаҳати билан “Мунис ул-ушшоқ” номли девонида шундай деб ёзади: “Бу фақир қўлида жам бўлган китобнинг сони беш девондир. Аларнинг учтаси туркий ва иккитаси форсийдир. Биринчисини адолатли шоҳга ҳадя этиш сабабидан “Тухфат ус-Султон” деб атадим. Иккинчи девонга ошиқлар унсияти сабабидан “Мунис ул-ушшоқ” номи берилди. Учтинчисига фақат ишқ ҳолатларидан гапирилган ваҳидан “Миръот ус-ишқ” деб ном қўйдим. Тўртинчи девонга ошиқлар ўқиб ҳайрон бўладилар деб “Ҳайрат ул-ошиқин” деб ном берилди. Бешинчиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгани сабабидан “Мазҳар ул-иштиёқ” деб аталади. Табибий шеърлятида ғазал, рубоий, мухаммас ва ҳоказо жанрларидан кенг фойдаланган.

Кўпинча билвосита боғлиқликлар (алоқалар) бевосита боғлиқликлардан кучлироқ бўлиши мумкин. Масалан соғлиқни сақлаш интеллектуал қобилиятни Синтия Грин (АҚШ) методини ишлатиб 28 % - 78 % га кўтарса ва уни ишлата билиб, кичик бизнесда ҳам 28 % меҳнат унумдорлигини ошира олса, бу оила даромадини ҳам оширар эди. Лекин соғлиқни сақлаш, илм-фан ва таълимда интеллектуал қобилиятни 28 % - 78 % га ошира олса, кичик бизнес илғор илм-фан ва инновацияларга ва рақобатдошликка асосланиб (И.А.Каримов), юқори технологик янги товарлар ишлаб чиқариб (сифатли ва тежамкор), унинг экспортдан 5-6 баробар кўпроқ фойда ва даромад топиб, оила турмушини обод қилиши мумкин.

Худди шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таълим ва илм-фанга таъсири ўқув стандартларини тасдиқлайди; истеъмолчи: таълим сифатини талаб қилади; ГЭК, рецензия, жорий этиш акти сифатини; билимига қараб ишга жойлайди; билимли ёш мутахассислар карьерасини ўстириб, муносиб иш ҳақи тўлайди, кўшимча моддий ва маънавий рағбатлантиради ва ўқув юртида тарғибот ва ҳомийлик қилади; ҳар хил танловлар, конкурслар ўтказиб, 1-курсдан бошлаб ишлаб чиқаришга керак илмий мавзуларни қобилиятли талабаларга бериб, уларга ўздан илмий раҳбар тайинлаб, битирув курсида инновацияга айлантиришга ҳаракат қилади; илмий ишлар ва мавзуларга грантлар ажратиб, талаба ва ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиради (2-чизма).



2-чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг оила ва маҳаллага, таълим ва илм-фанга, соғлиқни сақлашга таъсири.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг соғлиқни сақлашга таъсирида интеллектуал қобилият ошса, тадбиркор ўз саломатлигига ҳам яхшироқ қарайди, чунки даромади ошади; бизнес яхши юришса, стресс (асаб бузилишлар) камроқ бўлади ва саломатлик яхши бўлади; кичик бизнеснинг сифати ошса, товар ва хизматлар сифати ошади (асосан, озиқ-овқат ва дори-дармондаги кичик бизнеснинг сифати); кичик бизнесдан даромад ошса, товар ва хизматларга талаб ошади ва соғлиқни сақлашга харажатлар хусусий

даромадлардан тўланади; кичик бизнес соғлиқни сақлашга ҳомийлик қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг оилага таъсири: болалар ёшлиқдан тадбиркорликни ўрганадилар; рақобатда интеллектуал қобилият рўёбга чиқади ва ошади; оила даромади ошса, сифатли таълим ва соғлиқни сақлашга эҳтиёж ошади; даромад ошса, истеъмол қобилияти ва маданияти ҳам ошади; оила тажрибаси ошади; оилада асаб бузилишлар, касалликлар камаяди; касалхоналарда ва поликлиникаларда вақт ўтказишлар камаяди; оилавий тадбиркорлик кўп болали оила бошлиқларини порахўрлик ва ҳуқуқбузарликдан сақлайди (2-чизма).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳаллага таъсири: тадбиркор оилалар кўпайса, маҳаллада ҳуқуқбузарлик камаяди; ижтимоий инфраструктура яхшиланади; кам таъминланган, муҳтож оилалар камаяди; маҳалла бошқа маҳаллаларга намуна бўлади; ўз-ўзини бошқарадиган фуқаролик жамияти шаклланади; маҳаллада санитар-экологик ҳолат яхшиланади (2-чизма).

Энди, таълим ва илм-фаннинг соғлиқни сақлашга таъсирини кўрадиган бўлсак, юқори технологик медицина техникаси кўпаяди; соғлиқни сақлаш масалаларига илмий асосда ёндашиш йўлга қўйилади; талабаларда соғлом турмуш тарзини юритиш маданияти шаклланади; мияни ривожлантиришнинг янги тизимлари жорий этилади; соғлиқни сақлаш тизимида инновациялар кириб келади; илмий асосда овқатланиш одатига мактабдан ўргатса бўлади; рақобатбардошлик ва глобализация; “Етти ўлчаб бир кесиш” ўрнига етти марта ўлчаб, еттита камчиликни топиб, ҳар бир камчиликнинг етти хил вариантини ишлаб чиқиб, оптималини жорий этиш методини ўқитиш (3-чизма).

“Кадры решают всё” деган КПССнинг шиори бор эди. Шу шиорни қўлаб, интеллекти паст, қариб қолган раҳбар қилиб АҚШга етиб олай деган Совет Иттифоқини барбод қилишди.

И.А.Каримов айтганларидек, “Янгича ўйлайдиган ижодий ва “Янги интеллектуал қобилияти юқори” кадрлар ҳам шу нарсани юқори даражада ҳал этишади.

Таълим ва илм-фаннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсирида юқори технологик, интеллектуал салоҳиятли товарлар кўпаяди; илм-фанга ва технологияларга асосланган КБ (глобализация); илм-фани инновацияларга (венчур бизнеси) айлантирадиган КБ; илмий ғоялар яратадиган КБ (НИР ва ОБ); таълимга лаборатория асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган КБ; малакали кадрлар тайёрлаб берилади; коллеж-бакалавр-магистр-докторант-профессор узлуксиз илмий мавзуларни ишлаб, инновацияга айлантириб, КБ очади ва янги иш жойларини яратади; ўрта табақали мулкдорлар синфи шаклланади. “Биз қилиб бердик” моделдан, “Биз ўргатамиз, лекин ўзинг обод турмушни қурасан” моде-

ХІХ аср охири ва ХХ аср бошларида яшаган маърифатпарвар Муқимий Қўқон, шунингдек, қўшни шаҳарларга, қишлоқларга саёҳат қилган пайтларида ҳаётни синчиклаб кузатган, унинг йўлларини чуқур ўрганган. Ноҳақликларни кўриб изтиробга тушган ва уларга қарши кураш учун ўзининг бутун шоирлик истеъдодини ишга солган. У ўз асарларида, асосан, шеъриятнинг маснавий шаклидан кенг фойдаланган. Бинобарин, маснавий шакли қадимдан шеърий дostonларда, дўстона ёзишмаларда қўлланиб келинган. Меҳнаткашлар муҳитида ўсиб-улғайган, юксак ахлоқий идеаллар руҳида тарбияланган, шарқ шеърияти мумтозларининг йўлини тутган Муқимий ёлғончиликка, иккиюзламачиликка доимо мурасасиз бўлган.

Муқимий ижодининг айрим тадқиқотларини таҳлил қилиб, унинг “От” ёки “Арава” сингари шеърларида қирчанғи ва қайсар ҳайвонлар тимсоли ёки алмисоқдан қолган шалдирок арава тимсоли орқали жонажон ўлкадаги билимсизлик ва мутаассиблик, ниҳоят даражада ижтимоий-маданий қолоқлик ифодаланган, дейиш мумкин.

Маърифатпарварларимиздан яна бири Фурқат ўз асарларида халқнинг фикр ва туйғуларини акс эттирди. Фурқат 90-йилларда Туркистон ва Кавказ орқали Туркия, Болгария, Греция, сўнгра Арабистон ва Ҳиндистонга узок сафар қилган. Фурқат ўзининг турмуш тарзи, бойлиги, муҳити бўйича бошпанасиз қашшоқ Муқимийга нисбатан анча юқори ижтимоий поғонада турган. Лекин шунга қарамай чинакам дўстлик ва дунёқарашларининг яқинлиги уларни бирлаштирган, ҳаётини шароитлар, халқ ҳаётини намуналар, халқ оғзаки ижоди Фурқатга, аввало, кўпроқ нарсаларни кўриш ва атрофдаги воқеаларни англаш, шу билан бирга уларни шоирнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи у ёки бу даражада тақозо этган нуқтаи назардан кузатиш имконини яратди.

Таълим-тарбия соҳасининг фидойиси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳар бир муаллимни иқтидорига қараб дарсларга тайинлаш керак, деб ўз даври учун ғоят янги фикрни билдирган. Яъни ҳозиргидек ўқитувчиларни математика, адабиёт, тарих каби ҳар хил фанларга ихтисослашувидан иборат Туркистондаги мактаб ва мадрасаларга хос бўлмаган таклифни ўртага ташлаган. У тобора саводсизлашиб бораётган халқ орасида зиё нурларини тарқатишга ҳаракат қилган, ватандошларини, хусусан, ёшларни илму маърифатни эгаллашга чақирган, аёлларнинг илм олиш ҳуқуқини ёқлаган, одамларни ўқиш-ўрганишга кизиқтиришнинг оддий усулларини излаган.

Маҳмудхўжа Бехбудий “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор”, “Самарқанд” газеталарида, “Шўро” ва “Ойна” журналларида босилган мақолаларида янги усул мактаблари очиш, уларда болаларга дунёвий фанларни ўргатиш ғояларини олға сурар экан, табиат ҳодисаларини, ернинг юмалоклиги, ўз ўқи атрофида айланиши ва муаллақ туришини, ой ва кун-

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 176.
2. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО ваколатхонаси нашри. Нашр учун масъуллар А.Саидов, К.Жўраев. – Тошкент, 1999.
3. Асмолов А.Г. Историческая культура и педагогика толерантности // Мемориал, 2001. - № 24. – Б. 28-30.

РЕЗЮМЕ

Маколада ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг моҳияти, вазифалари ва айрим шакл ҳамда методлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются сущность, задачи, а также некоторые формы и методы воспитания толерантности у молодёжи.

SUMMARY

The methods and peculiarities for developing ideology of tolerance in youth was given in this article.

ТУРКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ АНЪАНАЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

Назаров А.А. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: маърифатпарвар, одобнома, мутаассиблик, қолақлик, усул, шеърхонлик, эътиқод, этимхона, мусофирхона.

Таълим-тарбия ишларини олиб боришда, тарбиявий жараёнда халқ педагогикасининг дурдоналари бўлган шоҳ асарлардан, уларда тасвирланган, илгари сурилган илғор, миллий ғоялардан фойдаланиш, улардан ёшларни баҳраманд қилиш, тарбияланувчилар онгига ахлоқий мавзулардаги фикрларни сингдириш, Шарқ мутафаккирлари, Туркистон маърифатпарварлари асарларидаги педагогик ғояларни ўргатиш, таълим жараёнида улардан фойдаланиш, ижодий фикрлашни, ўзликни англашни, эътиқодга содиқликни, Ватанга муҳаббат, миллат фаровонлиги йўлида қайғуришни, давлатни юксалтириш соҳасида жонкуярликни, барча гўзал инсоний фазилатларни мужассамлаштириш йўлида қўйилган юксак қадам бўлади. Чунки халқ педагогикаси ва манбалари бўлган халқ донолиги намуналари асрлар оша бизни эзгуликка, инсонийликка етаклайди.

Шундай қилиб, халқ педагогикаси ота-боболаримиз узоқ мозийда яратган ва кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, сақлаб келган ота мерос, Шарқ халқларининг бой ва бетакрор одобномаси, халқ таълим-тарбиясидаги энг яхши намуналар, буюк алломалар яратган асарлари билан қўшилган ҳолда шаклланганлиги, ривожланганлиги ва бойиб борганлигини ўрганиш, таҳлил қилиб, эътироф этиб бориш бирдан бир тўғри йўлдир.

лига ўтилади; маънавиятни юксалтиради; фуқаролик жамиятини ривожлантиради; миллий ғояни ишлаб чиқади ва тарғибот қилади; кичик бизнесдан йирик трансмиллий компаниялар яратади; болалар таълимда банд бўлади, айниқса олий таълимда пуллик ўқиш орқали барча ишсиз болаларни камраб олиш; янги ўқув масканлари қуриш, КБ сонини орттириб, ишсизлар сони камаяди (3-чизма).

Таълим ва илм-фаннинг маҳаллага таъсирида оила маънавияти юксалади; маҳаллада ҳуқуқ ва тартибузарлик камайиб, тинчлик-тотувлик ҳукм суради; таълим олишда банд бўлган болалар ишсиз ҳисобланмайди (мамлакатда ишсизлик камаяди); таълим олиш билан шуғулланадиган болаларда террористик амалларга мойиллик кам бўлади. Хорижга иш излаб кетиб, “гастербайтерлик” қилиш барҳам топади; таълим тизимида ўқишдан ҳайдаш ёндашувини йилни қайтадан ўқиш билан алмаштириш (ҳайдалиши керак бўлган талабалар учун контракт тўловини йилдан йилга ошириб бориш) орқали болаларни ишсизлик, гастербайтерлик ва бузғунчи оқимларга кириб қолишдан сақлаш; ўқитувчи-устозларнинг ҳам иш билан бандлиги ошиб, тажрибали донишманд устозлар ишсизлар (бекорчилар) сони кўпайишининг олдини олиши; тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар кўпаяди; юқори интеллектуал салоҳиятга эга инноватор оилалар сони ортади; оилавий бюджет харажатлари мияни ўстиришга қаратилиб, кундалик турмушда тежамкорлик жорий этилади; оила ва маҳаллада сифатли товар ва хизматларга бўлган талабнинг ортиши (ҳисобига) таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари ва кичик бизнесга катта ижобий таъсир кўрсатади (3-чизма).




3-чизма. Таълим ва илм-фаннинг соғлиқни сақлаш, кичик бизнес, оила ва маҳаллага таъсири.

Оила ва маҳалланинг соғлиқни сақлашга таъсирида етти авлодда иқтидорли болаларнинг туғилиши; болалар сони эмас, балки уларнинг сифатини юксалтириш; ҳар кунлик овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш; етти авлодда бўлган наслик касалликларни оиланинг ўзи аниқлаб, шифокорлар ёрдамида тузатиш ва кейинги авлодларни ушбу касалликларга чалинишдан сақ-

лаш; соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини кўтаришга ёрдам бериш; маҳалла ва оилада санитар ва экологик муҳитни яхшилаш; дори-дармонлар сифатини текширишга ёрдам бериш; қайси дорилар ҳар бир оила аъзолари соғлиғи (айниқса мияси)га қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш ва ёзиб бориш (4-чизма).

Оила ва маҳалланинг КБ ва ХТ га таъсири оила жамият ва иқтисоднинг асосий бўғинидир; оила истеъмол манбаи сифатида бозор структурасини шакллантиради; янги товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш эҳтиёжи (зарурати)ни яратади; боланинг янги интеллектуал қобилияти 30-35 % эмас, балки 50-60 % наслига боғлиқлиги туфайли шаклланади (7-10 авлоддан мерос бўлиб қолади); оилавий касб-кор, маданият, маънавият, урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда боланинг касбий таълими бошланиб ривожланади; бола дастлабки маслаҳат ва ўғитларни олади; оилада тадбиркорлик муҳити яратилади; келажакда серталаб бўладиган мутахассисликлар (АКТ ва техника)га 15-20 йил аввал қизиқтириш ва ўргатиш; ота-оналар болаларини ёшлигидан иқтисодчи (кўпроқ банкир), юрист бўлишга қизиқтиришади; ҳозирда Ўзбекистон учун техникавий янгиланиш ва модернизация муҳимдир. Боланинг психологияси, қобилият ва орзу-умидларига путур етади ва умри зое кетади; хусусий мулкни сақлаб кўпайтириш ва хусусий мулкдорлар синфига қўшилиш; оила ва маҳалла амалдаги қонунлар доирасида товар ва хизматлар сифатини оширишни талаб этиши экспорт ҳажмининг ортисига ва обод турмуш қуришга хизмат қилади (4-чизма).

Оила ва маҳалланинг таълим ва илм-фанга таъсирида илм-фан ва инновацияларга бўлган қизиқиш боланинг етти авлоди узра шаклланади; оилада билим, инноваторлик ва тадбиркорлик муҳити яратилади; оила уч жиҳатдан болага устозлик вазифасини бажаради: ақлли ва соғлом бола яратади; ўзида бор таълим-тарбия, тажриба ва билимларни болага етказади; йўқларини эса бошқалардан талаб қилиб олиб, болага беради; касбга тўғри йўллайди; таълимнинг сифатини (инноваторликни, обод турмушга боғлашни) талаб қилади. Хориждаги янги билимларга қизиқтиради; хорижий тилларни ўрганишга ёшлиқдан ундайди (4-чизма).



4-чизма. Оила ва маҳалланинг таълим ва илм-фан, соғлиқни сақлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка таъсири.

диний ташкилотлар тўғрисида”ги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги Қонунларида ва бошқа ҳужжатларда белгилаб берилган.

Толерантлик миллий истиқлол ғоясининг муҳим таркибий қисми саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги фармони асосида “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг республика таълим тизимига жорий этилиши толерантлик тарбиясининг мазмун-моҳиятини кенгайтди ва бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш, самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Толерантликни шакллантириш ёшларда инсонпарварлик, ғамхўрлик, чидам, бардош, эътибор, ҳурмат, тинчликсеварлик, тенгҳуқуқликлик, кенг дунёқараш, бағрикенглик, урф-одатлар ва динлар тарихини билиш ва ҳурматлаш, кечиримли бўлиш, бузғунчи ғояларга қарши курашиш каби бир қанча ҳис-туйғулар ва хусусиятларни тарбиялашни назарда тутди [1].

Толерантлик ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий, диний, маънавий-маърифий билимлар мажмуаси орқали сингдирилади. Шу боис олий таълим тизимида ўтиладиган ижтимоий-гуманитар, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фанлардан ўтиладиган ўқув дарс соатлари бу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга [2]. Таълим жараёнида ўзаро баҳслар, мунозаралар, танловлар, тренинглари, интерфаол усулларни қўллаш бу соҳада яхши самара беради. Толерантлик принципларига бағишланган махсус дарс соатлари, суҳбатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса олий таълим тизимидаги дарсдан ташқари таълимий-тарбиявий ишлар бу соҳада кенг имкониятларга эга. Толерантликни шакллантириш мақсадида факультатив курслар, қизиқишлар бўйича тўғараклар, клублар ташкил этиш, давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоб турнирлари, “Биз толерант тафаккури тарафдорларимиз” мавзусида кеча, конференциялар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар йили 16 ноябрь – “Толерантлик куни”ни яхши тайёргарлик кўрган ҳолда нишонлаш, бу тадбирларга барча талабаларни жалб этишга эришиш, толерантлик принципларини билган энг яхши талаба учун танловлар ташкил этиш зарур.

Шуни таъкидлаш зарурки, толерантликни шакллантириш ёшларда бу соҳада назарий билимни ҳосил қилиш билан бир қаторда уларни амалда қўллаш олиш қобилиятини ҳам ривожлантириб боришни талаб этади. Ёшларнинг толерантлик соҳасидаги билим, кўникма, малакаларини, ҳаётий тажрибаларини сарҳисоб қилиб бориш чора-тадбирларини белгилаб олиш ўқитувчи-мурабийларнинг муҳим вазифасидир.

ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ

Примов Т. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: толерантлик, тоқат, сабр, бағрикенглик, толерантлик тафаккури, миллий истиқлол гоёси.

Толерантлик сўзи луғатларда “тоқат”, “сабр”, “сабрли бўлиш”, “бағрикенглик” каби маъноларда қўлланиши қайд этилади. Аниқроқ қилиб айтганда, толерантлик кенг маънода маълум бир тоифа ёки гуруҳнинг бошқа бир тоифа ёки гуруҳнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, қонун-қоидаларига бўлган хурматни англатади. Толерантлик тушунчаси инсонларнинг турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий муносабатларини уларнинг миллати, ирки, дини, эътиқодига қарамасдан мувозанатда сақлаш меъёрларини билдиради.

Толерантлик бутун дунёда долзарб ходиса ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, толерантликни замонавий тушуниш, англаш жараёнлари ХХ асрнинг сўнгги чорагидан бошланган эди. 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО ташкилотининг 28-сессиясида дунёнинг 185 давлати иштирокида “Толерантлик тамойиллари” Декларацияси имзоланган эди. Унга кўра толерантлик эркинлик ҳуқуқи сифатида баҳоланди. 16 ноябрь БМТ томонидан дунё миқёсида толерантлик куни сифатида эълон қилинди. Толерантлик инсонлар ўртасида турли фарқларга нисбатан ўзаро хурмат ва сабр-бардошли муносабат сифатида талқин қилинади. Эндиликда бу тушунча маънавий, мафкуравий, маданий ва гуманитар бағрикенглик принципларини ҳам қамраб олади.

Толерантлик ижтимоий тараққиётнинг, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаётган диёримизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилдир. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, толерантлик тушунчаси билан боғлиқ ҳолатлар сиёсат-шунослик, диншунослик, тарих, педагогика, психология, социология каби фанлар таркибида ўрганила бошланди. Ёшларда толерантлик тафаккурини тарбиялаш мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ёшларда толерантлик хусусиятларини тарбиялаш каби муаммолар педагогик тадқиқотлар таркибидан ҳам кенг ўрин ола бошлади.

Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш вазифалари ва ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва

Қайси жисмоний тарбия машғулоти, массаж, ишбилармонлик ўйинлари ва озуқа IQ нинг ўсишига ва саломатликка қандай таъсир қилишини ўрганиш Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида шундай тарихий сўзлар ёзилган: “Фан самарадорлигини сифат жиҳатдан оширишга куруқ даъватлар билангина эришиш мумкин эмас. Илмий кадрларга муносабатни ҳам тубдан ўзгартириш, уларнинг ижтимоий мақомини қатъиян ошириш, чуқур структура ўзгаришлари қилиш зарур. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси фан учун ҳеч нарса аямаётган мамлакат гуллаб-яшнаётганлигини ва бундай давлат ҳамма яхши нарсаларни – одамларнинг куч-ғайратини ҳам, моддий техника ресурсларини ҳам ўзида жамлаётганлигини яққол кўрсатмоқда. Фанни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг профессионал билимдонлиги даражасини ошириш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратиш илмий жараённи жадаллаштиришнинг асосий омилдир” [4].

Бу билимга асосланган иқтисодиёт моделидир.

Дэниэл Ж.Аменни (АҚШ) “Миянгни ўзгартир – тананг ҳам ўзгаради” китобида: “Бош мия – бу тананинг буйруқ марказидир. Агар сиз танангизнинг ўзгаришини истасангиз, у ҳолда ҳамма вақт миядан бошлаш даркор. Мия функциясини яхшилаш билан тана ҳолатини ва бутун ҳаётни яхшилашга эришилади” деган.

Мияга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар: мия саломатлигига совуққонлик билан муносабат; миянинг ёмон озуқаланиши; алкоголь ва наркотикларни истеъмол қилиш; чекиш; мия шикастланиши; тананинг намсизланиши (чанқаши); руҳий зарбаланиш.

Мия фаолиятига ёрдам берадиган омиллар: поливитаминлар; балиқ ёғи ва йод; мия учун соғлом озиқланиш; янги билимлар; тоза табиат ва сув; нафас олиш машғулоти; жисмоний фаоллик; мия учун махсус машқлар.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, одам шифокори учун мияни ривожлантириш устувор бўлиши керак, яъни тўғри овқатланиш керак. Мия сифатли озуқаланиши учун мевалар, сабзавотлар, ёнғоқлар, витамин ва зайтун ёғи, минераллар керакдир, балиқ мойи эса ҳар кунлик зарурдир.

И.А.Каримовнинг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номли маърузасида: “Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йў-

налтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди” [5], дея таъкидлайди.

Мия учун энг фойдали маҳсулотларга хом данак, олма, банан, болгар қалампери, лавлаги, сабзи, карам, олча, терисиз жўжа, тухум, киви, сельд балиғи, лимон, чечевица, арпа, апельсин, шафтоли, нўхат, олхўри, анор, кизил узум, шпинат, ежевика, кўк чой, помидор, грек ёнғоғи ва сув киради. Тананинг 70 % и ва миянинг эса 80-90 % и сувдан иборатлигини инобатга олсак, етарли микдорда сувни истеъмол қилиш – тўғри овқатланишнинг калитидир.

Фарзандларимизнинг саломатлиги ва интеллектуал қобилиятлари ривожланса, улар бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлиб, обод турмушни ўзлари яратадилар.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17 йил-лигига бағишланган йиғилишдаги маърузаси / Халқ сўзи, 2009 йил 5 декабрь.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.
3. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ / Ўзбекистон овози, 2012, 18 февраль.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ / Халқ сўзи. 2014, 14-сентябрь.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 284 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш омиллари Республикаимиз Президенти И.А.Каримов томонидан олға сурилган Ўзбек моделининг 5 та тамойили асосида ёритиб берилган. Билимли ва интеллектуал авлодни тарбиялаш мамлакатимиз зиёлилари олдида турган долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены факторы развития интеллектуальной способности молодежи на основе 5 тенденций узбекской модели, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым. Утверждается также, что воспитание образованной и интеллектуально развитой молодежи является актуальной проблемой, стоящей перед нынешней интеллигенцией.

SUMMARY

This article throws light upon developing factors of intellectual abilities of youth according to 5 tendencies of Uzbek module promoted by the President of Uzbekistan Republic I.A.Karimov. It is confirmed that to bring up intellectual and educated generation is urgent task today.

- изводства по зонам и районам Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1966. – 390 с.
6. Носонов А.М. Территориальные системы сельского хозяйства (экономико – географические аспекты исследования). – М.: Янус-К, 2001. – 324 с.
 7. Ракитников А.Н. География сельского хозяйства. – М.: Мысль, 1970. – 342 с.
 8. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Тошкент: Камалак, 2013. – 184 б.
 9. Recensement general de l'agriculture de 1955. caracteristiques generales des exploitations. II. Premiers resultants par region agricole. Paris, 1959 (Institut national de la statistique et des etudes economiques).

РЕЗЮМЕ

Районлаштириш муаммолари ҳар қандай географик тадқиқотнинг методологик асоси ҳисобланади. Шу жиҳатдан агрогеографик районлаштириш қишлоқ хўжалиги ҳудудий таркиби ва ихтисослашувидир. Ушбу мақола қишлоқ хўжалигини районлаштиришнинг методлари ва босқичлари таҳлилига бағишланган. Шунингдек, унда географик конвейерни ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

Проблемы районирования являются важной методологической основой географических исследований. Агрогеографическое районирование выступает наиболее важной и традиционной формой территориальной структуры и специализации сельского хозяйства. Данная статья посвящена краткому анализу методики и этапов сельскохозяйственного районирования. Наряду с этим в работе рассматриваются некоторые вопросы формирования географического конвейера.

SUMMARY

Problems of division into districts are an important methodological basis of geographical researches. In this plan agrogeographical zoning acts as the most important and traditional form of territorial structure and agriculture specialization. This article is devoted to the short analysis of a technique and stages of agricultural division into districts. Also some questions of formation of the geographical conveyor are investigated.

хўжалиги корхоналари доирасида, мезоконвейерлар – бир неча маъмурий районларни қамраб олган ҳудудлар, макроконвейерлар – икки ва ундан ортиқ табиат зоналари таъсир кўрсатган жойларга ажратиш мумкин. Тармоқ нуқтаи назардан гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштирадиган чорвачилик ва паррандачилик ҳамда пахта, ғалла, мева ва сабзавот экинларини етиштирадиган деҳқончилик конвейерларига ажратиш мумкин.

Маълумки, республика қишлоқ хўжалиги таркиби ва асосий йўналишлари ҳудудларда горизонтал (жанубдан шимолга қараб) ва вертикал (текислик, тоғолди ва тоғлар) бўйича фарқ қилади. Агар ҳудудлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экин турлари ва чорва моллари зотларининг агробиологик хусусиятлари бўйича жойлаштирилса, конвейер тарзида маҳсулот олиш имкони туғилади. Яъни аҳоли талабини тўлиқ экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан йил давомида узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳудудларнинг ўзига хос табиий-иқлим шароити, тарихан таркиб топган ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, ишлаб чиқариш йўналиши ва анъаналарига қараб иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ривожланади ва ҳудудий ташкил этилади. Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан, табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ва тармоқлар таркибининг нафақат ҳудудларда, балки хўжаликлар даражасида яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, ҳосилдорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги районларини ажратиш талаб этилади. Бу вазибаларни муваффақиятли ҳал қилиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсив ривожланишига сабаб бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган фикр ва йўналишлар Ўзбекистон янги ўзлаштирилган ерларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ихтисослаштириш ва ҳудудий ташкил этишининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, агрогеографик районлаштириш ишларини олиб бориш, ўзига хос хусусиятлар ва муаммоларни аниқлаш, келажакда уларни бартараф қилиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқишга назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – 340 б.
2. Иванов К.И. Территориальные системы общественного производства. – М.: Мысль, 1975. – 272 с.
3. Колосовский Н.Н. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2006. – 336 с.
4. Крючков В.Г. Территориальная организация сельского хозяйства. (Проблемы и методы экономико – географического исследования). – М.: Мысль, 1978. – 268 с.
5. Лапкин К.И. Размещение и специализация сельскохозяйственного про-

ФИЛОЛОГИЯ

ПОВТОР КАК ПРИНЦИП ОРГАНИЗАЦИИ ПОЭТИЧЕСКОЙ РЕЧИ В СТИХОТВОРЕНИИ Д.САМОЙЛОВА “РАЗГОВАРИВАЕТ ВЕТЕР”

Курасова Н.В. (КарГУ)

Ключевые слова: повтор, текст, стилистические фигуры речи, поэтический язык, лирическое переживание.

“Художественный текст, - отмечает Ю.М.Лотман, - это текст с повышенными признаками упорядоченности. ...Повтор выступает в тексте как реализация упорядоченности парадигматического плана, упорядоченности по эквивалентности” [1:39]. Определяя парадигматику как ассоциативный план в лингвистическом понимании, парадигматические отношения в естественном языке (как отношения между элементом, реально данным в тексте, и потенциальной множественностью других форм, присутствующих в системе), ученый подчеркивает, что “в поэзии дело обстоит иначе”, в ней “вторичная поэтическая структура, накладываясь на язык, создает более сложное отношение: то или иное стихотворение как факт русского языка представляет собой речевой текст – не систему, а ее частичную реализацию. Однако как поэтическая картина мира она дает систему полностью, выступает уже как язык. Вторичная смысловая парадигма целиком реализуется в тексте. Основным механизмом ее построения является параллелизм” [1:40]. Параллелизм – и как принцип “реализации упорядоченности”, и как одна из стилистических фигур речи, в основе которой лежит повтор.

Повтор как эстетическая категория, таким образом, рассматривается исследователями текста в двух планах: “1) один из основных принципов организации поэтической речи, осуществляемой на всех ее структурных уровнях: фонетическом, лексическом, синтаксическом, ритмическом; 2) понятие, объединяющее значительную часть синтаксических и стилистических фигур...” (выделено автором. – Н.К.) [2:165]. В данных определениях повтор соотносится с принципом организации речи (широкое понимание термина) и стилистическими фигурами (узкое понимание термина). При анализе конкретной поэтической структуры они органично переплетаются, дополняя друг друга.

Повтор как изобразительно-выразительное средство художественной речи глубоко укоренился в мировой поэзии с древнейших времен. Немецкий ученый К.Шмидт подсчитал, что из 28 000 строк “Илиады” и “Одиссеи” 16 000 содержат разные формы и виды повторов (57 % строк). Словенский филолог Ф.Миклошич, исследуя славянский эпос, выделил 8 разрядов повторов (часть из них совпадает с античными). Почти все они существуют и в

книжной поэзии: а) простой повтор, или эпаналепсис; б) повтор предложения (многопредложие); в) палилогия (конкатенация); г) повтор через отрицание противоположного, т.е. через антонимы; д) соединение однородных по содержанию слов, т.е. синонимов; е) повтор на основе отношений род – вид типа “щука – рыба”, “турки – янычары”; ж) повтор целых фрагментов текста (эпический повтор, родственный *Iocī commipes* (общее место); з) повтор этимологически родственных слов (этимологические фигуры) типа “темным – темно” [2:165-166].

Совершенно очевидно, что ученые сходятся во взглядах на обозначенную нами проблему как проблему *поэтического языка (выделено мной. – Н.К.)*, всех его уровней, с одной стороны, с другой, - как на ритмообразующий и смыслообразующий компонент текста. В нашем случае - поэтического.

“Лирическая эмоция, – пишет В.Е.Хализов, - это своего рода сгусток, квинтэссенция душевного опыта человека. ...Лежащее в основе лирического произведения переживание – это своего рода душевное озарение. Оно являет собой результат творческого достраивания и художественного преобразования того, что испытано (или может быть испытано) человеком в реальной жизни” [3:339]. “В лирике (и *только* в ней) (курсив автора. – Н.К.) система художественных средств всецело подчиняется раскрытию цельного движения человеческой души” [3:339].

Обозначив основные теоретические положения, необходимые нам в процессе анализа проблемы, рассмотрим лишь некоторые принципы организации поэтической речи, палитру языковых средств и форм, способствующих постижению человека и мира, человека и природы, личностного “я” в мире, “состояния человеческого сознания”.

Самым, на наш взгляд, самыми распространенными в поэзии являются анафорический и лексический повторы, но очень часто мы находим примеры, когда в одном художественном пространстве текста встречается концентрация их различных видов. У Д.Самойлова:

*Разговаривает ветер
С майской рощей.
Разговаривает роща
С майским солнцем.
Разговаривает солнце
С майской тучей.
Разговаривает туча
С майским небом.
Разговаривает небо
С майской речкой.
Разговаривают небо, солнце, речка,*

учун табиий ва иктисодий шароитлар мавжуд бўлади; б) алохида қишлоқ хўжалик тармоқларини кооперациялаш йўли билан алохида хўжаликнинг якуний маҳсулоти бошқа ишлаб чиқариш циклида фойдаланилмайди [4].

Амалий тажриба кўрсатиб турганидек, бирон ҳудудда – корхоналарни мажмуали тўпланиши асосида, транспорт, хомашё, ёқилғи ресурслари ва инфратузилмадан оқилона фойдаланиш натижасида иктисодий самарадорлик ошади. Олимларнинг ҳисоб-китобида кўра маълум бир ҳудудда корхоналар бир-бирлари билан ишлаб чиқариш ва технологик алоқалар билан боғланган бўлса, яъни ҳудудий мажмуалилик асосида ташкил этилган бўлса, унда умумий харажатлар 1/5 қисмга пасаяди. Шу нуқтаи назардан К.И.Иванов асос солган “географик конвейер” назариясини Ўзбекистонда амалда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Географик конвейерлар натижасида қишлоқ хўжалиги шароити билан мос ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда узлуксизлик таъминланади, технологик цикл турли хил табиий-иктисодий районларда, аввало ундан оқилона фойдаланишни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятида узлуксиз ишлаб чиқаришни татбиқ қилиш, ишлаб чиқариш ва аҳолини сабзавот ва мевалар билан таъминлашда, мавсумийлик ривожланган ерлардан самарали фойдаланишни тақозо этади (Иванов, 1975). Конвейерларнинг биоиклимий асосларини биринчи бор Ф.Ф.Давитая (1962) ишлаб чиққан бўлиб, унда ҳудудларнинг агроиклимий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўсимликларнинг вегетация даврини ҳисобга олиб жойлаштириш масалалари кўриб чиқилган [2].

Қишлоқ хўжалигида географик конвейер 2 турга бўлинади:

1. Турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган районлардан самарали фойдаланадиган ҳудудий ишлаб чиқариш (географик) конвейерлари. Бунда фараз қилинаётган конвейер “лента”си бир районнинг қишлоқ хўжалик маҳсулоти иккинчи бир районга кўшилиши, ҳеч қандай вақтни тўхтатмасдан, маълум бир босқичда такрор ишлаб чиқариш керак.

2. Мавсумийлик ривожланган ерлардан самарали фойдаланиш географик конвейерлари. Бунда, фараз қилинаётган конвейер “лента”си бир ва бир неча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (сабзавот, мева) турли вақтларда етиладиган районлардан ўтади ва ўзига тайёр маҳсулотни олиб истеъмолчи районларга етказиб бериш учун қабул қилади.

Географик конвейерларнинг ҳар иккала тури қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этиш шаклидир. Уларнинг ҳар бири турли хил даражага тўғри келса-да, ўз навбатида минтақавий ва тармоқ хусусиятига қараб ажратилади.

Географик конвейерларни минтақавий хусусиятларига қараб микроконвейерларга – бир ва бир неча ёнма-ён жойлашган қишлоқ

лари миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ўзагини ҳосил қилади. Саноатда бўлганидек, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда ҳам энг асосий омил бозор муносабатлари бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини ҳозирги кунда бозор, нарх-наво белгилайди, аммо бу таъсир қишлоқ хўжалигида маълум вақт ўтгандан сўнг ўз кучини кўрсатади (чунки маҳсулот етиштириш учун анча вақт талаб этилади, саноатда эса бу жараён нисбатан тез кечади).

Бозор иқтисодиёти шароитида инновация таъсирида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва интеграция жараёнларнинг кенгайиши жамият ривожланишининг энг юқори поғоналарига хосдир. Бу жараён энг аввало, жамият ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва умумийлашишида, яъни ихтисослашувнинг чуқурлашиши, концентрациянинг ўсиши, кооперация ва комбинатлаштириш шакллари кенгайишида ўз ифодасини топади. Тармоқлараро ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг (ҲИЧМ) вужудга келиши ва ривожланиши ушбу жараённинг натижаси ҳисобланади [3; 8].

Қишлоқ хўжалиги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ёки тизимлари асосида турли тармоқларнинг ҳудудий уйғунлашуви, масалан, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўзаро жойлашуви, ўз навбатида деҳқончиликнинг ички тармоқлари бир-бирига яқин жойлашуви ётади.

Н.Н.Колосовский томонидан асос солинган “ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалар” ҳамда К.И.Иванов асослаган “географик конвейер” назариялари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу илмий концепциялар асосида ҳар бир ҳудудда ва корхоналар даражасида, энг юқори самара берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини маълум ҳудудда жамлаш, ихтисослаштириш, комбинатлаштириш ва кооперациялаш ғоят муҳим иқтисодий аҳамиятга эга [3].

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ҳудудий жойланишида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари мужассамлашув, ихтисослашув, комбинатлашув, кооперациялашув саноат ва транспортга қараганда ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, мужассамлашувнинг ареалсимонлиги А.Вебернинг “Агломерация самарадорлиги” тизимида ўхшамайди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини бир-бирига яқин жойлаштириш иқтисодий самарадорликни келтириб чиқаради. Комбинатлашув агросаноат мажмуаси ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, бу эса ўз навбатида кооперацияни келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг чуқурлашуви, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий жиҳатдан самарали ташкил қилишдир. Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви турли хил усулларда амалга оширилади: а) ишлаб чиқаришни концентрациялашуви асосида, товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бош тармоқнинг ривожланиши

*Разговаривают тучи, ветры, роици,
Исцеляюсь, зачарован этой речью.
Но догадываюсь: жизнь не станет проще.*

Д.Самойлов – поэт-философ, тончайший лирик, открывший современному читателю уникальный, своеобразный мир природы и человека, “цельного движения человеческой души”. В его творческой практике повтор – не только “неизменный спутник ритмизованной речи”, но и способ организации художественной идеи. В стихотворении сконцентрированы: анафорический и лексический повторы (*Разговаривает... С майской... // Разговаривает... С майской...*), усиленные перечнем явлений природы (*ветер, солнце, роица; роией, солнцем, тучей*); синтаксический повтор, при котором стихотворные строчки – ряды строятся по одной схеме (1 строфа: *Разговаривает ветер // С майской роией*: сказуемое – подлежащее – определение – дополнение; 2 строфа: *Разговаривают небо, солнце, речка, // Разговаривают тучи, ветры, роици*: сказуемое – подлежащее). При этом автор использует обратный порядок слов, упорядоченный синтаксис, выявляющие значимость активного действия явлений природы, где все связано со всем, все взаимозависимо, взаимодополняемо, поэтому:

*Разговаривают небо, солнце, речка,
Разговаривают тучи, ветры, роици...*

Каждая строфа, внутренне организованная по своим ритмико-синтаксическим законам, содержит микротему, тесно переплетающуюся с микротемой следующей строфы, причем вторая строфа по принципу градации усиливает тему первой. Но не только. Вторая строфа дополняется еще одной микротемой, выявляющей мироощущение лирического героя, погруженного во вселенский “говор” природы: *Исцеляюсь, зачарован этой речью*. Однако гармония в природе не обещает гармонии в жизни. Поэтому как философский вывод звучит заключительная строка: *Но догадываюсь: жизнь не станет проще*.

Дисгармоничность природного и житейного мира, сложность их взаимоотношений, взаимопереплетений передается нарушением ритмико-синтаксического строя, введением внутрислоговых пауз, устранением лексической упорядоченности:

*Исцеляюсь, зачарован этой речью.
Но догадываюсь: жизнь не станет проще.*

Таким образом, основным механизмом реализации смысловой парадигмы в стихотворении является повтор и его различные вариации, способствующие раскрытию “цельного движения человеческой души”, созданию поэтической картины мира.

Литература

1. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Л.: Просвещение, 1972. – С. 39-40.
2. Иванюк Б.П. Поэтическая речь: словарь терминов / Б.П.Иванюк. – М.: Флинта: Наука, 2007. – С. 165-166.
3. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999. – 309 с.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается повтор как принцип организации поэтической речи, осуществляемый на всех ее структурных уровнях: фонетическом, лексическом, синтаксическом, ритмическом.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тил бирликларининг шеърий нутқда такрорланиши (тавтология) барча тузилма сатҳларда: фонетик, луғавий, синтактик, ритмик жиҳатларда ифодаланиши таҳлил қилинган.

SUMMARY

This article is enlightens the repetition as a principle of organization poetic speech, carrying out in all the structural levels.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ВА ДАНТЕ

Хўжаев Ф. (ҚарДУ)

Таянч нушунчалар: дантешунослик, таржима, бадиий таржима. мутаржим, аслият, ўзига хос услуб, рамзий тил.

Гениал шоир ва буюк мутафаккир А.Дантенинг “Илоҳий комедия”си яратилганига 700 йил бўлибдики, ўз даврининг бадиий қомуси бўлган бу асарга қизиқиш, уни тадқиқ этиш тобора кучаймоқда. Жаҳон дантешунослигида 400 дан ортиқ монография ёзилганлиги, Данте билан шуғулланадиган махсус академиялар, институтлар мавжудлиги, адибнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишланган 1000 дан зиёд китоб ёзилганлиги илм аҳлига маълум. Поэма Италиянинг ўзида 400 мартадан кўп чоп этилган.

“Илоҳий комедия” каби асарни ҳар бир халқ ўз тилида ўқишни орзу қилади. Аммо бунга ҳамма ҳам муяссар бўлмайди, чунки бу асар бошқа тилга таржима қилиниши мушкул бўлган дostonлар сирасига киради. Асар архитектураник-композицион тузилиши, образларнинг хилма-хиллиги, услубнинг ниҳоятда мукамал ва мураккаблиги учун ҳам шундайдир. Дантешунос О.Мендельштам “Данте ҳақида суҳбат” китобида шундай ёзади: “Данте поэмаси замонавий илму ирфон маълуми бўлган барча фанний қувватларни ўзида мужассамлаштирган. ...Дантени мутолаа қилиш, аввало, машаққатли меҳнат демақдир” [1:10].

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов биринчи бўлиб бу машаққатли ва айни пайтда, ғоят шарафли ишга қўл урди ва бунинг уддасидан чиқди [2]. Бундан етти аср муқаддам бошқа заминда яратилган асарни ўзбек ўқувчисига етказиш учун

ва Н.Кимберг, агромегиоратив ишларни Б.Федоров, гидромодул ишларни В.Легостаев ва В.Коньков, геоботаник ишларни Р.Верник, К.Зокиров, И.Гранитовлар амалга оширган [5].

Ўзбекистонда энг йирик ҳажмдаги биринчи тадқиқот турли соҳа олимлари ҳамкорлигида (географлар, тупроқшунослар, ирригаторлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, иқтисодчилар ва бошқ.) Фарғона водийсида Г.Н.Черданцев ва К.Н.Бедринцевлар бошчилигидаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши (СОПС) ходимлари томонидан олиб борилган (1954). Шу асосда Ўзбекистоннинг барча минтақалари ўрганиб чиқилди.

Кейинчалик агрогеографиянинг назарий масалалари, қишлоқ хўжалигини районлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тизимлари ва агросаноат мажмуалари бўйича В.М.Четыркин, З.М.Акрамов, К.И.Лапкин, А.Рўзиев, Қ.Абиркулов, О.Абдуллаев, М.Юсупов, А.Содиқов ва бошқалар тадқиқот олиб боришган. Янги ерлар, чўл ва тоғолди минтақаларни ўзлаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер-сув захираларидан фойдаланиш, сув омборларини қуриш ва суғорма деҳқончилик масалалари Р.Ҳодиев, Т.Эгамбердиев, Е.Умаров, С.Саидкаримов, С.Исломов, Ғ.Ашуров, З.Ҳошимов, Ш.Азимов, Х.Золотарев, К.Қурбонов, Б.Шотурсунов, Т.Шотўраевларнинг ишларида ўрганилган.

Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги географияси Р.Усмонов, С.Боқиев, Х.Халиловлар томонидан ёритилган, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича М.Маҳмудова, Х.Шосаидов, К.Ғадоев, А.Холмирзаев, Қ.Алланов, Ҳ.Абдуназаровлар илмий изланишлар олиб боришган, алоҳида районлар қишлоқ хўжалигига М.Валихонов (Кўқон воҳаси), О.Абдуллаев (Фарғона водийси), И.Ишчонов (Хоразм воҳаси), Е.Умаров (Қорақалпоғистон Республикаси), Ю.Аҳмадалиев (Фарғона водийси) ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари – деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳудудий бирикмаларидан иборат бўлиб, ғаллачилик районларда паррандачилик, картошка етиштириладиган ерларда сут-гўшт чорвачилиги, қанд лавлаги экиладиган ҳудудларда чўчқачилик, йирик шаҳарлар атрофи ҳудудларида – махсус қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланиб боради. Бу эса қишлоқ хўжалигида ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси (комплекс)ни шакллантиради. Бундай мажмуаларнинг энг мураккаб ва ривожланган шакли эса қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноат (расман озик-овқат саноати) асосида вужудга келади [8].

Агросаноат мажмуини бундан ҳам кенг маънода талқин қилиш мумкин. У ҳолда бу мажмуа саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча тармоқларини, транспорт ва омборхоналарини ҳам ўз қамровига олади. Айнан шу мазмунда агросаноат мажмуа-

- кишлоқ хўжалиги мақсадидаги табиий районлаштириш ва кишлоқ хўжалиги районлаштиришни бир-бирига алмаштириб бўлмади, сабаби улар турлича тадқиқ қилинади ва шу жиҳатдан мавжуд имкониятларни таққослаб кўриш катта аҳамиятга эга [7].

Мамлакатни кишлоқ хўжалик мақсадида районлаштиришда дастлаб мутахассислар алоҳида маъмурий вилоятларда тадқиқот ўтказишади, кейинчалик бутун мамлакат бўйича маълумотлар йиғилади. Бундай энг йирик районлаштириш ишлари дастлаб Францияда бажарилган (1955). Тахминан 600 га яқин “кишлоқ хўжалиги районлари” (régions agricoles) ажратилган. Бу районлаштириш Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институти ва Қишлоқ хўжалиги министрлиги бошчилигида амалга оширилган. Режа бўйича “кишлоқ хўжалиги райони” ўзининг жойига, кўзга кўринадиган табиий шароити (тупроқ ва иқлим) ва ижтимоий шароитларга (аҳоли жойлашуви, хўжалик тузилиши, деҳқончилик тизими) эга бўлиши керак. Районлаштириш ишлари департаментларда (Франциянинг маъмурий-худудий бирлиги) бажарилган. Бу районлаштириш кенг миқёсда таҳлил этилиб, кишлоқ хўжалиги маълумотлари рўйхатга олинди, улар қайта ишланиб чоп этилди, иқтисодий ва географик адабиётларда фойдаланилди [9].

Қишлоқ хўжалиги мақсадида табиий районлаштиришда табиий омиллар худудни кишлоқ хўжалиги нуқтаи назардан фарқланишига олиб келади. Маданий экинларни оқилона жойлаштиришда агроклимий районлаштириш катта аҳамият касб этади, чунки худудлар ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган баъзи иқлимий омиллар асосида ажратилади. Қишлоқ хўжалиги мақсадида табиий районлаштириш маълум бир табиий хусусиятлар асосида ҳам олиб борилади: тупроқ, геоморфологик, гидрологик, мелиоратив, ботаник-географик ва бошқ.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда амалга оширилган табиий-тарихий районлаштириш ишларини К.И.Лапкин (1966) куйидаги 3 даврга ажратган:

1. Кенглик-вертикал зоналик йўналишидаги районлаштириш даври (XIX аср охиридан XX асрнинг 30-йилларигача).

2. Айрим соҳаларда зонал-регионал методлар асосидаги районлаштириш даври. Бу даврда тупроқ бўйича (И.П.Герасимов), тупроқ-ботаника бўйича (М.Г.Попов, Е.П.Коровин, А.Н.Розанов), гидрология бўйича (В.Л.Шульц) районлаштириш ишлари олиб борилди. Юқоридаги ишларга асосланиб, В.М.Четыркин мажмуали табиий-географик районлаштиришни амалга оширди (1930-1948 йй.).

3. Узоқ келажакни аниқлаштириш ва маълум бир мақсадда зонал-регионал ёндошувни ривожлантирган ҳолда Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини бошқариш ва ихтисослаштириш даври. Мазкур даврда агроклимий районлаштириш ишларини Л.Бабушкин, агро-тупроқ-иқлимий ишларни А.Генусов, Б.Горбунов

фақат шоирлик истеъдодининг ўзи кифоя қилмаслигини яхши билган мутаржим бир неча йил кунт билан тайёргарлик кўрди, илмий ва ижодий изланиш олиб борди. Абдулла Орипов асл нусха сифатида фойдаланган “Илоҳий комедия” М.Лозинскийнинг русча таржимаси бўлиб, бу рус шеърятни қозонган катта зафар деб баҳоланган ва таржимон 1947 йилда бу иши учун биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

М.Лозинский ўзигача бўлган юз йиллик тажрибага суянган, чунки унча ўнлаб рус адиблари бу соҳада кучларини синаб кўрган эдилар. Ўзбек мутаржими учун эса, Данте бутунлай янги олам, очилмаган кўрик. Ўзбекча таржима билан астойдил танишиш Абдулла Ориповнинг машаққатли меҳнати ва зўр ижодий ютуққа эришганини кўрсатади.

Абдулла Орипов шундай дейди: “Мен таржимачилик билан ҳам шуғулландим. Ушбу машғулотиمنىнг энг асосийси Дантенинг “Илоҳий комедия”си деб биламан. Таржима жараёни мен учун энг улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман. Она тилимизнинг нақадар бой эканлигига имон келтирган бўлсам, ўша таржима жараёнида имон келтирганман. Азбаройи таржима асл нусхадан кам бўлмаслиги учун тилимиз бойлигидан имкон борича тўлиқ фойдаланиш учун изландим, тил хазинасидан сўзлар ахтардим”.

Шоҳ асарлар таржимаси адабий тил учун синовдир. Чунки бундай вақтда она тилининг ишланганлиги ва имкониятлари қай даражада эканлиги аён бўлиб қолади. Очиғини айтганда, “Илоҳий комедия” сингари ёзма адабиёт обидалари таржимасини ҳар қандай тил ҳам кўтара олмайди. Ўзбек тили тараққиёти ва шеърятининг ҳозирги мавқеи энг мураккаб асарларни таржима этишга тўла имкон беришини Абдулла Орипов яна бир марта исботлади [3:153-170]. Дарҳақиқат, ўзига хос рамзий услубда ёзилган “Илоҳий комедия” таржимасида тил масаласи долзарб ҳисобланади. Зеро, Данте “итальян тилининг отаси” сифатида ном қозонган мутафаккирдир.

Замонавий адабий тил – бу ҳозирги сўзлашув нормаларига риоя қилган халқнинг кўп асрлик тилидир. Бадиий таржима ана шу тил билан бунёдга келади. “Илоҳий комедия” таржимасига келганимизда эса, шуни айтиш керакки, бу асарнинг фақат ўзига хос бўлган талаблари ҳам бор. Масалан, “Ҳамлет”ни ёки “Фауст”ни эски иборалардан, архаик услубдан умуман фойдаланмасдан туриб таржима қилганда ҳам улардаги давр руҳини берса бўлади. Лекин “Илоҳий комедия”нинг йўриғи бошқа. Бу аллегорик асарда диний иборалардан, илоҳий фалсафий тушунчалардан кенг фойдаланилган. Мазкур поэманинг тили ўз замонида ҳам ўзига хос услубга эга рамзий тил сифатида маълум бўлган. Худди шу сабабдан “Илоҳий комедия” нинг ўзига хослигини акс эттирадиган тил услубини танлашга тўғри келади. Мутаржим Абдулла Орипов Данте яшаган давр руҳини, асардаги рамзий-мажозий луғатга асосланган услубни

акс эттириш учун она тилимизнинг барча қатламларидан, шева ва лаҳжалардан, ўтмиш адабий тил, қадимий туркий сўзлардан жуда унумли ва ўринли фойдаланган.

Мажозий тасвирлар, гоҳ ёйиқ, гоҳ ёпиқ ва сирли истиораларни қайта яратиш орқали А.Орипов Данте айтмоқчи бўлган теран фикрларни, рамзий ишораларни, унинг руҳиятини ўзбек китобхонига етказа олган, шунинг учун ҳам таржимада миллий колорит ҳам сақланган, давр руҳи ҳам берилган, муаллиф услуби ҳам тўлиқ сақланган. Абдулла Ориповнинг хизмати шундан иборатки, Жамолунгма чўққисидек забт этиш қийин бўлган буюк Дантенинг “Илохий комедия”сини оҳорини кетказмай ўзбек халқига тухфа қилди.

Сўзнинг том маъносиди халқ шоири, замонавий ўзбек адабиётининг улкан намояндаси А.Ориповнинг ижодий қиёфаси фақат шеърлару дostonлар билан чекланиб қолмайди. Унинг шеърят мавзусига, адабиётимизнинг атоқли вакиллари Ғ.Ғулум, Ойбек, А.Қаҳҳор, У.Носир ижодига доир мақола ва суҳбатлари, даврнинг ўткир масалаларига бағишланган публицистик ижоди ҳам фикрлашдаги ўзига хослик, топқирлик ва зукколиги билан ажралиб туради.

У дунё адабиётининг мумтоз намунаси Дантенинг “Илохий комедия” сини маҳорат билан ўзбекча сўзлатишдан ташқари, украин мумтоз шоираси Л.Украинканинг “Мағораларда” драматик достонини, венгр драматурги Й.Хелтаннинг “Соқов рицарь” шеърини драматик сани ҳамда Н.Ганжавий, А.Пушкин, Т.Шевченко, Қ.Қулиев ва бошқа шоирларнинг шеърларини таржима қилди. Унинг бу соҳадаги фаолиятини кўздан кечириш асосан ўз руҳига яқин асарларни таржима қилишга интиланлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам улар маҳорат билан ўгирилган, асл нусханинг оҳори тўқилмасдан худди аслан она тилимизда яратилгандек туюлади.

Адабиётлар

1. Мендельштам О. Разговор о Данте. – М.: Искусство, 1967. – 410 с.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Учинчи жилд. Таржималар. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2011. – 382 б.
3. Комилов Н., Қаҳҳаров Т. Ижод елканини кўтариб. – Тошкент, 1978. –Б. 153-170.

РЕЗЮМЕ

Мақола буюк итальян адиби Алигьери Дантенинг “Илохий комедия” асарининг ўзбекча таржималари таҳлилига бағишланган. Таржима сифати теран таҳлил этилиб, мутаржим маҳоратига холисона баҳо берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена анализу узбекского перевода “Божественной комедии” великого итальянского писателя Алигьери Данте. В результате глубокого анализа качества перевода дана объективная оценка мастерству переводчика.

SUMMARY

This article is devoted studying to the work of Italian writer Aligri Dante’s “Divine comedy” and its translation into Uzbek. The quality of translation is deeply analyzed and also highly estimated by author skills.

ГЕОГРАФИЯ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РАЙОНЛАШТИРИШ ВА ГЕОГРАФИК КОНВЕЙЕРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Файзуллаев М.А. (ЎзМУ)

Таянч тушунчалар: қишлоқ хўжалиги, районлаштириш, ҳудудий ташкил этиш, агрогеография, табиий-тарихий районлаштириш, табиий омил, ер, сув, агроиқлимий районлаштириш, ихтисослашув, географик конвейер.

Ҳар қандай географик тадқиқотнинг ўзига хос жиҳати унда районлаштириш усулидан фойдаланиш ҳисобланади. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларини инобатга олган ҳолда ҳудудларни иқтисодий районлаштириш амалий аҳамиятга эга. Бундай районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалиги жойлаштириши билан боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг ареалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади. Бинобарин, минтақавий иқтисодиёт, иқтисодий география тарихи кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва жойлаштириш тарихи билан белгиланади [1:8].

Объектив қонуниятларга асосланган тарзда ердан фойдаланишни ҳудудий табақалаштиришни, деҳқончилик ва чорвачиликнинг технологик ҳамда ташкилий-ишлаб чиқариш жиҳатидан ўзаро муносабатларини тушунтириб бериш қишлоқ хўжалиги районлари ва типларининг вужудга келиш механизмини тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга [6].

Табиий ва қишлоқ хўжалигини районлаштиришда ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу тўғрисида қуйидаги қарашлар юзага келган:

- табиий шароитнинг белгилари асосида ҳудудларни ажратиш қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлиб, уларни қишлоқ хўжалиги районлари, деб ҳам аташ мумкин. Бу фикр фақат табиатшунослар учунгина эмас, балки иқтисодчиларга ҳам тааллуқлидир. Чунончи, И.И.Никишин (1969) ҳудудларни тупроқ-иқлим алоқадорлигида фарқлиниши заминида табиий асос ётади, бу эса қишлоқ хўжалиги районларининг шакл ва чегараларини вужудга келтиради. У мазкур районларда қишлоқ хўжалиги мақсадида ерлардан фойдаланиш даражасини аниқлашда табиий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб таъкидлайди;

- қишлоқ хўжалиги хусусиятидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида табиий алоқадорлиги бир хил бўлган ҳудудлар ажратилади. Бу фикр тарафдорлари кўпинча ушбу ҳудудий бирликни “табиий хўжалик зоналари” тарзида татбиқ қилишади;

fulfill the function of a syntagma, if the subject of the speech believes that it is enough to reflect the content in the combination with other syntagmas. Such cases must not create an illusion that a sentence is composed of words. A minimum quantity of syntagmas in a sentence is one, but usually there are a few of them. Their quantity is defined by the content and peculiarities of a psychic activity of the author of the text, by his language and speech competence.

Reference

1. Slobin D. Psycholinguistics [Text] // Slobin D., Green J. Psycholinguistics. – Moscow.: Progress Publishers, 1976. – 350 p.
2. Bloomfield L. Language [Text] // Bloomfield L. - New York: Holt, Rinehart and Winston, 1964. - 592 p.
3. Braine M. The ontogeny of English phrase structure: The first phase [Text] / MDS Braine // Language. - 1963. - V. 39, number 2. - P. 1-13.
4. Chomsky N. Syntactic Structures [Text] // Chomsky N. - The Hague: Mouton, 1957. - 117 p.

SUMMARY

The importance of syntagma in the English speech is under consideration. The roles of a word, a sentence and a syntagma in the process of the text formation, its structuring and perception are defined in this article.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инглиз тили нутқларида ишлатиладиган синтагмалар тузилиши ва қўлланилиши ёритилган. Шунингдек, гапда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмаларининг ички тузилиши ва семантикаси ҳам таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается множество мыслей об использовании и задаче синтагм, а также их семантика в английской речи. Материалы статьи очень полезны для анализа предложений и сопоставления синтагм на родном языке.

ЎЗБЕК ТИЛИДА БЎЛАКЛАРГА АЖРАЛМАЙДИГАН ГАПЛАР

Юлдошева Н., Набиева М. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: қолип, сўз-гаплар, грамматик ҳодиса, семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар, бўлақларга ажралмайдиган гаплар, йиғиқ гаплар, лисоний қолип, атипик гаплар.

Ўзбек тилшунослигида гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [WP_m] сифатида талқин этилгач, баъзи ўринларда зиддиятли, изоҳ-талаб нуқталар ҳам вужудга келди. Чунки тилимизда шундай сўзлар борки, улар ўзининг алоҳида белгилари билан мустақил сўзлардан ҳам, ёрдамчи сўзлардан ҳам, содда ёки қўшма гаплардан ҳам фарқ қилади. Бу сўзлар – бўлақларга ажралмайдиган гап ёки сўз-гаплардир.

Сўз-гаплар мустақил грамматик ҳодиса бўлиб, ўзбек тилшунослигида улар ҳар хил атамалар билан талқин этилган. Профессор А.Фуломов сўз-гапларни “ундаш гаплар” сифатида эътироф этса [1], М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловлар “бўлақларга бўлинмас гаплар” тарзида талқин этадилар [2].

Ўзбек тилидаги сўз-гаплар моҳиятан гап мақомида бўлиб, гапнинг бошқа марказий ва кенгайтирувчи қисмлари билан фақат мазмунан боғланади ҳамда ўз коммуникатив вазифасини кесимлик категорияси шаклларисиз намоён қилади. Шунингдек, улар семантик структурасининг одатий гаплардан кескин фарқланиши билан ажралиб туради [3].

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида сўз-гаплар атрофлича ўрганила бошланди. Академик Ғ.Абдурахмонов сўз-гаплар ҳақида алоҳида тўхталиб, уларни маъно ва вазифасига кўра беш гуруҳга: 1. Тасдиқ билдирувчи сўз-гаплар. 2. Инкор сўз-гаплар. 3. Сўроқ сўз-гаплар. 4. Ҳис-туйғу сўз-гаплар. 5. Модал сўз-гапларга бўлса [4], Р.Бобокалонов уларни тўрт гуруҳга: 1. Модаллар. 2. Ундовлар. 3. Тасдиқ-инкорлар. 4. Таклиф-хитоб [5] сўз-гапларга ажратади.

